

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

# ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИДАН

Тошкент  
«Akademnashr»  
2017

УЎК: 78(575.1)(091)  
КБК: 85.31г(5Ў)  
И 73

**И 73 Ирзаев, Баҳром.**

Ўзбек мусиқа маданияти тарихи саҳифаларидан [Матн] / Б.Ирзаев. –  
Тошкент: Akademnashr, 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-4982-6-6

УЎК: 78(575.1)(091)  
КБК: 85.31г(5Ў)

*Китобда ўзбек мусиқа маданияти тарихи, хусусан, мустабид тузум даври-  
даги ўзбек мусиқа маданияти ривожига доир муаммолар тарихшунослик юза-  
сидан тадқиқ этилган. Муаллиф давр адабиётларини чуқур таҳлил қилди асо-  
сида ўзбек халқи мусиқа маданияти тарихида содир бўлган ижобий ва салбий  
ўзгаришлар, ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, тарихий тафаккур дина-  
микасига таъсир кўрсатган мафкуравий ҳамда сиёсий омилларни очиб беради.  
Асар мутахассислар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.*

**Муаллиф:**  
**Баҳром Ирзаев**

**Масъул муҳаррир:**  
**Сарвар ОТАМУРАТОВ, социология фанлари номзоди.**

**Тақризчилар:**  
**Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, тарих фанлари доктори, проф.,**  
**Оқилхон ИБРОҲИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори, проф.**

Китоб Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси кўмагида  
тайёрланди ва чоп этилди.

ISBN 978-9943-4982-6-6

© «Ўзбек мусиқа маданияти  
тарихидан саҳифаларидан»  
© «Akademnashr», 2017

## СЎЗ БОШИ

Мана, халқимизнинг асрий орзуси бўлган истиқлол бахтига эришганимизга ҳам 26 йил тўлди. Албатта, бу улкан тарих олдида жуда қисқа даврдир, бироқ шу вақт мобайнида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида асрларга татийдиган буюк ўзгаришлар юз бергани рост. Халқимизда «оққан дарё оқаверади» деган бир ҳикмат бор. Зеро, дунё илм-фани уммонига беқиёс ҳисса қўшган олимларни тарбиялаб етказиб берган, минг йиллик давлатчилик маданиятига эга ўзбек халқи, шубҳасиз, жаҳон тарихида ҳақли равишда ўзига хос мавқега эга бўлиб келган. Шунга монанд, айна кунларда ҳам халқимизнинг обрў-эътибори қайта тикланиб, кайфияти, турмуш тарзи ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Ҳар бир ватандошимиз учун янгича яшаш ва ижод этиш, янгича фикрлаш, янгича тафаккур, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ташаббус кўрсатиш эрки таъминлангани туфайли бугун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча санъат аҳли, жумладан, мумтоз йўналишида ижод этувчилар, мусиқашунос олимлар ва соҳага энди кириб келаётган ёшлар ҳам ўзларининг ташаббуслари, янги-янги ғоялари билан ўртага чиқмоқдалар. Композиторлик йўналиши дейсизми, миллий хореография ёки миллий эстрада йўналишларида ижод этувчи ёшлар дейсизми, ҳамма-ҳаммалари, ўзларининг оригинал асарларини яратиш ва тарғиб этиш борасида фаоллашмоқдалар. Дарҳақиқат, мусиқа инсон маънавиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Тарихий хотирани тиклашда, миллий ўзликни ва миллат зеҳниниятини англашда мусиқий мероснинг ўрни ниҳоятда катта.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам, ўз дастуримизда таъкидланганидек, халқимизнинг бе-назир миллий кадриятларини асраб-авайлаш, миллий ғурур ва шаън туйғусини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш

масалаларига ҳамма вақт катта эътибор қаратади. Қўлингиздаги асар эса айнан шу интилишларимизга мос келади. Шу боис уни чоп этиб, кенг ўқувчилар оммасига етказишга кўмаклашишни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик. Қолаверса, биз бундан кейин ҳам мазкур йўналишда ижод этаётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий ютуқларини тарғиб этишда давом этамиз.

Муқаддас Ватанимиз тарихининг мустамлака даврида, мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида халқимиз бошига кўплаб оғир савдолар солинганлигини унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ! Аввало, бу бизнинг тарихимиз, демак, ундан тўғри хулосалар чиқаришга, сиз ва бизга насиб этган улуғ неъмат бўлмиш Истиқлол ва унинг қадр-қимматини янада теранроқ ҳис этишга, боболаримиздан мерос қолган меъморий, илмий, маънавий, мусиқий кадриятларни авайлаб асрашга, соддадил ва меҳнатсевар халқимизни ардоқлашга, муқаддас заминимизнинг ҳар бир қаричини кўзимизга тўтиё қилишга, Буюк Ўзбекистон байроғини барча соҳаларда юксакларга кўтаришга барчамиз бирдек масъулмиз. Ишонамизки, мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган Республика ва халқаро даражадаги илмий конференциялар, олимларимиз томонидан олиб борилаётган чуқур илмий тадқиқотлар бу борада муҳим аҳамиятга эга. Токи бу тадқиқотлар натижалари жаҳон илм-фанини бойитсин ҳамда ёшларимизнинг масъум қалбларини ҳам ғурур ва ифтихор билан тўлдирсин. Токи умумбашарий кадриятлар сифатида аллақачон тан олинган миллий меросимиз – беназир кадриятларимиз ҳар бир юрдошимиз қалбига муҳрлансин! Шунда бизнинг ёшларимиз янада билимдонроқ, янада олийжаноброқ, янада виқорлироқ ва янада ватанпарварроқ бўлиб улғаяверишади.

Энди бу мўъжаз китоб мазмуни ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у ўзида жуда катта даврни ва ниҳоятда кўп маълумотларни қамраган. Рисоланинг асосини турли даврларда чоп этилган матбуот материаллари ташкил этади. Айниқса,

Ўзбек муסיқасининг жонкуярлари Абдурауф Фитрат, Ғулом Зафарий, Чўлпон, Шокир Раҳимий, Искандар Икром, Ниёз Ражабзода, Санжар Сиддиқ, Муҳиддин қори Ёқубовларнинг ўтган асрнинг 20-30 йилларида эълон қилинган фикрлари ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Зеро, улар кўтарган муаммолар ҳали-ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Шу боис ҳам китобни ўқир экансиз, ўзингизни ўтган асрда ижод этган ўзбек халқининг мазкур буюк санъат дарғалари билан бевосита мулоқотга киришгандек ҳис этасиз, ҳатто улар билан ўзаро мунозарага киришасиз.

Ростдан ҳам, Саййид Али Хўжа, Шокир Сулаймон каби ўша вақтда ҳали талаба бўлган ёшларнинг ўзбек миллий маданияти, муסיқий мероси келажаги ҳақидаги ташвишлари, кечинмалари кишига бошқача таъсир кўрсатади. Шунингдек, китобдан ўша матбуот саҳифаларида сақланган суратлар учун ҳам муносиб ўрин ажратилган.

Китобнинг яна бир эътиборли жиҳати, унда жамланган материллар асосан араб имлосида, баъзилари эски лотин имлосида ёзилган мақолалардир. Муаллиф уларни тарихнинг суронли даврларни бошидан кечирган ва кўпчилиги йиртилиб, титилиб ётган, бутун мамлакатимиз ҳудудида атиги бир-икки нусхадан қолган газета ва журналлардан тўплаб олиб, бугунги алфибомизда эътиборимизга ҳавола этганки, бу ҳам китобга ҳурматимизни оширади. Қолаверса, маълумотларни тўплашда Марказий давлат архиви манбаларидан унумли фойдаланилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, бу санъатшунос ва муסיқашунос олимларимизда кам учрайдиган ҳолатдир.

Китобда ўзбек халқининг муסיқий маданияти илдизлари Авесто ва зардуштийлик дини анъаналари билан боғланади. Самарқанд яқинида топилган дунёдаги энг қадимий чолғу сози – 3300 йиллик тарихга эга найдан тортиб Борбад ва Форобийгача, Шарқда илк нота ихтиро этган озарбайжон мутафаккири Сафиуддин Урмавийдан буюк муסיқашунос Аб-

дулқодир Мароғийгача бўлган ўзбек мусиқа маданияти тараққиётини ишонарли далиллар билан изчил баён қилган. Энг муҳими, юқорида айтганимиздек, бу асар ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистон матбуотининг тўнғичлари бўлмиш «Туркистон» газетаси, «Инқилоб», «Ер юзи», «Маориф ва ўқитғучи» журналлари саҳифаларида эълон қилинган кўплаб мақолаларни илк бор илмий муомалага киритмоқда.

Китобда ўзбек мусиқа маданиятининг А.Фитрат, Ғ.Зафарий, А.Чўлпон, С.Муғанний, Ю.Шарлама, М.Харратов каби кўплаб жонкуярлари қатағонига оид маълумотлар ва бу тажовузнинг ўзбек миллий мусиқа маданияти тараққиётига салбий таъсири ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, мустабид тузум даврида ўзбек миллий мусиқий меросини чуқур ўрганиб, ўз мактабларига асос солган К.Отаниёзов, Ф.Умаров, Т.Қодиров каби қўшиқчилигимизнинг етук дарғалари ва «Лазги», «Шодлик», «Гўзал» сингари ансамблларнинг ўзбек мусиқа ва рақс санъатини дунёга намойиш этишдаги ҳиссалари мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Қолаверса, миллий театр, мусиқали драма театри, миллий опера, кино ва кино мусиқаси каби санъат турларининг юзага келиши билан боғлиқ кўплаб жараёнлар ҳам қаламга олинган.

Китоб илмий-оммабоп йўналишда ёзилган бўлиб, ўзбек мусиқа санъати билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган. Ишонамизки, бу тадқиқот муаллифнинг келажакда амалга оширадиган улкан илмий лойиҳалари учун дебочадир.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**

*«Миллий тикланиш» демократик партияси*

*Марказий кенгаши раиси, социология*

*фанлари номзоди.*

## КИРИШ

Археологик тадқиқотлар, жумладан, зардуштийлик дини анъаналарини ўрганиш жараёнлари ўзбек халқининг мусикий маданияти илдизларининг ҳам энг қадимий маънавият сарчашмалардан бўлган Авестога бориб тақалишини кўрсатади. Зеро, зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлган Авестода танбур, виниг, чанг, най каби кўплаб чолғу созлари тилга олинган<sup>1</sup>. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зардуштининг ўзи ҳам танбурда куйлар ижро этган.

Ургут туманининг Самарқанд шаҳрига яқин Мўминобод қишлоғидаги эски қабристондан топилган, сал кам 4000 йиллик тарихга эга суякдан ясалган най дунёдаги энг қадимий чолғу сози намунаси ҳисобланади. Шунингдек, Афросиёб харобаларидан сурнай, доира, ушпуллаклар ҳам топилган бўлиб, энг муҳими, улар ушбу мусиқа асбобларининг ҳозирги шаклидан деярли фарқ қилмайди. Ёки Сурхондарёнинг Далварзинтепа ва қадимги Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа каби ёдгорликларидан топилган чанг ва бошқа мусикий созлар қолдиқлари ҳам дунёдаги энг қадимий чолғу ёдгорликларидир<sup>2</sup>.

Умуман, жаҳон олимлари Ўзбекистон ҳудудини кордофонларнинг (торли соз) ватани деб тан олганлар. Торли созлар эрамининг I асридан бошлаб айнан шу ҳудуддан дунё халқларига дипломатиянинг турли йўллари билан тарқала бошлаган эди. Бу соз хитой императори Ву Ти турк маликасига уйланганидан сўнг илк бор хитойга кириб борган ва сўнгра Ҳиндистонга тарқалган эди<sup>3</sup>.

Қадимий Хоразмда ўтказилган археологик тадқиқотларда милодий VI асрга тегишли бурғу сурати топилган, шунинг-

<sup>1</sup> Назаров А. Антик давр мусиқа маданияти. – СИТИ, М(м) Н – 19. – Б.19.

<sup>2</sup> Ширинов Т.Ш. Тарихимиз этюдлари. – Тошкент: Шарқ. – Б.336.

<sup>3</sup> Назаров А. Антик давр мусиқа маданияти. – СИТИ, М(м) Н – 19. – Б.4.

дек, аскарлар ичида ҳарбий оркестрлар бўлгани аниқланган. Бу чолғу Амир Темур армиясида ҳам бўлиб, ўзининг даҳшатли овози билан ном чиқарган эди. Мазкур бурғу сози кейинчалик Европага ҳам ёйилган.

Шарқдаги илк касбий муסיқашунослардан бири бастакор, ҳофиз ва шоир Борбад Марвазий (Фалаҳбад)дир<sup>4</sup>. У мумтоз муסיқа санъатининг асосчиларидан бўлиб, сосоний шоҳи Хисрав Парвез II саройида кўпгина машҳур созанда ва ҳофизларга устозлик қилган. Борбад ўз даврида ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб, «Хусравоний» оҳанглар тўпламини, ойнинг ўттиз кунига қиёслаб ўттиз лаҳн (куй йўлини), йилнинг 360 кунига бағишлаб шунча номдаги таронани яратган эди. У яратган куй ва тароналарнинг айрим номлари бизнинг замонамизгача ҳам етиб келган. «Шашмақом» оҳанглари силсиласидаги «Зирофканд», «Хусравоний», «Наврўзи Бўзруг», «Наврўзи Ажам», «Наврўзи Хоро» мақом йўлларида Борбад ижодининг анъаналари бевосита давом этмоқда<sup>5</sup>.

Хоразмийнинг «Мафотиҳ ул улум» қомусий китобида ҳам муסיқага махсус боб ажратилган.

Буюк қомусий олим Форобий ҳам муסיқа илми билан шуғулланган, қолаверса, фақат назарий қарашлар билангина чекланмасдан, ўз даврида уд чолғусига 5-торни қўшган, шунингдек, бастакор ва моҳир созанда сифатида ҳам танилган эди. Форобийнинг муסיқашуносликдаги буюк хизматлари ўлароқ Шарқ муסיқа илмига асос солинди ва касбий муסיқа амалиёти янги босқичга кўтарилди<sup>6</sup>.

Абу Али Ибн Синонинг «Китоб уш Шифо» қомусий тўпламига учта муסיқий рисоласи киритилган. Унинг фикрича,

<sup>4</sup> Сокин Ш. Мағрур садо // Санъат. 1990. №9. – Б.9 – 10.

<sup>5</sup> Файзиев О., Раҳимов Қ. Борбад – Шарқ санъати асосчиларидан бири // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.12 – 14.

<sup>6</sup> Иброҳимов О.А. IX – XI асрлар ўзбек муסיқа маданияти // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.10.



«мусиқа инсонда ҳаётбахш, олийжаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради». Ибн Сино муסיқани инсоннинг гўдаклигидан то умрининг охиригача зарур ва фойдали бўлган бадиий-эстетик ва тарбиявий қадрият деб ҳисоблайди. Унинг ўзи ҳам мусиқа билан шуғулланган, ҳатто, сурнайнинг яратилишини унга нисбат берадилар<sup>7</sup>.

Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий каби Шарқнинг буюк алломалари ҳам мусиқанинг қудратли кучи ҳақида ёзиб, жумладан, «Мусиқа наинки гўзал, уни ман этиш ҳам мумкин эмас. Фақат тубан ҳиссиётлар қўзғовчи куйлар бўлмаса, бас!» деб таъкидлаган эди.

Мусиқа маданиятининг «нота» ёзувларидан бири ҳам Шарқда ихтиро этилган эди. Улардан бири озарбайжон мутафаккири Сафиуддин Урмавий томонидан Уд торли чертма сози учун мўлжалланган ёзув воситасида яратилган табулатурадир. С.Урмавий XIII асрдаёқ ўн икки мақом тизимини илк бор тасниф этганди.

Яна бир Шарқнинг буюк мусиқашуноси Абдулқодир Мароғий бўлиб, у дастлаб Боғдодда Султон Увайсий, Султон Аҳмад саройларида хизмат қилган. Боғдод Амир Темур томонидан бўйсундирилгач, у Самарқандда Темур саройида, сўнгра Ҳиротда Шохрух саройида илмий-ижодий фаолият кўрсатган. Абдулқодир Мароғий Шарқ мусиқасининг етук билимдони сифатида «Куйлар хазинаси», «Тароналар тўплами», «Куйлар ҳақида китоб» каби асарларни яратганди<sup>8</sup>.

Тарихдан маълумки, тасаввуф аҳли ҳам мусиқа ва унинг сеҳридан унумли фойдаланган. А.Жомий ўзининг «Рисолаи муסיқий» асарида мусиқани зарурий билимлар сирасига ки-

---

<sup>7</sup> Чориев Т.Р., Худоев Ғ.М. Садриддин Айний ижодида мусиқа санъати ва мусиқашунослик // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.15 – 16.

<sup>8</sup> Йўлдошева С.Х. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.13.

ритиб, уни «халққа хизмат қилувчи, унинг ҳаётини безовчи илмдир» дейди. Жомий мақом мусиқаларининг шундай маънавий тарбия воситаси эканлигига ишора қилади ва «Мусиқадан лаззат топмаслик, инсон руҳининг ҳузурбахш кайфиятга бурканмаслиги унинг руҳий олами жисмоний нафсоният даражасида қолиб кетганидан, маънавий баркамоллик сари қадам ташламаганидан дарак беради» дейди. Алишер Навоий ҳам ўзининг «Маҳбуб ул қулуб» асарида мусиқанинг инсон фаолиятидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Мусиқа илми билан шуғулланган инсонларга ғамхўрлик қилган Навоийнинг кўплаб асарлари ўз давридаёқ кўшиққа айланиб кетган эди. У мусиқа илмини чуқур билган ва ўзи ҳам чолғу созларида куйлар ижро этган. Ҳаттоки, Навоий томонидан «Исфохоний» номли мусиқа басталангани тарихдан маълум.

Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвеш Али Чангий каби алломаларнинг мусиқий рисолалари ҳам ўз даври мусиқа илми ҳақида атрофлича маълумот беради.

Кейинги даврларда ҳам Ўзбекистон ҳудудида мусиқа маданияти тараққиётдан тўхтаган эмас. Мусиқа билимдони Ғ.Зафарийнинг айтишича, Хивалик мулла Бекжон Раҳмон ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқа тарихчаси» номли асарида, ҳижрий 1221 йилдан бошлаб Шарқ мусиқаси Урганч-Хивада бир оз жонлана бошлаган. Ҳатто, Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Саййид Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳим Соний каби хонлар ҳам мусиқа ҳаваскорлари бўлишган. Бунинг таъсирида эса мусиқа янада гуллай бошлайди. Комил Хоразмий (Паҳлавон Ниёз Мирзабоши)дек мусиқа олимлари етишади ва танбур учун «Хоразм чизифи» деб аталган мусиқа нотаси вужудга келади.

Фарғона хони Амир Умархон замонида Қашқардан мусиқа илмини ўрганиш учун Урганчга келган (ҳижрий 1225 й.) машҳур уста чолғучи Худойберди устоз Кўқонга бориб, Умархон саройида қолади. Саройдаги хонзодалар унга шогирд тушиб, мусиқа илмига рағбатлари орта боради.

Умархондан кейинги хон Мадалихон ҳам мусиқага жуда ҳаваслик, ҳатто яхшигина чолғучи ва бастакор бўлиб, Ургачдан Солиҳбек ва Мўминбек деган чолғу усталарини чақиртириб олиб, саройда мусиқага қизиқишнинг янада кенгроқ тарқалишига сабабчи бўлади. Ғулом Зафарий ўз китобида мазкур хон басталаган «Мадалихон» деган куйнинг ўз замониғача етиб келганини, хоннинг яқин бекларидан бўлган Каримқулбек басталаган «Каримқулибеги» куйини эса ҳамма мусиқачилар билишини айтади<sup>9</sup>.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, Туркистон ҳудуди Шарқ мумтоз мусиқаси маданияти шаклланган ва ривож топган марказлардан бири ҳисобланади. Бироқ асрлар давомида ўзбек халқи маънавий меросининг асосига айланган миллий ва мумтоз мусиқа маданияти Россия империяси мустамлакачилиги ва собиқ Иттифоқ даврида маълум тазйиқларни бошидан ўтказди.

Туркистон ўлкаси Россия империяси мустамлакасига айлантирилгач, мустамлакачилар ўлкада рус ва Европа мусиқа санъатини тарғиб этиш мақсадида европача мусиқа муассасаларини ташкил эта бошладилар. Жумладан, Тошкентда 1884 йилда мусиқа жамияти томонидан симфоник оркестр ва хор тўғараги тузилган. 1898 йилда эса «Ли́ра» хор тўғараги очилди. Шундан сўнг ўлканинг бошқа маъмурий марказларда ҳам Ғарб мусиқасеварлари томонидан бир қатор тўғарақлар очилиб, иш бошлади<sup>10</sup>.

Аксар совет даври адабиётларида ўзбек мусиқа санъатининг дунёга танилишини шўро ҳукуматининг хизмати сифати деб жар солинган. Аслида эса бу ҳодиса анча олдинроқ содир бўлган. Жумладан, Чор мустамлакачилиги даврида, аниқроғи, 1889 йилдаёқ Шораҳим Шоумаров, Ҳамроқул Қори, Эрка Қорилар ижросидаги миллий мусиқалар «Эдиссон» номли немис фирмаси томонидан ёзиб олинди, Европа қитъасига тарқала бошлаган эди.

<sup>9</sup> Ғулом Зафарий. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1930 йил январь. №1.

<sup>10</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Г.Ғулям, 1972. Т.I. – С.380.



Мулла Тўйчи  
Тошмухаммедов

1905 йилда Мулла Тўйчи Тошмухаммедов (1868-1943) Москва ва Рига шаҳарларига сафар қилган, ўшанда унинг ижросида «Илғор», «Янги Курд», «Эшвой», «Суворо» каби 20 дан ортиқ кўшиқлар Шарқ мусиқаси шинавандалари томонидан граммофон пластинкаларига ёзиб олиниб тарқатилганди<sup>11</sup>. Шундан сўнг Мулла Тўйчининг хизматлари ўлароқ Туркистоннинг бир қанча шаҳарларида ҳам граммофон пластинкаларини сотадиган дўконлар ташкил этилди<sup>12</sup>.

1909 йилда бетакрор хонанда ва бастакор Содирхон ҳофиз томонидан ижро этилган кўпгина ашулалар ҳам Англиянинг «Пищуший Амур» граммофон фирмаси томонидан ёзиб олинган эди<sup>13</sup>. Шу йили Риганинг «Граммoфон» жамияти томонидан машҳур ҳофиз ва дуторчи созанда Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг<sup>14</sup> «Ироқ», «Насруллоий», «Ушшоқ» каби кўплаб ижролари ҳам ёзиб олиниб,<sup>15</sup> европадаги Шарқ мусиқаси ихлосмандларига етказилган. Умуман, ўзбек миллий мусиқа санъати намуналари ҳар доим жаҳон халқлари томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинган.

## СОВЕТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Ўлкада совет ҳукумати ўрнатилгач, 1918 йилнинг апрелида Туркистон Халқ Университетининг бўлими сифатида Ев-

<sup>11</sup> История узбекской советской музыки. - Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.I. - С.45.

<sup>12</sup> Бадалов М. Умрбоқийлик // Нафосат №9 - 10, 1993. - Б.18 - 19.

<sup>13</sup> Сокин Ш. Содирхон ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №6. - Б.25.

<sup>14</sup> Исматиёв И. // Маориф ва ўқитувчи. 1927. №7 - 8.

<sup>15</sup> История узбекской советской музыки. - Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.I. - С.49.

ропа таълим тизими асосидаги илк мусиқа билим юрти очилди. Июль ойида унга «Туркистон Халқ консерваторияси» деб ном берилди. Аввалига бу муассасада асосан Европа мусиқаси ўргатилар эди. Шу боис маҳаллий зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан 1919 йилнинг 28 мартада Консерваториянинг эски шаҳар бўлими ҳам тантанали тарзда очилди<sup>16</sup> ва миллий мусиқани илмий ўрганишга хизмат қиладиган янги бир марказ вужудга келди. Унда К.Абдуллаев, М.Зияуддинов, М.Дўстмуҳаммедов, И.Лутфиллаев каби миллий чолғу ижрочилари иш бошладилар. Аммо ўша замонда яшаган О.С.Поликарповнинг эслашича, бу ерда ҳеч қандай қулайлик бўлмаган, миллий чолғулар етишмаган. Шунга қарамасдан, йўлаклари зах ва хароба, хоналари совуқ, ёритиш мосламалари кам бўлган бир шароитда ҳам маҳаллий ёшлар зўр ғайрат ва тиришқоқлик билан илм ўрганар эдилар<sup>17</sup> (Шу боис ҳам улар орасидан келгусида Ю.Ражабий, Р.Ражабий, И.Икромов, С.Калонов, П.Рахимов каби кўплаб санъат арбоблари етишиб чиқди).



Бухоро Шарқ мусиқий мактаби ўқитувчилари (сўлдан):

1. Мактаб мудири Ражабзода. 2. Нота муаллими Мурадин. 3. Домла Ҳалим.
4. Ота Жалол Носиров. 5. Ота Фиёс ва бошқалар.

<sup>16</sup> Наша газета. 28 марта 1919 года.

<sup>17</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.I. – С.106.

Бундай мактаблар тез орада минтақанинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этила бошланди. 1919 йилда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида, 1920 йилда Фитрат ташаббуси билан Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилди. 1924 йил эса Туркистон Халқ консерваторияси Тошкент мусиқа техникуми номи олдди. 1925 йил Р.Глиэр номидаги махсус интернат мактаби ташкил этилди.

1928 йилда Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти бўлган Самарқанд шаҳридаги Шердор мадрасасида Мусиқа ва Хореография илмий текшириш институти очилди. Унинг асосий мақсади ўзбек миллий мусиқий меросини илмий ўрганиш ва уни нотага олиб, келажак авлодга соф ҳолда етказиш эди. Илмий жамоага Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган энг билимдон санъат дарғалари тўпланди. Уларнинг ичида Бухоро Амири ҳофизлари йиғини – «риқоб» раиси бўлиб ишлаган Ота Жалол Носиров (1845-1928)<sup>18</sup> ҳам бор эди. У, В.А.Успенский таърифлаганидек, «Бухородаги «Шашмақом»ни чуқур билган ва уни сақлаб қолган энг сўнгги ва ягона вакилдир». У охириги уч амирнинг сарой хонандаси бўлиб хизмат қилган. Ота Жалол 16 ёшидан амирлик созандалари гуруҳида иштирок этган<sup>19</sup> санъаткор эди. Унинг шогирди Ҳожи Абдулазиз Расулов (1855-1936)<sup>20</sup> ҳам Шашмақом билимдони бўлиб, шунингдек, у «Хоразм санъатини бир уста воситасида урганчлик Ёқуб Дорчидан, Фарғона мақом йўлларини Ашурали Маҳрамдан таълим олган»<sup>21</sup> ва миллий санъаткор даражасига эришган киши эди. Унинг «Ажам тароналари», «Жазойир» каби мусиқалари, айниқса, «Гулузорим», «Самарқанд Ушшоғи» каби кўпгина ўлмас ашула йўллари жуда машхур бўлиб кетганди. Ҳожи Абдулазиз 1923 йилда Самарқандда очилган

<sup>18</sup> Бухоро мақом мактаби // Нафосат. 1992. №7 – 8. – Б.15.

<sup>19</sup> Успенский В.А. Классическая музыка узбеков // В.А.Успенский. – Ташкент, 1980. – С.33.

<sup>20</sup> Исмати И. (Мақола номи мавжуд эмас) // Маориф ва ўқитувчи. 1927. №7 – 8.

<sup>21</sup> Гулом Зафарий. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1930 йил январь. №1.

мусиқа факультетида Толибжон Содиков, Набижон Ҳасанов, Сирож Юсуповларга, кейинроқ ўқитувчи сифатида Тошкентдан ташриф буюрган Юнус Ражабий, Рисхи Ражабий, Иномжон Икромовларга ҳам устозлик қилган.

Мусиқа ва Хореография илмий текшириш институтида Ота Ғиёс Абдуғаниев, Левича ҳофиз Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов, Содирхон Бобошарифов (1847-1931)<sup>22</sup> каби кўпгина мақом билимдонлари ҳам тўпланган эди. Улар бу даргоҳда Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурҳонов, Дони Зокиров каби қатор ёш иқтидорли ўзбек композиторларининг янги авлодини тарбиялаш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар<sup>23</sup>. Уларнинг шарофати билан Н.Мироновнинг «Ўзбек мусиқаси», «Ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари мусиқа маданияти ҳақида», «Тожиқ мусиқаси», «Бухоро, Фарғона ва Хива қўшиқлари» каби йирик тўпламлар дунё юзини кўрди.

Шўролар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг дастлабки босқичида «социалистик миллий маданият» яратиш шиори остида кенг кўламли тадбирларни амалга оширди. Унда ҳар бир халқнинг мусиқий меросини, фольклори ва чолғу созларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек халқининг «Алла», «Ёр-ёр», «Ялла», «Лапар», «Йиғи», «Садр»ларидан тортиб, дostonлару мақом санъатигача чуқур ўрганишга киришдилар<sup>24</sup>. Шу мақсадда 1919 йилнинг иккинчи ярмидан Туркистон Республикаси Маориф Халқ Комиссарлиги қошида санъат бўлими ташкил этилиб, унда махсус бадиий-этнографик комиссия тузилди. В.Успенский, Ғ.Зафарий, Э.Мелнгайлис, Е.Романовская, Н.Миронов ва бошқалардан иборат гуруҳ

<sup>22</sup> Сокин Ш. Содирхон ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №6. – Б.25., Эргашева Ч. Содирхон ушшоғи // Театр. 2013. №2. – Б.30 – 31.

<sup>23</sup> Ҳусанов О. Самарқанд булбули. – Тошкент: Ё.Ғулом, 1970. – Б.47.

<sup>24</sup> Беляев В.М. Музыкальные инструменты Узбекистана. – Москва, 1933., Сб. Узбекская народная музыка // Ил.Ақбаров, Ю.Кон. Узбекская народная инструментальная музыка. – Ташкент, 1959. Т.I, III., Караматов Ф.М. Узбекская домбровая музыка. – Ташкент, 1962.



Юсуф Ёқуб ўғли Харратов

Ўрта Осиё халқлари мусиқий меросини ўрганиш ва ёзиб олиш ишларини бошлаб юборади<sup>25</sup>.

Ўрта Осиё халқлари мусиқий маданиятини ўрганиш мақсадида 1918 йилдаёқ Тошкентга В.А.Успенский (1879-1949) юборилган эди. У дастлаб 1921-1922 йиллар Фарғона водийсидаги Исфара ҳудудида тадқиқот олиб боради. 1925-1928 йилларда эса Туркманистонда экспедицияда бўлиб, туркман мусиқа меросини ўрганади. 1931

йилдан эса яна Фарғона водийсида тадқиқот ишларини давом эттиради<sup>26</sup>. Шунинг учун 1936-1956 йилларда яратилган совет адабиётларида уни ўзбек мусиқашунослигининг тамал тошини қўйган ва асосий йўналишларини белгилаб берган ягона арбоб сифатида еўрсатишган.

1927 йилда Ўзбекистон радио қўмитаси қошида Ю.Ражабий раҳбарлигида 12 кишилик «Ўзбек миллий чолғу созлари оркестри» очилди. Унда Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон, Матюсуф Харратов, Сапо Муғанний, Назира Аҳмедова каби бир қанча халқ мусиқий мероси билимдонлари иш бошладилар<sup>27</sup>. 1929 йилда Тошкент мусиқа техникумида халқ қўшиқларини ёзиш ва қайта ишлаш учун махсус гуруҳ ташкил этилди<sup>28</sup>. Умуман, XX асрнинг 30-йилларида ўзбек халқ фольклори меросини тўплаш, ёзиб олиш ва тарғиб этиш ишига маҳаллий миллат вакиллари ҳам кенг жалб этилди. Бу жараёнда И.Акбаров, М.Ашрафий, Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Т.Жалилов каби ёш мусиқашунос, бастакор миллий кадрлар етишиб чиқди. 1920-

<sup>25</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.1. – С.51.

<sup>26</sup> Виктор Александрович Успенский. – Ташкент, 1959. – С.230.

<sup>27</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.1. – С.47.

<sup>28</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Г.Гулям, 1972. Т.1. – С.61.



1930 йиллардан ўзбек мусиқий меросини Европа чолғу созлари билан уйғунлаштириш ва мослаштириш ишлари бошлаб юборилди. Илк ўзбек симфоник оркестри учун яратилган асарлар – бу В.Дешевовнинг «Самарқанд сюитаси» (1930 й.) ва М.Ипполитов-Ивановнинг «Ўзбекистон мусиқий тасвири» сюиталаридир. Кейинроқ М.Ашрафийнинг «Курилиш» марши, М.Бурҳоновнинг «Ўзбекистон қизи» сюиталари пайдо бўлди.

Ўзбек миллий оҳанглари асосида яратилган камер жанридаги дастлабки асарлар В.Успенский ижодига тегишлидир. Айниқса, унинг «Фарҳод ва Ширин» драмасига басталаган мусиқаларида камер жанри ютуқлари кенг истеъфода этилган эди. 1936 йилда Ўзбекистонга келган А.Козловский ҳам ўзбек халқи мусиқалари асосида 300 га яқин мусиқий асар яратди<sup>29</sup>. Унинг симфоник оркестр орқали ижро этилган «Танавор» балети, «Ўзганча» асарлари Ҳ.Носирова ижросида бутун совет мамлакати доирасида шуҳрат қозонди. Н.Мироновнинг «Туркистон сюитаси» ҳам машҳур бўлиб, у тўртта ўзбек («Сарбозлар», «Азизим», «Лайзонгул», «Ғайроғайро») ва тўртта қозоқ қўшиқлари оҳангларида фойдаланган ҳолда яратилган эди.

XX асрнинг 20-йилларидан халққа совет сиёсатини кенг тарғиб этиш мақсадида кўплаб мусиқий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилди. Бу даврда деярли ҳар бир йирик ташкилотда бадий ҳаваскорлик тўғараги тузилиб, ҳатто қишлоқ ҳудудларидаги колхозларда ҳам хор жамоаларини ташкил этишга зўр берилди. Бироқ, кўп ўтмай, бу ҳаваскор труппалар иқтисодий қийинчиликларга дуч келганлари ва халқ эътиборини қозона олмаганлари сабабли ўз аҳамиятини йўқотади. Натижада миллий санъатга ривож бериш учун Ўзбекистон Маориф комиссарлиги жиддий чоралар кўришга киришади. Ўзбекистон маориф комиссари Мўмин Хўжа

<sup>29</sup> Раҳимов А. Қалбга сингган наволар // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №4. – Б.27.

томонидан 1926 йил 1 апрелда Муҳиддин қори Ёқубов раҳбарлигида Юсуфжон Қизиқ, Уста Олим Комилов, Жўрахон Султонов, Мамадбува Сатторов, Тамарахоним каби санъат усталаридан иборат, жами 18 аъзоси бўлган илк концерт жамоаси ташкил етилган эди. Бу концерт жамоаси фаолияти ҳақида Чўлпон: «Яқинда бизнинг шу базм-чолғу тўдамиз ҳам Фарғонада биринчи базмини қурган вақтида кўплар хафа бўлиб, сўкиб чиқиб кетдилар. Нимадан хафа бўлиб, кимни сўкдилар? Жойнинг торлигидан хафа бўлиб, жойни тор солганларни сўкиб чиқиб кетдилар... Кечагина Ўзбекистон марказий ижроқўмининг Самарқандда бўлган 4-ялпи мажлисида тўданинг биринчи чиқиши бўлди. Жумҳуриятнинг катта-кичик эранлари ҳаммаси бор эди. Ҳаддан ташқари кўп қилиниб тузилган проғром ҳеч кимни тўйдирмади. Ҳамма баробар, ҳамма бир тилак билан билан олқишлади»,<sup>30</sup> – деб ёзади. 1927 йил баҳорида бу жамоа Ўзбекистон давлат кон-



Ўзбек давлат сайёр этнограф-муסיқий труппаси.

<sup>30</sup> Чўлпон. «Базм» чолғу тўдаси // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №6.

церт-этнографик труппаси номини олди ва 1926-29 йиллар давомида мусиқа санъатининг барча жанрларида тинимсиз ижод қилди. Шунингдек, бир қатор иқтидорли ёшлар таҳсил олиш учун четга йўлланди. М.Расулий бу борада: «Масковда ўртоқ Уйғурнинг қўли остида бир тўда артистларнинг ўқиб турганлари каби, Боку студиясида ҳам бир неча иқтидорлик ўзбек артист ва артисткалари ўқишмоқдалар. Чин маъноси-билан саҳнамизда нафис санъатлар туғдирадирган ва халққа руҳий озуқа берадурган артистларни биз шулардан кутамиз»,<sup>31</sup> – дейди. Санъат жамоаларини керакли йўналишга солиш ва бошқариб бориш жараёнида шўро мафкура-си қуролига айланган концерт ҳаётининг янги шакли қарор топди. 1936 йилга келиб Ўзбекистон давлат Филармонияси ташкил этилди. Унинг негизида хор капелла ва халқ чолғу-лари оркестри каби янгича ижро жамоалари ташкил этилди.

1930 йилларнинг сўнгидаги машъум сталинча қатағон сиёсатининг кульминацияси бўлган «катта қирғин» қатор санъат арбобларини ҳам ўз домига тортиб кетди. 1936 йил Тошкент давлат консерваторияси очилганида уни миллий олийгоҳ бўлсин деган шахслар кескин таъқиб остига олинди. 1937 йил бошиданоқ Муҳиддин қори Ёқубов қатағонга учради. Ўзбекистоннинг ҳукумат раҳбарлари Ф.Хўжаев, Й.Охунбоевлар ўртага тушиб тенгсиз санъаткорни сақлаб қолдилар. Бироқ, кўп ўтмай, ўзбек мусиқа маданияти жонкуярларидан А.Фитрат, Ғ.Зафарий, Қ.Рамазон, А.Чўлпонлар маҳв этилди. С.Муғанний, Ю.Шарлама, М.Харратов, О.Сафаров, Ф.Норхонов каби кўплаб миллий маданият ходимларининг қатағонга дучор этилиши ўзбек миллий мусиқа маданиятининг кейинги тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

---

<sup>31</sup> Расулий М. Театру ва мусиқамизнинг бориши // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №5.

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА МЕРОСИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАСИ

Ўтган асрнинг бошларидаги ўзбек тараққийпарвар зиёлларининг кўзга кўринган вакиллари – Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний, Ғулом Зафарий, Ҳамза, Муҳиддин Қори Ёқубов каби машҳур шоир, ёзувчи, педагог-маърифатпарварларнинг қатор мақолалари ва рисолаларида ўзбек мумтоз мусиқа маданияти, айниқса, миллий мусиқа меросига муносабатлари ўз ифодасини топган. Жумладан, Фитратнинг илмий тадқиқотларида Марказий Осиё мусиқа илмининг таркибий тузилиши, фан предмети, тадқиқ усуллари муфассал ёритиб берилганди<sup>32</sup>. Ғулом Зафарий ижодий меросининг ҳам асосий қисми ўзбек миллий мусиқаси ва унинг тарихи тадқиқига бағишланади<sup>33</sup>. Садриддин Айний эса ўз мақолаларида Ота Жалол, Ота Ғиёс, Қори Камол, Қори Нажм, Миратожон танбурнавоз – «Тилланохун» кабиларнинг ўзбек, тожик мусиқа маданияти тараққиётига кўшган чексиз ҳиссаларини таърифлаб ўтган. Энг аҳамиятли томони, «Чиғатой гурунги»нинг фаолларидан ва «Кўмак» жамиятининг аъзоси бўлган Саййид Али Усмонхўжаев ўзбек миллий мусиқа меросини асраб қолиш масаласини биринчилардан бўлиб илгари сурганди. У ўзининг «Эндигисини қўлдан бермайлик» мақоласида, жумладан, шундай бонг уради:

«Ҳозир Тошкентда Туркистон мусиқасига бутун вужуди билан берилган мусиқа профессори Успенский бор. Бу ўзида бўлган иқтидорини, илм ўқуб етиштирган бутун кучини Туркистон мусиқасига берган. Тўғриси айтганда, бу киши Туркистон мусиқасининг мажнуни. Успенский французлар руҳида мусиқа ёза олатурган мусиқий шоири (композитор) бўлса ҳам, Туркистон мусиқийси учун мана шу истеъдодини йўқотди. Мусиқашуносларча айтганда, ерга кўмди.

<sup>32</sup> Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Фан. 1922.

<sup>33</sup> Зафарий Ғ. Ўзбек музикаси тўғрисида // Аланга. 1930. №1. – Б.10.



Мусиқа билимдони Фитрат

Бу киши Туркистон мусиқасини саноий нафисанинг бошқа бўлакларига ўхшаш гавдалантирар, унинг соясини нота орқали қоғоз бетларига олар. Демак, буни ҳам ўлмас, битмас қилар. Ул Туркистон оҳангларини нотага олғонда шу қадар эҳтиёт билан оладирки, бундай озорсизлик ёлғиз ошиқларнинг ишидир. Яъни, оҳангларни нотага олганда бузуш, янглиш ёки Оврўпа оҳангларига аралаш қилувдан сақланар. Бу оҳангларни ўз аслида, ўз руҳида ёзмоққа

тиришадир. Бунинг тиришуви шу қадарки, ўзига ўзи ишонмас. Ёзғон асарларини ҳикмат мошиналари билан текшириб кўради. Граммафонга кўйиб эшитадир. Мусиқашунослар орасига солиб мунозара, музокара қилодир.

... Мана бу бечоралар Туркистон мусиқийсига берилиб ишлар эканлар, ҳеч бир ёрдамчилари йўқ. Буларни тақдир этадирган кишилар ҳам йўқ. Материаллар йиғув учун бир ерга боратурғон бўлсалар от-арабалари йўқ. Сўзнинг қисқаси, ҳеч таъминсизлар. Ҳозир энди бир нарсасиз чарчаганга ўхшайдилар. Успенский шундай суйган ва фойдалиқ ишини ташлаб жой ахтармоқчидир. Эҳтимол, бундай кишилар тағин ўлкамизда бордир. Бундай кишиларнинг яқин орада бизнинг орамиздан чиқиши қийиндир. Ҳукумат бошида турган кишиларимиз бунга аҳамият бериб, буларга кераклиқ нарсаларни етиштириб бериб турсалар, бизнинг қанча нозлиқ, ёқимлиқ оҳангларимизни ўлимдан абадий қутқозғон бўлар эдилар. Эскиларимизни қўлдан бердик, энди ҳозирғиларимизни қўлдан бермайлик!»<sup>34</sup>

Шу мақола босилганидан сўнг кўп ўтмай Успенский БХСР ҳукумати томонидан ишга олиниб, Бухоро Шашмақомини нотага олишга киришган эди.

<sup>34</sup> Саййид Али Хўжа. Эндигисини қўлдан бермайлик // Қизил байроқ. 1922 йил 2 февраль. – Б.1.

Саййид Али Хўжа<sup>35</sup> «Санойи нафисамиз ўлди» сарлавҳали яна бир мақоласида ўзбек халқининг миллий санъати нақадар улкан ва қадимийлигига урғу беради. У халқ амалий санъати, миллий кийимлар, миллий меъморчилик, миллий муסיқа ва уларнинг ҳар бирининг беназир ва бетакрор жиҳатларига тўхталиб, жумладан, шундай ёзади:

«... муסיқани олсоқ, ҳозир Бухородан топилган асарлар-да қандай муסיқашунослар ва муסיқий шоирлар (бастакорлар) етишган эканлигини кўрсатди. Баъзи ерларда топилган муסיқий товушлар Оврўпада йўқ экан. Дугоҳ (мақом санъати назарда тутилмоқда – муаллиф) ҳозир Европа муסיқа санъати англаб етишган қарашлар бизда илгари бўлганлигини кўрсатади. Бизнинг Навоийдек муסיқий шоирларимиз одамнинг сўзини ўксик (ноқис) эканлигини англаб, бутун миядаги, кўнгилдаги тилакларни сўз билан айтиб бўлмаслигини, кўнгилда бўлган бу нозли ўюнларни, дардларни ёлғиз чолғу (муסיқий) орқали дунёға-тошқориға чиқарув ёлғиз муסיқий куйлар билангина бўлатурғон эканлигини тушунганларини Дугоҳ каби бир (опера) билан дунёға билдирганлар. Бизда муסיқийга тушунув нақадар буюк эканлигини мана шу қисқагина чиройлик легенда кўрсатадир...

Бизнинг муסיқий куйларимизнинг нақадар чиройлик эканлигини, бироз янглишликлар билан бўлса ҳам Оврўпа оркестри билан айтилганда, ҳамма кўрди, ҳамма овруполикларнинг ўзи ҳам унинг асирига айланди»<sup>36</sup>.

Москвада таҳсилда бўлган Ш.Сулаймон ёзади: «Бошқа халқларникига қараганда оз бўлмасада кўпроқ бизнинг ҳам ота-бобо ва эски замонлардан қолган кўпгина куйларимиз, ашулаларимиз бордир-ки, бу кунда уларнинг кўплари унутилиб кетмоқда... Миллий куйларимизнинг кадр-қимматини билган Оврўпо муסיқашунос куйшунослари бугун бизнинг


<sup>35</sup> Кейинчалик Германияда таълим олиш учун йўлланган, иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ва профессор илмий унвонини олган.

<sup>36</sup> Саййид Али Хўжа. Санойи нафисамиз ўлди // Қизил Байроқ, 1921 йил 3 август. – Б.1.

куйларимизни (ашулачиларимизни топиб) хусусий суратда нотага олмоқдалар. Муҳиддин қори Ёқубий, Гулом Зафарийлардан фойдаланиб Мироновнинг чиқарган «Шарқ ноталари» бунга очиқ шоҳиддир... Туркистонда бошқа кўп ишлар қаторида ҳали бизнинг саҳнаимизнинг гуллари – ашулачиларимиз, миллий куйчиларимиз, миллий куйларимиз кўзга олинмайин унутилиб ётадир. Улар учун мусиқа куй мактаблари, консерваториялар йўқдир»<sup>37</sup>.

Яна бир ўзбек мусиқа санъати билимдони Ғ.Зафарийнинг мақоласидан ўқиймиз:

«Ҳар бир элнинг маданий турмушига негиз бўлган омилларни чинакам текширилса, ҳар бир аср ёхуд даврдаги кишиларнинг маданий ёқдан ўсишларига сабаб бўлган нарсаларни тубли бир йўлда бир ерга йиғиб очиқ кўз билан боқиб кўрилса, маданий ўсишимизга ўрнак ва негиз бўладиргон ҳамда келгусидаги маданий тузулишга жуда қимматлик нарсалар вужудга чиқар.



Бухоро мусиқа мактабининг мудириниёз Ражабзода.

<sup>37</sup> Сулаймон Ш. Миллий куй ва ашулаларимиз // Фарғона. 1923 йил 24 август.

Бурунчилардан қолган маданий тубли тусда текшириб бизнинг туғдирма (ижодий) ишларимизда янглишмай, ҳар ишни тўғри ва тузук йўл билан олиб боришимизга кўмак этганидек, бизда чин қимматлик бўлган нарсаларни туғдиришга ҳам кўмак этадир. Шунинг ила бирга, бу йўл билан маданий тузилатургон бўлса, ҳозирдаги ва келгусидаги янглишликлар ва қийинчиликлардан қутилармиз.

Мана бул қийматлик асарлар ҳам нарсалар, замоннинг ўтиши, чет элларнинг қўшилиши билан йўқолиб борадирлар ёхуд ўзларининг туб шаклларин йўқотадирлар ва бутунлай йўқолиб битадирлар. Бундай ҳолларнинг ўзгариш кунларида тағин кўпроқ таъсир этиши ва қўрқинчлик бўлиши очик ҳақиқатдир. Чет элларнинг одатлари, нафосат йўллари бизнинг санои нафисаларимизни жуда бузадирлар. Мана шунинг учун ботиғно замонда ошиғич йўллар билан ўзимизнинг асл санои нафисаларимизни, ижод этган нарсаларимизни, чолғу куй ва ашулаларимизни йўқолишларидан қутқозиб қолишимиз керак.

Чолғу куйларимизнинг «Олти мақом» деган тубли, илмий тартиблик бўлими йўқолаёзган. «Олти мақом»нинг наср, сарахбор бўлимларин бўлсин, мушкилот бўлимин бўлсин, билгувчилардан бир иккигина устадан бошқалари ўлиб битганлар. Вақт тордир, шул бир икки кишимиз ҳам ўла қолганида, ортиқ Олти мақомни билгувчи ўзбеклар орасида бутунлай йўқ бўлиши аниқдир.

Шунинг учун ўлкамизда бор иккитагина Шарқ мусиқа мактабларимиз (бири Бухорода ва бири Тошкентда)ни яхши йўлга қўюб, Бухородагисида йўқ усталарни Тошкентдан, Тошкентда йўқларини Бухородан келтириб ишга киришилса, шундагина чолғу куйларимизнинг тубли ва илмий бўлими ўлимдан қутқорилган бўлур. Бу муҳим тилакка эришмагимизга катта бир сабаб албатта Маориф комиссарлигимизнинг зўр фидокорлиги ва ҳиммати бўлур. Чолғумизни ўлимдан қутқармоқ билан ишимиз битган бўлмайдир. Сақланиб



қолган чолғумизнинг тўбларин илмий тусда текширмоқ, Оврўпанинг билим дунёсида буюк бир ўрин тутган чолғу тўпларин ўзимизга бажара олганимизча мол қилиб олиб, чолғумизни таҳликалардан бутунлай қутқармоқ учун куйларимизни нотага олмоқ лозим. Шунинг ила бирга, куйли эртак ва дoston, лапар, ўлан, ёр-ёрларимиз йилдан-йилга эскириб, йўқолиб кетаётган халқ куйларин ва бутунлай ўлим чуқурига ташланган қаландарлар куйларин ҳам ўқувчиларимизга нота билан ўргатмоқ лозим. Сўнгра янги чолғу мактаблари учун «ғоя» саналган фикрлардан бири чолғуларни театру саҳнасига чиқармоқдир. Биз ҳам истаимизким, ўқувчиларимиздан тугал опера ўйнай оларлиқ сонда ашулачилар етиштирайлик. Мана шул тилакларга етишмак учун юртимизда бор бир-иккигина чолғу усталарини, иккинчи турли айтганда, чолғу печатларини мактабларимизга келтириб, шулар билан Олти мақомларимизни ўргаттирайлик ҳам тездан шул усталардан бир қанча соз чала билгувчи чолғучиларимизни тайёрлатиб, Самарқанд, Қўқон, Андижондаги янгигина очилган Шарқ чолғу мактабларига усталар етказиб бериб, уларни ҳам тубли бир йўлга қўяйлик. Ўқувчиларнинг барчасига Европа чолғуси асосларин ва нотасин ўргатайлик»<sup>38</sup>.

Яна бир ўзбек миллий мусиқа мероси жонкуяри, журналист Ражабзода ёзади:

«Гўзал санъатларимиз қаторида мусиқамизнинг тарихи ҳам текширилмаган. Жон озиғи бўлган мақомларимизнинг тузилиши ҳар вақт ўзига таъсир билан бизни тортиши каби, мусиқамизнинг шундай хусусиятларин сира ўйламаймиз. Ҳолбуки, мусиқамизнинг тарихий бетлари қоронғу пучмоқларда битиб кетмоқдадир.

Бу кунги 15-20 турли мусиқа қуролларимизнинг ўзига маҳсус анча тарихий бети бордир. Бир оз текширсак, гўзал санъатларимиз учун жуда ҳам муҳим парчалар юзага чиқорармиз.

---

<sup>38</sup> Зафарий Ғ. Чолғумизни ўлимдан қутқарайлик // Маориф ва ўқитувчи. 1925. №1.

...Ўзининг мунгли товуши билан мусиқа қуролларимиз орасида айирмали бўлган «танбур» куйларимизнинг таъсирини англатишда биринчи ўрин тутодир. Тарих бетига кўз солсак, танбурни чолғуларимиз орасида энг эски ва энг тугал, тўкис эканлигини кўрамиз. Мусиқа билан таниш кишиларга белгиликим, танбур бутун чолғуларимизнинг негизи ва қулоғувзи (етакчиси)дир. Бундан ўзга, тарихимизда бармоқ билан санайтурган буюк мусиқийчиларимизнинг кўписи Шарқ мақомларининг негизи саналган Бузрук, Наво, Сегоҳ... каби нафис куйларимизнинг юзда саксонин шул танбур орқали янглишсиз оладирлар. Қолган чолғулар эса куйларни олишга танбур қадар қулайлик бера олмайди. Демак, бу қуролни «Шарқ пианоси» демак жуда ярашадир. Чинданда пиано Оврўпанинг бутун мусиқачиларига бирдан-бир қурол бўлиб, энг машхур опералар энг олдин пиано билан тузулганлари каби Шарқнинг энг донгли мақомлари танбур билан олингандир. Танбур ёлғиз чолғуларимиз учун бўлмаган, балким ҳар бир мусиқий севгучига қулоғувз (далил) бўлмиш. Мусиқачиларимизнинг қандайда бўлса қийин масалага мурожаат қилатургон ўринлари бўлган мусиқий қуроллар орасида Наво, Сегоҳ, Ироқ... каби, киши табиатига жуда кўп таъсир этадургон куйларимизни истаганимизча чолишимиз учун мос қурол яна шул танбурнинг ўзгинасидир. Зотан, танбурнинг ўзига махсус бўлган чолиш йўли (услуги тараннуми) мусиқамизнинг асосий услубига унча катта таъсир этгандир-ким, юқоридаги куйларимизнинг барчасига танбур мусиқи десакда тўғридир... Энди Шарқнинг шунча нозик, юрак ёндирғувчи куйларин бизга кўрсатғувчи бир из бўлса, улда танбурдир.

Классик мусиқамизни шундай тасаввур этиб бўладир. Шарқ тарз меъморисинда ясалган муҳташам безанган катта бир уй, юқорисинда мусиқийчилар учун махсус бир ўрин, бир танбур камонча ила, икки танбур тирноқ ила бир қовуз. Булар ила бирликда уч гўзал товушлик ашулачи танбурнинг

мунгли товушлари билан Ироқ, Наво каби донгли бир мақомдан бошлайдир. Буни тароналари билан уфорга етиб, сипоришига топширадир. Энди, табиий, бундаги тинглагувчилар сўз сўзламакка эмас, балким нафас олмоқни ҳам тўхтотиб туришни ўзларига лозим билиб қоладирлар.

Шарқ куйларининг мазасини шундай асбоблари тугал ўриндан англамаса, бошқа бир ердан англаб бўлмайдир. Бунда кўрсатилмиш мусиқа қуролларимиз чиқиш товушлари бир-бирига шундай қоришадирким, буни эшитгувчи ўзини кўклам чоғининг энг гўзал кўнгилли бир кунида, тоғлар устида, булоқлар ёнида, гуллар орасида, сувнинг шилдир-шилдир қилиб оқиш товушини эшитиб тургандай бўладир<sup>39</sup>.

Шундан сўнг бу масала матбуотда кенг муҳокама этилади ва Искандар Икром: «Бухорога борган ижодий гуруҳ яна бир танбур нотаси топган экан, маълум бўлишича, уни Фиёс оқсоқолнинг бобоси Хоразмдан келтирган. Нотанинг тузилиши XVIII аср миёналарида деб тахмин этиладир... Ўшал нотанинг бир нусхаси Тошкент «Турон» кутубхонасида бор бўлса ҳам баъзи камчиликлар орқасида мутолаага қўйилмаган. Тездан тартибга қўйилиб, мутолаага берилса керак», – дейди. Искандар Икром миллий қадрият бўлган мусиқанинг келажагидан ташвишланиб, «Ҳозиргача нотасиз чолиниб келаётқон Шарқ куйларининг баъзи бир мақом ва куйлари нотасизликдан йўқолиб, бузулиб кетаётибдир. Бундан хавотир олганлар уни Оврўпа ноталарида сақлашга интилдилар, бироқ камчиликлари кўп экан», дейди. У, жумладан, «Куй – мақомларнинг юзга чиқишида ўшал ўлканинг ҳавоси, атрофи, аҳволи руҳияси ва қисқаси, муҳитнинг таъсири кўп бўладир. Шу сабабдан бир ўлканинг мақоми бошқа ўлканикидан жуда фарқлидир, шунинг учун европа нотаси ва олатлари шарқ мусиқасини қамрай олмайди» деб ҳисоблайди ва «Оврўпа нотаси 15-асрда яратилиб, 4-5 асрлик тараққиёти натижасида бугунги ҳолга

<sup>39</sup> Ражабзода. Танбур // Маориф ва ўқитувчи. 1925. №2.

келган бўлса, биз ҳам шарқ нотасини яратишимиз лозим ва унинг учун мана шу танбур нотаси асос бўлади» дейди. У Хоразм танбур нотаси танбурнинг 17-18 пардасидан (бўғимларидан) олингани ва ҳозирда анчагина қийин эканлигини айтади, бироқ аввалига оврупа нотаси чизиқларининг ҳам кўп бўлганини эслайди. Ҳукуматдан ёрдам умид қилиб, аввалига мақомнинг назарий асосларини мукаммал ўрганишга чақиради ва шундан кейин нотани қулайлаштириш лозимлигини айтади. Бироқ унеча Муҳиддин Қори таклиф этган Фонографга зудлик билан кўчириб, махсус фонд ташкил этишни тавсия қилади. У ёшларни кўпроқ мусиқа мактабларига юбориб, мутахассисларни кўпайтириш керак деб ҳисоблайди<sup>40</sup>.

Мунозарада машҳур Чўлпон ҳам иштирок этиб, «Чинакам бизнинг чолғумиз йўқолиб кетишдан сақланмоғи лозим. Куйларимизни унутилиши ва бузилишидан асралмоғи даркор. Кўпдан бери даркор бўлган, бугун кеч бўлсада тузулибдир. Яшасун, яшасун. Бизнинг кутган тилакларимизни берсун. Бизнинг вазифамиз ашулаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўстириш, парвариш қилиш, тарбия беришдир»<sup>41</sup>.

Шу ўринда Муҳиддин Қори Ёқубовнинг 1926 йил «Ер юзи» журналида чоп этилган мақоласи муҳим аҳамиятга эга. У ўз вақтида халқимизнинг мумтоз мусиқий меросини асраб қолиш ва уни келгуси авлодларга безавол етказиш борасида ўз мулоҳазаларини билдиради<sup>42</sup>.

«Ер юзи» журнали саҳифаларида Шокиржон Раҳимий томонидан эълон қилинган бир мақолада муаллиф: «Ўзбек мусиқаси бой, қозоқ, қирғизлардаги оқин-ўланчилар бор. Ғози Олим Самарқанд атрофида, Тошкентнинг Қонжиғали кентида, Фарғонанинг Шаҳрихон атрофида бахшиларни ўрганган ва уларнинг мероси ҳамда мусиқачиларнинг санъатини худ-

<sup>40</sup> Искандар Икром. Эски танбур нотаси // Ер юзи. 1926. №12. – Б.12 – 13.

<sup>41</sup> Чўлпон. «Базм» чолғу тўдаси // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №6.

<sup>42</sup> Қори Ёқубий. Ўзбекистон халқ ашулачиси // Ер юзи. 1926 йил август. №11. – Б.5.

ди тарихий бинолар ва китоблар сингари миллатнинг нодир бойлигидир деб таърифлаган эди. Улар томонидан шогирдлар тайёрланишини йўлга қўйиш, куйларини нотага олиш кераклигини айтганди», – дейди. У, шунингдек, «Тошкентда Мулло Тўйчи, Шораҳим, Абдусоатлар, Бухорода Жалол ота, Ҳайдарқул, Мирзо Ғиёс, Домла Ҳалимлар, Самарқандда Ҳожи Абдулазиз, Хўжандда Содирхон, Фарғонада Юсуф қизиқ ва бошқаларнинг ҳар қайсиси ўзбекнинг ёниб турган чироқлари!»<sup>43</sup> деб таъриф берган эди.

Кейинроқ Фитрат мунозарага яқун ясаб, ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён қилади: «... янги ҳаётга мусиқамиз аралшиб бора олмайди. Ёшларимизнинг буюк бир қисмига севдириш майдонида оқсаб туради. ... Бизнинг мусиқанинг бугунги устодлари орасида унинг назарий томонларини билган кишилар йўқ. Улар ишнинг бу томонларига яношмоқ истамайлар. Шунинг учун бир кўп янглиш ҳаракатларга сабаб бўладирлар. Қандай куйларни қандай ўринларга муносиб тушгани тўғрисида ҳеч бир фикр юритмайдирлар... Бизнинг бугунги мусиқа устодларимиз чолғуларнинг бир-бирига муносабати тўғрисида ҳам катта янглишликлар кўрсатадилар. Бир танбур билан бир дутор топилса дарҳол бир ғижжак билан бир чанг қўшадилар. Ҳолбуки, бир ғижжак товуши икки танбурнинг товушини еб қўяди. Биргина танбурни бир ғижжак билан бир чангга топшириш у бечорани бўғиб ўлдиришдан бошқа нарса эмасдир.

Бизнинг бурунги усталар масалани бутунлай бошқача қўйганлар:

Уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир ғижжак, бир балабон, бир қўшнаё, бир чанг, бир доира.

Икки танбур, бир қўбиз, бир дутор, бир най, бир доира.

Икки танбур, бир қўбиз, бир доира (дутор ҳам қўшилса мумкиндир).

<sup>43</sup> Раҳим Ш. 30-35 йил мусиқий йўлида // Ер юзи. 1926. №10. – Б.8 – 9.

Ҳеч бўлмаганда: бир танбур, бир дутор, бир доира.

Бурунги усталар шу ёки шунга яқин бир тартиб билан мусиқа чалгандирлар<sup>44</sup>.

Шунингдек, Фитрат ёзади: «Мусиқамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир. Мусиқамизда бирлик йўқ. Бир куй Хивада бошқа, Бухорода бошқа, Фарғонада бошқа, Тошкентда бошқача чолинадир. Ҳозирги техникумларимиз ҳам шул чизикдан чиқолмай юрадилар. Бунини йўқотиш учун мусиқа техникумларимиздан бошлаб ишга киришмоқ керак. Мусиқа техникумларига Маориф комиссарлиги тарафидан умумий проғрам бериш, унга кирган куйларни нотага олиб (ҳеч бўлмаганда Хоразм нотасига олиб!) тарқатиш ва дарсларни шул нотага мувофиқ суратда давом этишларини талаб қилиш лозим<sup>45</sup>.

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида совет мафкурачилари «... ўзбекнинг ўз мусиқаси йўқ, у араб ҳамда эрон таъсирида пайдо бўлган. Ундан воз кечиш ва Европа мусиқаси асосида янги ўзбек мусиқасини яратиш зарур» деган даъво билан чиққан эдилар<sup>46</sup>. Бу фикрларга қарши Фитрат, Ғулом Зафарий каби қатор ўзбек тараққийпарвар зиёлилари кескин кураш олиб бордилар. Ғ.Зафарий бу масалада жиддий изланиш олиб бориб, ўз хулосаларини қуйидагича баён қилади:

«Мен мусиқамизнинг тарихин англамак бўлиб Тошкент, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган мусиқа усталари билан бўлган мусохабам натижасида шундай кўринадирким, ҳамма мусиқа усталаримиз бир ё икки восита билан машҳур Худойберди устозга тақалади... Тошкент, Қўқон мусиқачилари Қўқон хони Худоёрхоннинг маҳрами Ашурали Маҳрам шогирдлари бўлиб, Ашурали Маҳрам бўлса Худойберди устознинг шогирди экан... Бизнинг мақомларда Урганч таъсири бор бўлганидек, Қошғар таъсири ҳам бор. Чунки, сўнги

<sup>44</sup> Фитрат. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1928. №2.

<sup>45</sup> Фитрат. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1928. №2.

<sup>46</sup> Зафарий Ғ. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1930. №1.– Б.10.

устозлардан иккиси соф урганчлик, бири эса (Худойберди устоз) аслан қошғарлик бўлиб, Урганчда 18 йил туриб, мусиқа илмидан таҳсил олиб келган.

Яқинда мусиқа институтининг муаллимларидан хивалик Муҳаммад Юсуф Девонзода билан сўзлашганимда «Худойберди деган бир қашқари бундан тахминан 150 йиллар илгари Урганч келиб, уйланиб, 18 йил туриб, мусиқа илмин ўрганиб, сўнг Фарғона бориб тўхтаб қолган экан» деб эски устозлардан эшитганин сўйлади.

Бундан бошқа тошкентлик эски кўп устозларни кўрган Саййид Аҳмадхон ота (78 ёшда) билан сўйлашганимда, «бизнинг мусиқамизда Урганч ва Қошғар таъсири бор, чунки кўп мусиқа устозларимизнинг устози Худойберди устоз қошғарлик, 18 йил Урганчда мусиқа илмин ўрганиб, Умархон замонида Фарғонага келиб қолган, ундан чиққан шогирдлар ҳозирги ҳамма мусиқачиларимизнинг устози» дейдир. Мана булар кўрсатадирким, бизнинг мусиқада Урганч ҳам Қошғарнинг таъсири бўлгани билан бизга ўз руҳимизга кўра ўзлашдирилган, яъни ўзбеклаштирилган.

Юқоридаги даъвомга кўра, ўз мусиқамиз бор бўлганин кўрсатмакка далил бўла биладир. Тошкентнинг машхур танбурчиларидан мулло Шобарот танбурчи «бизнинг мусиқий йўлларимиз кўпроқ Урганч таъсирида бўлсада, Қошғар таъсиридан ҳам қоча олмаган. Иккала таъсир остида бўлган мусиқамиз ўз руҳимизга кўра бир қанча қочруқ ва тузатишлар билан яхшигина силлиқланган. Бухоро, Самарқанд, Хива йўлларида катта айирма билан айрилади» дейдир.

Фарғона ва Тошкентда кўпроқ Шашмақом йўллари деб Баёт, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Насрулло Шаҳноз куйларини атайдилар. Қўқон, Андижонда буларга Бузрук, Ушшоқ, Ироқларни ҳам қўшадилар. Булардан бошқа Наво, Ажам, Муножот, Ракбмушкилот, Тажнис деган классик мусиқа йўлларин билувчилар ҳар шаҳарда топилади. Бухоро Шашмақоми булар: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ.

Бу юқорида кўрсатганим мақом йўллари бизда чолингани билан Эрон, Озарбайжон, Бухоро йўллари билан солиштирилганда бус-бутун бошқа. Бунга сабаб, юқорида кўрсатганимдек, ўзлаштирганимиз бўлса керак. Бу мақомлардан бўлак классик деб аталган ўз руҳимиздаги ўз куйларимиз борким, уларнинг отлари: Сарбарча, Мирзадавлат, Илғор, Сувора, Мискин, Адойи, Носири, Гиря, Нолиш, Кўчабоғи, Шароб, Абдурахмонбеги, Каримқулибеги, Мадалихон, Хуррам, Дилхирож, Курд, Эшвой, Беги, Султон, Тўлқун, Галдир туя, Бўзлов, Тараннум, Мўғулча, Қашқарча, Нисор, Қаландари, Сулум, Қарри Навоий ва бошқалар. Мана булар классик яллалар деб аталадилар.

Шу ердан шуни ҳам айтиш керакки, истаган мақом, истаган классик йўлларимизда жуда кўп қашқарча ва мўғилча деган кўшимчалар ва чапандозлар учрайди. Мана булар албатта ўз томонимиздан қўшилган бўлишига шубҳа йўқ. Бундан бўлак Бухоро, Самарқанд, Фарғона йўлларида кўп куйлар авжи «Зебо Пари» аталадирким, уни Қўқон мусиқачилари машхур Худойберди устоз шогирди қўқонлик Зебо Пари деган ҳофиз (ашулачи)га нисбат беришда жуда қаттиқ турадилар.

Яна халқ ашуласи деб аталиб йилдан-йилга янги куйлар чиқиб туриши ҳам бизда эскидан бўлиб келган мусиқамизнинг борлигига шубҳа қолдирмайдир. Мана шул ҳужжатларга таяниб туриб дея оламанки, ўзбекнинг бор бўлган мана шул мусиқасин ислоҳлар билан тузатиб, ҳозиргача борлигин тутта билиб, шу чоққача келган мусиқамизни тамом ўрганиб шунинг билан баравар Оврўпанинг мусиқа назариясини ва усулларини ўрганиб, шунга татбиқ йўли билан янги ўзбек мусиқасини яратиш керак»<sup>47</sup>.

Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида ўзбек халқ мусиқасининг қадим илдизларини бахшилар ва ўзанлар томонидан яратилган дostonлар, лапар, яллаларга боғлаган эди. Шу билан бирга, у: «... кўшни халқлар билан

---

<sup>47</sup> Ғулом Зафарий. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1930 йил январь. №1.



олиб борилган маданий алоқалар фақат ўзбек миллий мусиқа маданиятининг бойишига хизмат қилган. «Рок» ҳиндча «мақом» демақдир, ғижжаксимон «саранг» эса ҳинд чолғуларидан биридир. Булар мусиқамизнинг кўп эскидан ёлғиз араб, эрон эмас, ҳатто, ҳинд мусиқасидан ҳам таъсирланганлигини кўрсатадир», – деган эди<sup>48</sup>.

## ЎЗБЕК МАҚОМ САНЪАТИ

Ўзбекистонда мақомларнинг уч йўналиши мавжуд, улар – Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари дир. Мақомлар ўзбек халқининг бебаҳо хазинаси бўлиб, бу санъатнинг яратилиши ва камолоти аждодларнинг беқиёс бадиий тафаккури билан боғлиқ.

Мақом ибораси араб тилида мусиқа товушларининг «ўрнашган жойи», яъни мусиқа созларидаги «парда» деган маънода келади. Умуман, куй маъносида ҳам қўлланилади. Мақомлар – бу соз ва сўз санъатининг юксак даражада уйғунлашуви асосида юзага келган чуқур бадиий эстетик кучга эга бўлган асарлар дир. Уларда айтилиб келинаётган классик шоирларнинг шеърлари куйнинг салобатига айнан мос тушади. У инсоннинг олийжаноб фазилатлари, ҳис-туйғуларини ифодалаб берувчи кучга эга. Ўзбек мақом йўналишлари – бу нодир санъат, фавқулудда ноёб ҳодиса бўлиб, Марказий Осиё халқлари ҳаётида сўнгги асрларда юз берган тарихий ўзгаришларнинг маҳсули дир. Яъни, ягона давлат ўрнида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг қарор топиши баробарида кечган жараёнларнинг маданий ҳаётдаги инъикоси сифатида бунёдга келган.

<sup>48</sup> Б.И.Мустафоев, Ш.У.Норова. Абдурауф Фитрат ва ўзбек мусиқашунослиги // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.22 – 23.

Мутафаккир Фитрат «Ўзбек мусиқаси тўғрисида» мақо- ласида (1928 й.) бу масалада фахр билан: «... у бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлан- ган; бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир; бир мусиқаки, унинг текширишга лойиқ назарияси, усули бор, уни мақтагонлар тўғри сўзлайдилар», – деб таърифла- ган эди. Аллома халқнинг миллий мусиқий мероси ва унинг инсон маънавиятига таъсирини теран англаган ҳолда у яна: «ўз мусиқамиз, ҳам Оврўпа мусиқасини яхши билиб олган... талабаларимиз етишкунча Оврўпо мусиқа олимларининг ёрдамлари билан куйларимизни нотага олдиришда Оврўпо мусиқасининг оҳанг усуллари эргашмайлик. Оврўпо оҳанг усулларида кўз юмуб, куйларимизни ўз оҳангида қолишига тиришайлик...»,<sup>49</sup> – дер экан, энг аввало мақом санъатининг софлигини сақлашни назарда тутган эди.

Мақом санъати азалдан саройнинг мусиқий жавоҳири си- фатида қадр топган бўлиб, бу тарихдан маълум. Унинг софли- гини сақлашга Бухоро амирлари ҳам, Хива хонлари ҳам ўзла- рини масъул ҳисоблаганлар. Хусусан, мақом билимдонларига халқ олдида бу санъатни намойиш этишлари учун фақат бай- рам кунларида махсус қарорлар билан рухсат берганлар. Хон- ларнинг мақомларни билиб-билмай ижро этувчи ҳофизларни жазога тортишларидан мақсади ҳам бу санъатнинг қадри ва залворини асрашдан иборат бўлган. Ўзбек мақом меросининг ҳажми шу қадар улканки, биргина Шашмақомни олсак, унинг ҳар бир қисмида олтитадан ўнтагача чолғу куйлари, қирқта- дан элликтагача ашула йўллари мавжуд бўлиб, ҳаммаси бир- бирига узвий боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб турадиган, дилларни ўзига тортувчи, ром қилувчи 300 дан ортиқ асар- лардан иборатдир. Буларнинг ҳозирги ҳолатдаги ҳамма ижро ёзувлари 30 соатдан ортиқ вақт мобайнида янграши мумкин<sup>50</sup>.

<sup>49</sup> Мустафоев Б.И., Норова Ш.У. Абдурауф Фитрат ва ўзбек мусиқашунослиги // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.22 – 23.

<sup>50</sup> Ражабий Ю. Ўзбек мақомлари. Шашмақом. – Тошкент, 2007.

Умуман, мақомлар тўғрисидаги тарихий ва назарий масалалар IX – XIX асрлар Шарқ ёзма манбаларида, айниқса мусиқага бағишланган рисоаларда ўз ифодасини топган. Мақомларнинг ўтмишида ижро этилиб келинган намуналари (Шарқда қулайроқ нота ёзув воситалари бўлмагани сабабли) бизгача етиб келмаган, қадимий ёзма манбалардан маълум бўлишича, улар турли шаклларда бўлган ва тахминан XI – XVIII асрларда унинг «Ўн икки мақом» («Дувоздаҳ мақом») цикли машҳур бўлган. Мутахассис олимларнинг фикрича, мақомлардаги Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ номли намуналарнинг илдизлари Авестога бориб тақалади. «Дугоҳ» икки таянч парда, «сегоҳ» уч таянч парда, «чоргоҳ» тўрт, «панжгоҳ» беш таянч пардага асосланади. Унда зардуштийларнинг беш маҳал ибодатида қатъий тизимлаштирилган оҳанг асослари инъикос этган эди. Шунингдек, «Якгоҳ» ҳам бўлган, унинг ўрнини Хоразм Рост мақомида ҳис қилиш мумкин. Шу жиҳатлари билан гоҳларнинг келиб чиқиш илдизларини зардуштийларнинг ибодат маросимларидаги диний мадҳиялари – гатларга бориб тақалиши эҳтимолдан узоқ эмас дейдилар. Мақомлар асрлар ўтиши билан йириклашиб борган ва уларнинг дастлабки кўриниши «Ўн икки мақом» олти мақом (Шашмақом)га бирлаштирилган. Унга «Хоразм мақоми» ва «Тошкент-Фарғона» мақом санъатини қўшиб тасаввур этилса янада маҳобатли манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бухоро Шашмақомининг тугал кўриниш олишини Ота Жалол, Хоразм мақомларини Кўҳна Урганчлик Ниёзжон Хўжа, Фарғона – Тошкент мақом йўлини қашқарлик Худойберди Устоз ва Ашурали Маҳрамларнинг хизматлари билан боғлайдилар<sup>51</sup>. Ўзбек анъанавий мусиқасининг муҳташам, бузилмас пойдевори бўлмиш Шашмақомни халқ ҳаётининг акс садоси, севги муҳаббатининг мангу куйланувчи эпопеяларига қиёслаш мумкин. Унинг тарихий илдизи эса Ўзбекистон ҳудудида XV-XVIII асрларда жорий этилган бастакорлик анъаналарига

<sup>51</sup> Матёкубов Отаназар. Мақомот. – Тошкент: Мусиқа, 2004. – Б.90.

бориб тақалади. Бу анъана ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Тарихда олим А.А.Семёновнинг Шашмақомнинг туркум сифатида шаклланиши XVI асрда рўй берган деган фикри мавжуд эди. Бироқ, ўзбек мақомшунос олимлари тадқиқотлари натижасида Шашмақом XVIII аср ўрталарида Бухорода юзага келган деган қатъий хулосага келинган. Боиси, Кавқабий (XVI аср) ва айниқса, етук созанда Дарвеш Алиларнинг (XVII аср) ўз рисолаларида Шашмақомни ҳатто эслатиб ҳам ўтмаганлиги Шашмақомнинг ҳали шаклланмаганлигидан яққол далолат беради<sup>52</sup>. Бухорода ёзилган рисолаларда XVIII асргача Шашмақом ҳақида бирор гап бормаган, фақат XIX аср бошларида Шашмақом қисмлари номланган ва уларга айтилган шеърлар матнларини ўз ичига олган тўпламлар юзага келган.

1950 йилларда Шоназар Соҳибов, Бобоқул Файзуллаев ва Фазлиддин Шаҳобовлар томонидан Шашмақомнинг 5 жилдлик варианты Тожикистонда ва академик Юнус Ражабий томонидан «Шашмақом» тўплами Тошкентда чоп этилган.

Ўзбек мақом санъатининг иккинчи йўналиши Хоразм суворалари бўлиб, бу гўзал дурдона асарлар бугунги кунда жаҳон халқларига манзур. У қадим замонлардан воҳа халқи дилига ҳамоҳанг бўлган оҳанг-нолалар билан зийнатланган, мураккаб руҳий кечинмалар, теран фалсафий фикрлар билан жилоланган бир мўжизадир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм мақомлари Бухоро Шашмақоми асосида яратилган. Е.Е.Романовская «Хоразм классик музыкаси» асарига ёзган сўзбошисида: «Сўнгги хонлар даврида (XIX аср) Хивада ижро этилиб келинган ҳамда 1934 йилда Ўзбекистон Санъатшунослик илмий текшириш институти экспедицияси томонидан ёзиб олинган мақомлар аслида Бухоро мақомларидир. Бу мақомларни бундан тахминан 130 йил бурун Кўҳна Урганчлик Ниёз Хўжа деган созанда ва машшоқ Бухородан Хивага олиб келган. Бу ерда уларни Хива машшоқлари ўрганиб олиб, ҳар қаерда чалиб айтиб юрганлар»

<sup>52</sup> Шашмақом / Ёзиб олувчи Ю. Ражабий. – Тошкент, 1966. Т.1. – Б.5.

дейди<sup>53</sup>. Бироқ азалий мактаб асосида шаклланиш жараёнида номланишлари ўзгарган ва янги-янги мусиқий ихтиролар билан бойиб борган. Шу жиҳатлари билан Хоразм мақомлари бетакрор ва алоҳида йўналиш сифатида қарор топди.

Ўзбек мақом санъатининг алоҳида йўналишларидан бири Тошкент – Фарғона йўлидир. Тошкент – Фарғона йўлининг тараққиёт босқичи юқоридаги икки йўналишдан фарқ қилиб, унда нафақат сарой, балки саройдан ташқари муҳитнинг таъсири ҳам кучли эканлиги билан ўзига хос кўриниш касб этган. Бу мақомлар халқнинг дарду ҳасрати, жасорати, бахтию шодиёнаси, севги муҳаббатини тараннум этиб, мукамал ва гўзал шаклу-шамойилга эга бўлган ҳолида намоён бўлади. Шашмақом анъаналари асосида шаклланган Баёт, Дугоҳи Хусайний, Чоргоҳ мақом йўллари ва Шаҳнози Гулёр (Сараҳборлар тартибида ишланган) деб номланган йирик туркумни ташкил этувчи бу беназир мусиқий асарлар ўзбек мақом санъатида алоҳида ўринга эга. Маълум вақт давомида бу йўналишнинг «Чормақом» деб номланиши ҳам унинг ўзига хос томонлари билан ажралиб туришини ҳамда Шашмақом ва Хоразм мақомларининг такрори эмаслиги исботи эди.

Советлар даврида ўзбек миллий муסיқа меросининг энг беназир қисми бўлган мақом санъатига нисбатан атайлаб «эскилик сарқити» деган муносабат шакллантирилди<sup>54</sup>. Ҳатто 1954 йилга келиб бастакор, академик Ю.Ражабий ишсиз қолди, ўзбек мумтоз муסיқасининг дарғалари ҳам радио ва саҳналарда пианино жўрлигида ашула куйлашга мажбур этилди<sup>55</sup>. Фақат 1955 йилда Н.А.Муҳиддиновнинг жасорати туфайли ЎзССР КП МК томонидан қабул қилинган махсус қарор асосида 12 жилддан иборат «Ўзбек халқ музикаси» номли фундаментал асар яратиш ишлари бошлаб юборилди<sup>56</sup>. Бу иш мақом санъати билимдони, йирик олим Ю.Ражабийга топ-

<sup>53</sup> Хоразм классик музикаси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1939. – Б.11.

<sup>54</sup> Юсупов М. Устоз мақомдонлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №3. – Б.12 – 13.

<sup>55</sup> Ш.Юсупов. Санъат ва ҳайрат // Тошкент: Маънавият, 1997. – Б.188.

<sup>56</sup> Сокин Ш. Улкан тадқиқот // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №5. – Б.12 – 13.

ширилди. У 1966-1975 йилларда «Шашмақом» тўпламининг (Илёс Акбаров таҳрири остида) 6 жилдлик мукаммал вариантыни нашр этди. Шу билан биргаликда Ю.Ражабий 1959 йилда Ўзбекистон телерадиоси қошида ташкил этилган «Мақом» ансамбли ижросида 1960-1969 йилларда 21 грампластинкадан иборат «Шашмақом» ижросини ҳам яратди. Йирик муסיқашунос олим, мақомдон Исҳоқ Ражабовнинг (1927-1982) «Мақомлар масаласига доир» монографик илмий тадқиқот асари 1963 йил нашр этилиб, бу мақом санъатининг илмий ўрганилишига бўлган йирик қадам эди.

М.Юсупов Хоразм мақомларининг биринчи вариантыни 1947-1949 йилларда ёзган эди. Унинг янги вариантыни олим 1951-1980 йилларда олиб борган тинимсиз тадқиқотлари натижасида яратди. У 1980 йил I томи – «Рост ва Бузурк мақоми»ни, 1982 йил II томи – «Наво»ни, 1984 йил III томи – «Дугоҳ»ни, 1986 йил IV томи – «Сегоҳ мақоми»ни, 1988 йил V томи – «Ироқ ва Панжгоҳ мақоми»ни ёзиб тугаллади. Жами 200 босма табоқдан иборат улкан асар дунёга келди. Унда Хоразм мақомларининг Шашмақомдан фарқли томонлари кўрсатиб берилди<sup>57</sup>. Бу ишлар қанчалик шўро мафқурасига уйғунлаштирилмасин, аслида миллий муסיқий меросни асрашга қаратилган улкан жасорат эди.

## КАТТА АШУЛА ЁКИ ПАТНИСАКИ АШУЛА

Икки, уч ёки тўрт нафар ҳофиз томонидан созлар жўрлигисиз ижро этиладиган йирик шаклдаги бу ашула тури ўзбек халқи профессионал муסיқа санъатининг оригинал жанри ҳисобланади. Катта ашула марсия, навҳа ва бошқа маросим кўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқилиш қоидалари замирида вужудга келган. Бу санъатнинг қай шароитда ва қачон шаклланганлиги ҳақида яқдил хулосага

<sup>57</sup> Хоразм мақомлари. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1980. Т.I. – Б.18.

келинмаган бўлсада, қадимда Зарафшон, Тошкент, айниқса, Фарғона водийларида кенг тарқалган эканлиги маълум. Мақом йўлидаги Чоргоҳ, Ушшоқлар баъзи бир йирик ҳофизлар томонидан катта ашула йўлида ҳам айтилган ва ёввойи мақом дейилган<sup>58</sup>. Қўқонлик Эркақори, Меҳмонқорилар, Марғилонда Жўрахон Султоновнинг устозлари Болтатоға, Маматбува, Зокиржон Эргашевлар, Андижонда Мусажон, Норали ҳофизлар шундай йирик санъат дарғалари эди<sup>59</sup>.

Бироқ ўзбек халқининг бу бетакрор миллий мусиқий мерос турлари ҳам узоқ вақт эътиборсизлик, ҳатто, тазйиқ ва таъқиқлар ҳукмронлиги шароитида яшаб келди. Соҳанинг тараққиёти ва ёшларнинг бу санъат турлари билан шуғулланиши учун бирорта ўқув даргоҳи ташкил этилмади. На мактаб таълимида ва на махсус мусиқа билим юртларида миллий мусиқанинг бу йўналишларига мутлақо вақт ажратилмади. Ҳатто миллий чолғу созлари учун ажратилган вақт ҳам ниҳоятда кам бўлиб, бирорта созни ўрганиб олиш имконини бермас эди. Фақатгина 1972 йилга келиб Тошкент Давлат Консерваториясида «Шарқ мусиқаси» кафедраси очилди. Унга ҳам 7-8 нафар тингловчи миқдоридида қабул ташкил этилган, кафедра асосан чет эллик қизиқувчилар учун хизмат қилар эди.

Мақом санъатига халқаро доирада қизиқишнинг ортиб бориши муносабати билан 1975 йил Тошкентда «Мақом, муғом ва замонавий композиторлар ижоди» мавзусидаги Бутуниттифоқ конференцияси, 1978 йил октябрда Самарқандда «Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг оғзаки анъаналаридаги профессионал мусиқаси ва замонавийлик» мавзусида жаҳон симпозиумлари ўтказилди<sup>60</sup>. 1983 йил эса Самарқандда «Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданияти анъаналари ва замонавийлик» номи билан II Халқаро симпозиум ўтказилди<sup>61</sup>. Унда дунёнинг 20дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган му-

<sup>58</sup> Абдуллаев Р. Катта ашула // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №6. – Б.24 – 25.

<sup>59</sup> Мамадалиев Ф. Нодир мерос // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №7. – Б.8 – 9.

<sup>60</sup> Мақом мусобақаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1983 йил 28 январь. №5.

<sup>61</sup> Караматов Ф. Анъанавий музика ва замонавийлик // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №9. – Б.17.

сиқашуносларнинг<sup>62</sup> 55 дан ортиқ маърузалари тингланди<sup>63</sup>. 1987 йил ўтказилган III Халқаро мусиқа симпозиумида эса 25 мамлакатдан келган олимларнинг 400 дан ортиқ маърузалари тингланди<sup>64</sup>. Аммо мазкур тадбирлар мақом санъатини фақат назарий жиҳатдангина ўрганар эди. Амалда эса миллий созлар усталари ҳам, мақомдон ҳофизлар ҳам йил сайин камайиб борди. Чунки уни чуқур ўрганувчи илмий марказ ҳам, давлатнинг молиявий ҳимояси ҳам ташкил этилмади.

Шўро ҳукумати ўз умрининг сўнгги йилларига келибгина мақом санъаткорларининг кўрик танловини ташкил этишга рухсат берди. 1983 йил Тошкент давлат консерваториясида Мақом ижрочиларининг I Республика конкурси ташкил этилди. Танловга профессор Ф.М.Караматов раҳбарлигида А.Одилов, О.Алимахсумов, Ф.Мамадалиев, О.Матёкубов, А.Ҳамидов кабилардан иборат нуфузли жамоа ҳакамлик қилди<sup>65</sup>. Танловда биринчи ўринга Р.Қурбонов, кейинги ўринларга эса М.Тожибоев, Ҳ.Исмоиловлар лойиқ топилди. Чолғучилардан А.Исмоилов ва Ў.Расуловлар мутлақ ғолиб деб топилди<sup>66</sup>. 1987 йилда ўтказилган Мақом ижрочиларининг II Республика танловида А.Холтожиев, ижрода М.Эрматов, М.Тожибоевлар ғолиб бўлди<sup>67</sup>. Амалда мақом санъатининг келажаги мана шу ҳар уч-тўрт йилда бир ўтказиладиган танловга ташлаб қўйилган эди.

Шўролар ҳукмронлиги шароитида Хоразм мақом санъатининг йирик намояндаларидан М.Харратов (Чоқар, 1889-1953)<sup>68</sup>, М.Ёқубов (Шерозий) (1890-1973)<sup>69</sup>, Ҳ.Болтаевлар ижод қилди. Уларнинг иштирокида Хоразм мақом ансамбли узоқ йиллар

<sup>62</sup> Абдуллаев Р. Ўлмас наво мушоираси // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №12 – Б.2 – 3.

<sup>63</sup> ЎзР МДА. Фонд 2744. Рўйхат 1. Йиғ. жилд 469. – Б.11 – 18.

<sup>64</sup> Анъана ва новаторлик // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №12. – Б.19 – 21.

<sup>65</sup> Матёкубов О. Қадимий ва навқирон санъат // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №4. – Б.10 – 12.

<sup>66</sup> УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 5978. Материалы о проведении I Республиканского конкурса исполнителей макамов.

<sup>67</sup> Матёкубов О. Конкурс якунланди, конкурс давом этади // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №4. – Б.25.

<sup>68</sup> Матюсуф Харратов // Санъат. 1989. №10. – Б.22.

<sup>69</sup> Раҳимов Д. Халқ булбули // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №8. – Б.13.



маваффақиятли фаолият кўрсатди. Бироқ эътиборсизлик натижасида уларнинг овозини ёзиб олиш ишлари амалга оширилмади<sup>70</sup>. Бу, албатта, миллий мусиқий меросга нисбатан кечириб бўлмас хато эди. Хоразм мақом мактабининг йирик вакиллари дан бири К.Отаниёзовдир (1917-1975)<sup>71</sup>. Бу инсоннинг хизматлари ўлароқ нафақат республика, балки бутун Марказий Осиё Хоразм мусиқа санъатининг мухлисига айланди.

Ўзбекистоннинг забардаст мақомчилари сифатида 1980 йилларда М.Дўстмухаммедов<sup>72</sup>, Р.Мамадалиев<sup>73</sup>, О.Отахонов<sup>74</sup>, Ф.Мамадалиев<sup>75</sup>, Б.Давидова<sup>76</sup>, М.Каримов<sup>77</sup>, О.Ҳотамов<sup>78</sup>, О.Алимахсумов, К.Исмоилова каби кўпгина ўзбек мақом усталари фаолият олиб бордилар.

Мақомнинг тингловчи томонидан қабул қилинишида мақом созандаларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Бу даврда йирик созандалардан Т.Алиматов, А.Исмоиловдек<sup>79</sup> беназир созандалар мавжуд эди. Бу устозлар мактабининг давомчилари сифатида шўро давлатида мақом йўлида ижод этувчи ёшлардан М.Йўлчиева<sup>80</sup>, Ҳ.Исроиловалар<sup>81</sup> етишиб чиқди. Бироқ, улар ҳам кўпроқ катта ашула йўналишида ижод қилиб, соф мақом, айниқса, Шашмақом ижрочилари камайиб борди. Ҳатто, Шашмақомнинг ватани бўлган Бухоронинг ўзида 1980 йилларнинг охирларига келиб, шаҳар атрофларида яшовчи айрим ҳаваскорларни инобатга олмаганда, бирорта ҳам мақом устаси қолмаган эди<sup>82</sup>.

<sup>70</sup> Сокин Ш. Ҳожихондай ҳофиз ўтди дунёда... // Санъат. 1989. №9. – Б.22 – 24.

<sup>71</sup> Юсупов М. Сабот // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №6. – Б.18.

<sup>72</sup> Абдувалиев А. Кўшиқ умри мангудир // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №5. – Б.11.

<sup>73</sup> Сокин Ш. Оташнафас ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №4. – Б.23 – 24.

<sup>74</sup> Узоқов Ҳ. Кўшиқларда ҳаёт завқи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №5. – Б.24 – 25.

<sup>75</sup> Шодмоналиев Д. Кўшиқчининг умри кўшиқда // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №6. – Б.8 – 9.

<sup>76</sup> Ҳазратқулов М. Умри боқий кўшиқлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №6. – Б.18 – 19.

<sup>77</sup> Узоқов Ҳ. Уйга қайғу келмагай // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №1. – Б.15.

<sup>78</sup> Тожибоев М. Ижоднинг уч қирраси // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №8. – Б.15.

<sup>79</sup> Жумаев Т. Абдуқодир Найчи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №7. – Б.21 – 23.

<sup>80</sup> Комилов К. Куйла, Муножот! // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №5. – Б.19.

<sup>81</sup> Ҳушев И. Куйла, Хуррият! // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №7. – Б.15.

<sup>82</sup> Бўронов М. Бухоро мақомининг тақдири // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №3. – Б.14.

## БАХШИЛИК

Ўзбекистонда қадим замонлардан буён тоғлик, чўл ва чалачўл ҳудудларда чорвадор аҳоли орасида бахшилар ижод этиб келган. Бахши мўғулча ва бурятчадаги «бахша», «бағша» – «маърифатчи», «ўқитувчи» маъносидаги сўзлардан кириб келган деган тахмин бор. Шунингдек, санскрит тилида ҳам «дарвеш», «қаландар», «маърифат тарқатувчи» деган маъноларни англатувчи «биҳикшу» сўзи мавжуд. Биз бахши деб атайдиган халқ куйчилари туркманларда бағши, қорақалпоқларда бақси дейилса, қозоқлар уларни жиrow, кавказ халқлари эса ошиқ (ашуг) дейди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ўзида ҳам бахшилар турли номлар билан аталган. Масалан, Хоразмда бахши, гўянда, аёллар орасида халфа, Сурхондарё ва Қашқадарёда шоир, соқий, юзбоши номлари қўлланилган. Шунингдек, ўзбек халқи орасида «бахши» сўзининг иккинчи маъноси – «пўрхон» (парихон), яъни жинларни ҳайдовчи сеҳргар, фолбин, табиб маъноси ҳам мавжуд.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғоти турк» асарида «жиров» ва «йирғов» сўзи «шеър тўқувчи», «созанда», «доно оқсоқол» деган маъноларни англатган. Жиrowларнинг севимли жанри эса тўлғов (ўйланиш, фикр юритиш) бўлиб, қаҳрамонлик дostonларини яратганлар. Шунингдек, бахшилар тарихда «озан», «ўзан» деган номлар билан ҳам аталиб, улар наср, шеър, мусиқа ва рақсни қўша олуwчи, яратувчи ижрочилар бўлган ва «ўзган», «ўзиб кетган» деган маъноларни англатган.

Абдурауф Фитратнинг гувоҳлик беришича, ўзанлар кўбиз чолғуси ёрдамида куйлаганлар ва авлиёсифат, элнинг улуғ инсонлари ҳисобланганлар. Азалдан подшолар, ҳукмдорлар бахшиларни ўзларининг яқин инсонлари сифатида қадрлаганлар.

В.В.Бартольд эса Туркистон ҳукмдорларининг форсчани билмайдиган котиблари бахши дейилган дейди.

Ҳозирда фольклоршунос олимлар томонидан 300 дан ортиқ дostonларнинг номлари аниқланган ва уларни тиклаш мил-

лий ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга<sup>83</sup>. Умуман, Бухоро амирлари ва Хива хони Муҳаммад Раҳим Феруз ҳам бахшиларнинг ижодига алоҳида эътибор билан қараган. Ҳатто уларнинг танловларини ташкил этиб, асарларини халқ билан бирга тинглаб, баҳолашда ҳам иштирок этганлари ҳақида кўпгина маълумотлар етиб келган. Айниқса, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод бахшичилик мактабининг довуғи нафақат мамлакат ичида, балки Туркменистон, Тожикистонда ҳам машҳур эди. Тарихда Бобо шоир, Шерназар бахши каби бахшиларнинг ҳар бири 40-50 тадан йирик дostonларни ёддан билишган, «бахши куй» ва «чўпонча» циклидаги 100 дан ортиқ турдаги дўмбира куйларини ижро этганлар. Пўлкан шоир 76 та, Қодир бахши 62 та, Фозил Йўлдош 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та дostonни ёддан билганлар.



Бахши Фозил Йўлдош

Дostonлар куйланганида куйловчи ва тингловчи ўртасидаги бадий-эстетик мулоқот воситасида миллий ғурур туйғуси юзага келади. Шундай маънавий муҳит таъсирида ўқувчи ҳамда тингловчилар онг-тафаккури шакллантирилади. Дostonлар халқ идеалидаги тушунча ва тасаввурларни, ижтимоий-сиёсий воқеаларни бадий услубда баён этиш билан бирга, уларда халқнинг маънавий дунёси, маиший ҳаёти, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат, озодлик ва тенглик учун курашлари, Ватанга бўлган муҳаббати ва садоқати ўзининг бадий ифодасини топади.

Бахшилик санъати ўзбек мусиқий меросининг энг залворли қисмидир. Ғози Олим ўз вақтида Самарқанд атрофида, Тошкентнинг Қонжиғали кендида, Фарғонанинг Шаҳрихон атрофида бахшиларнинг ижодини ўрганган ва уларнинг мероси ҳамда

<sup>83</sup> Аҳмедова Н. Куйла, дўмбирам // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012 йил 30 март.

мусиқачиларнинг санъатини худди тарихий бинолар ва китоблар сингари миллатнинг нодир бойлигидир деб таърифлаган эди. Улар томонидан шогирдлар тайёрланишини йўлга қўйиш, куйларини нотага олиш кераклигини айтганди<sup>84</sup>. Шўро тузумининг дастлабки йилларида кўплаб дostonлар ёзиб олинди, бироқ куй қисми қоғозга туширилмаганлиги боис уларнинг ҳам маълум қисми тарих қаърида қолиб кетди. Айниқса, Сталин қатағонлари йилларида кўпгина беназир санъаткорлар йўқ қилинган эди. Улардан хоразмлик Аҳмад бахши Матназар ўғли (1891-1937)<sup>85</sup> 1937 йил «манъ этилган асарларни тарғиб этишда айбланиб» лагерга юборилган ва у ерда вафот этган.

Гарчи Бухорода Мурод жиров (Саидмурод Паноҳ ўғли) (1858-1945)<sup>86</sup>, Наманганнинг Қирғизистон билан чегарадош Кўлбуқон қишлоғида Раззоқ бахшилар<sup>87</sup> шу шароитда ҳам фаолият олиб борган бўлсалар-да, миллий меросга нисбатан адолатсиз муносабат натижаси ўлароқ Бухоро, Самарқанд, Наманган, Тошкент бахшилик мактаблари умуман йўқ бўлиб кетди. Бу санъат анча чуқур илдиз отиб улгурган Хоразм, Қашқадарё ва Сурхон воҳаларидагина сақланиб қолди, холос. Бироқ уларнинг ҳам репертуарларини кенгайтириш ва ривожлантириш, тарғиб этиш масалаларига етарли эътибор кўрсатилмади<sup>88</sup>. Шундай бўлсада, сталинизм фoш этилганидан кейин юзага келган «илиқлик» даврида мусиқашунос олимларнинг ташаббуси билан бахшилар кўрик танловини тиклашга эришилди. Гарчи 1930-йилларда мавжуд бўлган «Халқ бахшиси» унвонини қайта тиклай олишмаган бўлсада, кўрик танловнинг ўзи ҳам катта тадбир эди.

Бахшилар танлови илк бор 1967 йил Тошкентда ўтказилди. Танлов 1972-1976 йилларда, торроқ доирада бўлсада, уч бор

<sup>84</sup> Раҳим Ш. 30-35 йил мусиқий йўлида // Ер юзи. 1926. №10. – Б.8 – 9.

<sup>85</sup> Аҳмедов М. Бобомни билган борми? // Санъат. 1990. №9. – Б. 26 – 27.

<sup>86</sup> Саггоров У. Дostonлар хазинаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №7 – Б.6 – 7.

<sup>87</sup> Муродов М. Раззоқ бахши // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №5. – Б.7.

<sup>88</sup> Сўфиев Н. Бахшичилик муаммолари // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №9. – Б.11.

Самарқандда ўтказилди. Бахши-шоирларнинг V Республика конкурси 1983 йил апрелда Шаҳрисабзда,<sup>89</sup> VI Республика кўрик танлови эса 1985 йил май ойида Хоразм вилоятининг Шовот туманида бўлиб ўтди. Хоразмдаги танлов халқаро кўриниш касб этиб, Озарбайжон ва Қозоғистондан ҳам мутахассислар келди. Эндиликда бу тадбирни Кавказ, Ўрта Осиё миқёсида ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди<sup>90</sup>. Шўро сиёсатининг заифлашиб бориши жараёнида шу тариқа халқнинг миллий маданиятга нисбатан қизиқиши тобора ортиб борди.

## ХАЛФАЧИЛИК

Ўзбек халқининг яна бир миллий мусиқий мероси тури халфачилик санъатидир. «Халфа» арабча сўз бўлиб, «ўқимишли», «устоз» деган маъноларни англатади. Ўтмишда хотин-қизлар ўзларининг эркалардан холи («ичкари») базмларида кўпроқ доира чалиб ёки икки бўш пиёлани бири-бирига уруштириш натижасида чиққан товуш билан куйлаб келганлар. Бу даврда халфаларнинг асосий чолғу сози доира бўлган. Ю.Юсуповнинг таъкидлашича, Хонимжон халфа Саид Аҳмад қизи 1895 йилдан бошлаб тўйларда соз чалиб куйлай бошлаган. Хоразм воҳаси ҳудудига хос бу жанр аёллар ўртасида тарқалган бўлиб, китобий дostonлар, ривоятлар, ҳикоялар, ҳадислар оҳанг билан устоз халфа (гармонда), доирачи ва лапарчилар томонидан ижро этилган.

Хоразм халфачилик санъатининг ривожланишига Шукуржон халфа (1851-1950), Гулжон қори халфа (1874-1935), Киш халфа (1884-1948), Шарифа Нўғай халфа (1892-1960), Онабиби халфа (Ожиза) (1899-1952) ва бошқалар ўз хиссаларини қўшганлар. Юқорида келтириб ўтилган халфалардан энг машҳури

<sup>89</sup> Муродов М., Қорабоев У. Бахшилар халқ қалби // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №7. – Б.4 – 5.

<sup>90</sup> Бахшилар мушоираси // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №7. – Б.8 – 9.

Онабиби Отажоновадир. Халқ орасида «Ожиза» номи билан танилган Онабиби нафақат моҳир ижрочилиги, балки тингловчи хотирасида бир умрга қоладиган куйлар тўқиганлиги билан ҳам ном чиқарган. Унинг шогирдлари Н.Собирова, А.Қурёзова, У.Бойжоновалар халфачилик санъатини давом эттириб, унинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Ожиза репертуаридаги «Мубораклар бўлғай», «Арка қизлар», «Хуршиди жаҳон галди», «Галмади-галмади», «Ўлгунча сизни дерман» каби қўшиқлар бугунги кунда ҳам ўз тингловчиларига эга<sup>91</sup>.

## ЛАПАРЧИЛИК

Халқ ижодиётининг қадимий жанрларидан яна бири лапар ижрочилигидир. Азалдан Фарғона водийсида ҳазил-мутойиба-ларга бой бўлган лапар қўшиқлари байрамлар, халқ сайллари ва тўйу тантаналарда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган. Фарғона ва Андижон ҳудудларида бундай санъаткор аёлларни «яллачи», Наманганда эса «сатанг» дейишган. Қўқон хонлигида аввалига Нодирабегим атрофида, сўнг Худоёрхон саройида аёлларнинг махсус санъаткорлар труппаси ташкил этилиб, унда кўплаб созандалар, хонандалар, шоиралар, актёр ва раққосалар жамланган эди. Улар хон рафиқалари ва канизакларининг маданий дам олишлари учун хизмат қилганлар.

XX асрга келиб яллачилик санъати халқ орасида кенг ёйила бошлади. Андижонда Лутфихоним Саримсоқова, Хуринисо Илясова, Марғилонда Зебохон Ўлмасова, Наманганда Гавҳархон Узоқова, Қундузхон Эгамбердиева каби кўпгина яллачи – сатанг аёллар ўз мактабларини яратганлар. Улар ўзига хос кийиниш услублари, доира чертим йўллари ва ижро йўна-

---

<sup>91</sup> Мадримов Б.Х., Раззоқова Г. Ўзбек санъатида Хоразм халфачилиги // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.19 – 21.

лишлари билан ўзига хослик касб этганлар. Жумладан, Фарғона, Кўқон, Марғилон аёллари лапар ва яллаларни дутор жўрлигида ижро этилса, Наманган ва Андижонда кўпроқ доирадан фойдаланганликларига гувоҳ бўламиз<sup>92</sup>. Шунингдек, машхур санъаткорлар Тамарахоним, Лизахоним, Г.Раҳимова, О.Ёқубова, Г.Отабоева, Р.Мирзоҳидовалар лапар санъатининг моҳир ижрочилари бўлиб, ўзбекнинг бу санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқиб, тарғиб этган эдилар.

## ЎЛАНЧИЛИК

Ўланлар асосан кўчманчи чорвадор ва ярим кўчманчилардан иборат ўзбек уруғлари орасида кенг тарқалган. «Ўлан» сўзи ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур, озарбайжон, олтой ва бошқа туркий халқлар орасида кенг қўлланиладиган атама бўлиб, «халқ кўшиғи», «ашула», «уламоқ» маъноларида қўлланилади ва асосан тўй ва мавсумий маросимларда куйланган. Уларни тўплаш ва ўрганишда дастлаб Ҳ.Зарифов, М.Алавия, З.Хусаинова, Т.Ғозибоев, Б.Каримий, М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Са-римсоқов каби олимлар катта ишларни амалга оширганлар<sup>93</sup>.

## ЗАМОНАВИЙ МУСИҚА САНЪАТИ

Дарҳақиқат, ўзбек миллий оҳанглари Европа мусиқа со-зларига мослаштириш композитордан ўзбек халқи тарихини чуқур билишни, унинг қалбан ўзбек бўлишини талаб қилади. Ана ўшандагина у томонидан яратилган асарлар халқ онгига

<sup>92</sup> Н.Турғунова. Санъатда яллачилик анъаналари // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.40 – 41.

<sup>93</sup> Hodi Zarif. O'zbek folklori. Pedagogika institutlari uchun xrestomatiya. – Тошкент, 1939. – В.294 – 297., Алавия М. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент, 1972.



Москвада ташкил этилган ўзбек драма студияси ўқувчилари.

етиб бориши мумкин. Афсуски, бунга зид ўлароқ, маъмурий-буйруқбозлик тизими натижасида 1948 йили Консерваторияда миллий чолғу созлари кафедраси А.Петросянц раҳбарлигида иш бошлади ва миллий созларга эътибор қасддан кескин пасайтирилди. Бу раҳбар баъзи қадимий халқ чолғу созларини истеъмолдан олиб ташлади, қолган миллий созлар ҳам европа нотасига мослаш баҳонасида қайта ишланди, айримларининг тузилиши ўзгартирилди. Натижада миллий чолғу созлари ижрочилиги бўйича кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам маълум маънода инқироз юз берди. Муҳиддин қори Ёқубов каби миллий санъат жонкуярлари эса 1952 йилги сталин қатағонининг иккинчи тўлқинидан қутула олмади<sup>94</sup>. 1950 йиллардан европа мусиқасига сажда қилиш авж олдирилиб, ҳатто ўша пайтда Ўзбекистоннинг давлат раҳбари бўлган У.Юсупов ҳам миллий созлар тарафдори деган айблов билан жиддий танқид қилинди ва унинг фаолиятини текшириш бўйича махсус комиссия тузилди<sup>95</sup>.

1952 йилга келиб Ўзбекистон Хор капелласи ташкил этилди ва жамоанинг шаклланишида композиторлар М.Бурҳонов, И.Акбаров, С.Юдаковлар фаол иштирок этдилар. Бироқ бу янги

<sup>94</sup> Сокин Ш. Алп сиймо ёхуд М.Қориёқубовнинг учинчи ўлими // Санъат. 1990. №6. – Б.3 – 6.

<sup>95</sup> Зокиров Р. Кўза синдирган азизу... // Нафосат. 1992. №2. – Б.18 – 20.



жамоа репертуарида ҳам шўро мафкураси тазйиқи асосида рус ва бошқа иттифоқдош республикалар бастакорларининг асарлари кўпайтириб борилди. Мазкур жараёнда шўролар ўзининг янги мусиқий маданиятини қарор топдирди ва бунда энг аввало мусиқа қудрати билан халқнинг катта қисмини ўз томонига оғдиришни мақсад этган эди. Натижада халқнинг миллий мусиқий мероси бўлган фольклор, дostonлар, айниқса, мақом санъати келажаги оғир аҳволга тушиб борди.

## ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ТЕАТР САНЪАТИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ўтган асрнинг бошларида Туркистонлик жадид зиёлиларининг заҳматли курашлари эвазига ўзбек миллий театр санъати дунёга келган эди. Ўзбек мусиқали драма театрларининг тамал тошини қўйган устоз санъаткорлар Чўлпон, Ғулом Зафарий, Ҳамза, Хуршид, Маннон Уйғур, Муҳиддин қори Ёқубовлар ҳисобланади. Уларнинг фидокорона меҳнатлари самараси ўлароқ мусиқали драма жанри тарихан қисқа давр мобайнида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, 1919-1926 йилларда Ғ.Зафарийнинг ўндан ортиқ сахна асарлари томошабинлар ўртасида шухрат қозонди<sup>96</sup>. Унинг «Ҳалима» спектакли 1920-1936 йиллар давомида сахнадан тушмади. Асар муваффақиятини таъминлаган омиллар жуда кўп эди. Биринчидан, асар мусиқаси М.Тошмуҳаммедов, Ш.Шоумаров, Ш.Шоюсуповдек санъат дарғалари томонидан ёзилган бўлиб, унда «Тошкент Ироқи», «Кўча боғи», «Баёт III» каби халқ қўшиқлари ва «Ёр-ёр», «Муборак», «Омон-омон» каби маросим қўшиқлардан жуда ўрнида фойдаланилган эди.

<sup>96</sup> У.А.Ҳайдаров. Мусиқали драмада тарихий мавзу талқини // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.44 – 45.

Иккинчидан, ролларнинг М.Қориева, С.Нажмудинова каби етук санъаткорлар, 1920-йилларнинг охирларидан эса Ҳ.Носирова, А.Ҳидоятлов каби иқтидорли ёшлар томонидан ижро этилиши ҳам асар муваффақиятига етарли таъсир кўрсатган.

1922 йил Ш.Хуршиднинг Навоий асарлари асосида яратган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси саҳнага чиқди. Рақслар Али Ардобус Иброҳимов томонидан саҳналаштирилиб, аввалига барча роллар эркаклар томонидан ижро этилганлигига қарамай асар муваффақиятли чиқди. Драманинг мусиқаси Ш.Шоумаров ва Ю.Ражабийлар томонидан яратилди. Унда Тошкент-Фарғона мақомлари, «Баёт I», «Баёт II», «Баёт V», «Ушшоқ», «Гулёр», «Чоргоҳ» каби халқ севган ашулалардан фойдаланилгани ҳам асарнинг муваффақиятини таъминлади<sup>97</sup> дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, миллий асарлар яратиш жараёни ҳам жуда қаттиқ курашлар оқибатида кечди. Бу борада Саййид Али Хўжа: «Октябрь ўзгаришидан сўнг бизлар учун илм дарвозалари даранглатиб очилди. Шунинг билан бирга, бизлар учун сира оти эшитилмаган консерваториялар очилмоққа бошлади. Оти эшитилмаган консерваторияларда болалар ўз мусиқийси, ўз куйларини, ўз мусиқий товушларига ўрганмайдилар... Агар булар Оврўпа мусиқасига ўрганиб, ўзлариникидан хабарсиз қолсалар, ул вақт бизнинг мусиқий товушлар уларга янглиш кўриниб, ул вақт улар Туркистон мусиқасини илгарига олиб бора олмаслар. Ул вақт уларнинг қиймати Туркистон, балки, бутун дунё учун ҳечдир...»<sup>98</sup> – дейди. Ёки Санжар Сиддиқ: «Театрлардаги европа, рус, татар, озарбайжон театрларининг асарлари қанчалик профессионал бўлмасин, ўзбек халқи ҳаётидан, турмуш тарзидан узоқлиги учун уларни халқ қабул қила олмайди. Охири пардаларда Марсельеза, Интернационал кўшиқларининг тиқиштирилиши эса уларнинг нафаратига сабаб бўлиб турибди. Натижада халқдан олқиш эмас, сўкиниш эшитилмоқ-

<sup>97</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Гулям, 1972. Т.I. – С.88.

<sup>98</sup> Саййид Али Хўжа. Санои нафисамиз ўлди // Қизил Байроқ. 1921 йил 3 август.



Биринчи ўзбек давлат академик труппаси.

да. Бу эса фақат артистларнинг эмас, ёзувчиларнинг ҳам халқ ҳаёти, турмуш маданияти, орзу-истакларидан нақадар узоқлигини англатади. Халқимиз ҳозирги даврда санъатни, айниқса, европа санъатини хоҳламайдир. Нима учун «Ҳалима» ва «Ёрқиной» машҳур бўлиб кетди. Ундаги халқ ҳаётидан олинган саҳналар, таниш қаҳрамонлар мухлисни саҳнага тортмоқда. Бугун Шекспир, Гоголь асарлари ҳам эмас, кўпроқ халқ учун хизмат қиладирган «Ўзбек халқ театрусини тузмоқ керак»<sup>99</sup> – деб қатъий фикр билдирган эди. Шундан сўнг матбуотда миллий асарлар яратиш масаласи кескин қўйилди.

1924 йил Москвадаги ўзбек билим юрти қошида ўзбек ёшлари драма студияси ташкил қилинди. Унга Москвадаги давлат театр мактабида таҳсил олувчи талабалар ҳамда Тошкент, Бухоро ва Фарғона театр саҳналарида ўйнаб элга танилган йигит-қизлар жалб этилади. Улар дастлаб француз классик адабиётидан Мольернинг «Хасис» пьессасини, 1925-26 ўқув йилида Гоголнинг «Терговчи»сини тайёрлади. Маннон Уйғур Чўлпоннинг «Ёрқиной» ва «Узунқулоқ бобо» пьессаларини саҳналаштирди<sup>100</sup>. Москвада ёш ўзбек санъаткорларининг профессионал,

<sup>99</sup> «С». Ўзбек театри // Туркистон. 1922 йил 22 сентябрь.

<sup>100</sup> Чўлпон. Масковдаги драм студиямиз // Ер юзи. 1926. №12. – Б.10 – 11.

юксак савиядаги миллий асарлар яратишига Чўлпоннинг шахсан ўзи раҳбарлик қилди. У Москвадаги машҳур Мейерхольд театри ходими Свердлин билан ҳамкорликда аввалига ўзбеклар турмушидан олинган «Қоровул уйқуси», «Пул ундириш»<sup>101</sup> пьесаларини, 1927 йил апрель ойида эса Юсуфжон қизиқ ҳикояси асосида «Яна уйланаман!» асарини саҳналаштирди. Бу асарлар томошабинлар ва мутахассисларнинг бирдай юқори баҳосини олди. Ўзбек миллий чолғулари ва иқтидорли ёш актёрларнинг санъати кўпчиликка ёқди<sup>102</sup>. Хуллас, 1920-1930 йилларда ўзбек театр санъати ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди ва мусиқали театр асарлари пайдо бўлди<sup>103</sup>.

1926 йили Муҳиддин қори Ёқубов раҳбарлигида тузилган концерт жамоаси базасида 1929 йилнинг октябрида биринчи Ўзбек давлат мусиқали театри пайдо бўлди. Унда Муҳиддин қори Ёқубов ҳам директор, ҳам бадий раҳбар, ҳам актёр вазифаларини бажарар эди. Театр репертуаридан «Аршин мололон», «Ҳалима», «Ўртоқлар», шунингдек, Чўлпоннинг «Хужум» каби кўпгина асарлари жой олган бўлиб, бу асарлар миллий мусиқалар асосида халққа етказиб берилди<sup>104</sup>.

1931 йил бу театр Самарқанддан Тошкентга кўчирилди ва бу ерда В.Успенский куй басталаган «Фарҳод ва Ширин», миллий оҳанглар асосида Р.Глиэр мусиқа басталаган «Ичкарида» (1935 йилдан «Гулсара») спектакллари мусиқали драма жанри талабларига мукамал жавоб берадиган асарлар сифатида дунё юзини кўрди. Б.Мирзаев, К.Зокиров, Л.Саримсоқова, Тамарахоним, 1932 йилдан Ҳ.Носировалардек иқтидорли санъат арбоблари мусиқали драма театри саҳнасида ижод қилди. 1937 йил Москвада ўтказилган санъат декадасида жамоа ўзининг «Гулсара» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмалари билан иштирок

<sup>101</sup> Чўлпон. Мейрхўлд театри // Ер юзи. 1927. №19. – Б.14 – 15.

<sup>102</sup> Чўлпон. «Яна уйланаман» (Юсуфжон қизиқ Масковда) // Ер юзи. 1927. №23. – Б.15 – 16.

<sup>103</sup> Каримов Н. Қорасоч ва Олтойхон // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №3. – Б.5 – 6.

<sup>104</sup> Шарафиддинов О. Чўлпон драмалари // Санъат. 1990. №4. – Б.8 – 10.



Бокудаги драма студиясининг ўзбекистонлик талабалари. Ўтирганлар (сўлдан): 1. Ҳақима Ҳўжа қизи. 2. Сайфи Олимий. 3. Назира Ҳақим қизи. 4. Шарифзода (мактаб мудири муовуни).

5. Ҳалима Носир қизи. 6. Раҳимберди Бобожонов. 7. Ёрқиной Шаҳбоз қизи.

Тик турганлар: 1. Хусайн Карим ўғли. 2. Зухур Қобил ўғли. 3. Саъдулла Жўра. 4. Каримжон Яқубий.

этди. Муҳиддин қори Ёқубов, Ҳ.Носирова, Л.Саримсоқова (Ойсара, Ёсуман), К.Зокировлар бутун шўро мамлакатининг энг яхши талантлари сифатида тан олинди ҳамда нафақат санъат ихлосмандлари, балки мусиқашунос мутахассисларнинг ҳам бир овоздан таҳсинига сазовор бўлдилар<sup>105</sup>.

## МИЛЛИЙ ОПЕРА

Миллий опера яратиш кўпгина миллий зиёлиларнинг, жумладан, Туркистонлик тараққийпарвар зиёлиларнинг Беҳбудийдан кейинги етакчиларидан бири бўлган Фитратнинг улкан орзуси эди. 1921 йилдаёқ у Ғ.Зафарийнинг «Ҳалима» асари ҳақида газетада тақриз ёзиб, муаллифни ўзбек «операси»нинг

<sup>105</sup> Қаранг: «Правда» газетасининг 1937 йи 6 май; «Советское искусство» газетасининг 1937 йил 5 июнь; «Правда Востока» газетасининг 1937 йил 2 июнь сонларидаги хабарлар.

туғилиши билан қутлаганди. 1935 йилда эса Фитратнинг ўзи «Восеъ қўзғолони» номли либретто ёзиб М.Ашрафийга берган эди<sup>106</sup>. Композитор унинг сюжети асосида 1935 йилда илк ўзбек операсини ёзишни бошлаб юборган. Фитрат қатағон этилганидан сўнг эса унинг «Тўлқин»и биринчи ўзбек операси бўлган «Бўрон» учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Ҳамзанинг ҳам 1925-1926 йилларда «Қорасоч» номли опера ёзгани, ҳатто 1927 йил Самарқандда уни сахнага олиб чиқиш устида иш олиб боргани тарихдан маълум<sup>107</sup>.

1938 йил С.Василенко Ўзбекистон ҳукумати томонидан таклиф олгач, биринчи ўзбек операсини яратиш устида иш бошлади. Бироқ у на ўзбек тилини, на ўзбек халқ мусиқасини билар эди. Мусиқани асосан М.Ашрафий Тошкентда ёзиб, вақти-вақти билан Москвага бориб маслаҳатлашиб турган. Умуман, Ўзбекистонда ўзбек мусиқали театр санъати ва миллий опера жанрларининг пайдо бўлишидаги рус композиторларининг хизматларини асло камситмаган ҳолда айтиш керакки, бу ишлар Туркистонлик миллий зиёлиларнинг истаклари ҳамда интилишлари самараси сифатида дунёга келган эди.

Ўзбек миллий театри сахнасида биринчи марта Миртемир таржимаси асосида Ж.Бизенинг «Кармен» операси кўйилиши айни пайтда Ҳ.Носирова, К.Зокиров, Н.Аҳмедова каби кўпгина опера ижрочиларини ҳам дунёга келтирди. «Бўрон» (К.Яшин либреттоси)нинг биринчи премьераси 1939 йил 11 июнь куни бўлиб ўтди ва шу куннинг ўзидаёқ Ўзбек мусиқали драма театри Ўзбекистон давлат опера ва балет театри деб номланди<sup>108</sup>. Унгача ҳам опера йўналишида айрим асарлар яратилган, бироқ улар жанр талабларига тўлиқ жавоб бермасди. «Бўрон» ҳақиқий опера сифатида дунёга келди. У,

---

<sup>106</sup> Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг сахна тарихи // Санъат. 1991. №3. – Б.17 – 21.

<sup>107</sup> Каримов Н. Қорасоч ва Олтойхон // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №3. – Б.5 – 6.

<sup>108</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Ғулям, 1972. Т.I. – С.178.

сюжети ва мазмунидан қатъи назар, бугунги кунда ҳам ҳақиқий миллий опера сифатида барча талабларга жавоб беради. Унинг хор ижроларида «Гул ўйин», «Гиря қозоқ», «Чаманда гул» каби халқ кўшиқлари оҳангларидан унумли фойдаланилган, қолаверса, Муҳиддин қори Ёқубов, К.Зокиров, Ҳ.Носировалар опера сахнасидаги ҳақиқий миллий образларни кўрсатиб бера олганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

1940 йил сахна юзини кўрган Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид либреттоси) операсида Навоий шеърлари ҳамда М.Тошмуҳаммедов, Домла Ҳалим Ибодов каби уста санъаткорлар ижросидаги кўшиқлардан фойдаланилди. Шунингдек, Қайс ариясида «Ироқ» ва «Сегоҳ»дан, Лайли ариясида «Ушшоқ», «Чорзарб», Навфал ариясида «Чапандози гулёр»дан фойдаланилди, Лайли ва Қайс дуэти «Қаландар II» кўшиғига мосланди<sup>109</sup>.

Уруш даврида тарихий мавзуда асарлар яратиш имконияти юзага келиши билан 1942 йил А.Козловскийнинг «Улуғбек» операси сахна юзини кўрди. Унинг доврўғ қозонишида Муҳиддин қори Ёқубовнинг беназир хизмати борлигини эса муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлаган эди<sup>110</sup>. Кейинги йилларда «Маҳмуд Торобий» (Ойбек либреттоси)<sup>111</sup>, «Гулсара» (Т.Содиқов, Р.Глиэр), «Дилором», «Ҳамза» каби қатор миллий опералар яратилди<sup>112</sup>.

Ўзбек мусиқа маданиятини замонавийлаштириш баробарида унинг миллийлигини сақлаган ҳам йирик санъат дарғаси Муҳиддин қори Ёқубов эди. У яратган тарихий шахслар образида миллийлик уфуриб турарди. Айниқса, унинг Улуғбек образи бу борада таҳсинга сазовордир<sup>113</sup>. Шунингдек, «Навфал», «Торобий» образларини ҳам эслаш мумкин. Ўзбек опера сахнасининг биринчи «корифей»лари Муҳиддин қори Ёқу-

<sup>109</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Гулям, 1972. Т.I. – С.180.

<sup>110</sup> Сокин Ш. Алп сиймо ёхуд М.Қориёқубовнинг учинчи ўлими // Санъат. 1990. №6. – Б.3 – 6.

<sup>111</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Гулям, 1972. Т.I. – С.327.

<sup>112</sup> Сардор // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №1. – Б.6 – 7.

<sup>113</sup> Қориев Р. Яловбардор // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №10. – Б.4 – 6.

бов («Бўрон»да губернатор, «Ер Тарғин»да Тарғин, «Лайли ва Мажнун»да Навфал, «Улуғбек»да Улуғбек, «Маҳмуд Таробий»да Торобий), Ҳ.Носирова<sup>114</sup> («Бўрон»да Норгул, «Улуғбек»да Сан Дун Фан) ва К.Зокировлар («Бўрон»да Бўрон, «Улуғ канал»да Тўхтасин, «Кармен»да Эспанильо) ҳисобланади. Шунингдек, ўзбек миллий опера мактабининг шаклланишида устоз санъаткорлар С.Ярашев, С.Кобулова, Н.Ҳошимов, Қ.Муҳиддинов ва бошқаларнинг ҳам хизматлари катта бўлди<sup>115</sup>.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБИЙ МУСИҚА САНЪАТИ

Касбий мусиқанинг асоси ҳисобланган композиторлар фаолияти ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, икки тенденция асосида ўсиб борганини кузатиш мумкин. Биринчидан, ёш композиторларнинг ижодида миллийлик иккинчи даражага тушиб борган бўлса, иккинчидан, иқтисодий қийинчиликларнинг ортиб борганини кўрамыз. 1980 йилларда Композиторлар уюшмасида М.Бурҳонов, Х.Изомов, С.Юдаков, Г.Мушель, Э.Солиҳов, Д.Зокиров, Б.Зейдман, Ф.Янов-Яновский, С.Варелас, Р.Абдуллаев каби кўплаб йирик композиторлар фаолият олиб борди. Ўзбек халқининг мусиқий меросига нисбатан муносабатнинг ўзгариши натижасида бастакорлар ижодида ҳам уни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши кузатилди. Жумладан, 1980 йил Ибн Синонинг 1000 йиллик тантаналари муносабати билан И.Акбаровнинг «Ибн Сино» симфоник поэмаси, Н.Зокировнинг Ибн Сино шеърлари асосида «Мен буюк» симфоник-вокал поэмалари яратилди. Шунингдек, қатор янги асарлар дунё юзини кўрди. М.Бафоевнинг Ибн Сино рубоийлари асосидаги «Фреска» хор

<sup>114</sup> Мирзо М. Ўзбекистон булбули // Театр. 2012. №1. – Б.24 – 26.

<sup>115</sup> Орифжонов Ҳ. Ўзбекистонда опера санъати // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Бухоро, 2013. – Б.110 – 111.



поэмаси ва мақом оҳангларидан унумли фойдаланилган ҳолда яратилган «Бобур ғазали» симфоник поэмасини<sup>116</sup> шулар қаторида санаш мумкин. Булардан ташқари М.Бафоевнинг «Ғазал» симфонияси, Ф.Алимовнинг поэма-симфонияси, Икром Акбаровнинг Увертюра ва «Вальс» асарлари ҳам юксак савиядаги асарлар эди<sup>117</sup>. Айниқса, 1980 йилларнинг бошларида Ҳ.Раҳимов<sup>118</sup>, Т.Қурбонов, К.Комилов, С.Абдусалямов каби ёш композиторлар ҳам баракали ижод қилдилар.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан Ўзбекистон композиторларининг шарқ оҳангларига мурожаати ҳам кенг тус олди ва У.Мусаевнинг «Ҳинд достони» балети, И.Акарбаровнинг Р.Тагор асарлари асосидаги «Почта» симфоник сюитаси дунёга келди.

Жамиятнинг мусиқий оламида эстрада ва яккахон қўшиқчиларнинг концертларига талаб юқорилашиб боргани ҳолда оркестрларнинг ижодига қизиқувчилар сони кескин қисқариб борди. Бунга турли хил омиллар сабаб бўлди. Энг асосийси, оркестрлар ижодида миллий куйларнинг камлиги ва халқ қизиқишларининг узоқ вақт давомида назар-писанд этилмаслик натижасида орада тушунмовчилик юзага келган эди. Шунингдек, жамиятнинг қашшоқлашуви ҳамда оммавий равишда мусиқа саводхонлигининг пасайиб борганлиги каби сабабларни ҳам кузатиш мумкин. Мисол тариқасида кўрадиган бўлсак, 1989 йилда Давлат симфоник оркестри режадаги 110 та концерт ўрнига 93 марта концерт уюштирган. Уларда 248000 сўм иқдориди харажат қилингани ҳолда 51200 сўм кирим қилинган. Бу эса мусиқий жамоани сақлаб туриш давлатга бир йилда 197 минг сўм зарар келтирди деганидир<sup>119</sup>. Шунингдек, Хор капелласи йил давомида 20 минг сўм кирим қилгани ҳолда харажати 95000 сўмни, Миллий чолғу созлар оркестри 35,4 минг сўм кирим қилгани ҳолда харажати 110 минг сўмни ташкил этган.

<sup>116</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2744. Рўйхат 1. Йиғ. жилд 441. – Б.1 – 6.

<sup>117</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2744. Рўйхат 1. Йиғ. жилд 441. – Б.61 – 69.

<sup>118</sup> Юнусов Р. Навқиронлик // Санъат. 1990. №9. – Б.8.

<sup>119</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2366. Рўйхат 2. Йиғ. жилд 641. – Б.1.

«Шодлик», «Лазги» каби кўп кишилик жамоаларнинг харажати ҳам ниҳоятда тезлик билан ортиб бориб, уларни сақлаб туриш масаласи давлат учун йилдан-йилга оғирлашаётган эди<sup>120</sup>.

Композиторларнинг асарларини нашр этиш ва кўпайтириш масалалари эса йилдан-йилга камайиб борди. Бу 1940 йил 300 босма табоқни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 183 босма табоққа, 1985 йилга келиб эса 60 босма табоққа тушиб кетди. Нотали адабиётларни нашр этиши мумкин бўлган Ғафур Ғулом нашриёти, уларнинг сотилиши масаласи оғирлигини баҳона қилиб, нашрни имкон қадар қисқартиришга ҳаракат қилди. Натижа шу даражага бориб етдики, ҳатто театрларнинг хор оркестрларида ҳам ноталар етишмай қолди<sup>121</sup>. Ана шу жараёнлар ҳам шўро мамлакатининг сиёсий инқирозидан олдинроқунинг муסיқий маданияти таназзули бошланганлигини англатади.

Композиторлар уюшмаси ўзининг 50 йиллик фаолияти давомида кўп ҳолларда асосан шўро ҳукуматининг Маркази томонидан берилган буйруқларни бажариш борасида иш олиб бориб, миллий асарлар яратишдек аслий вазифасидан четлашиб кетди. Айниқса, 1980 йилларга келиб айрим ёш композиторларнинг асарларида миллийлик иккинчи даражага тушиб, ижрода ҳам сўзларни нотўғри талаффуз этиш ҳоллари кўпайиб борди<sup>122</sup>.

1980 йилларнинг бошига келиб республикада муסיқали драма соҳасида ҳам асарларнинг жанр талабларидан узоқлашиб бориши ҳолатлари кузатилди<sup>123</sup>. Айниқса, яратилаётган асарларнинг мазмунан саёзлашгани, ижро маҳорати, сахна маданияти масалаларида заифлик кўзга ташланди<sup>124</sup>. Натижада театр томошаларида мухлислар ташрифи йил сайин камайиб

<sup>120</sup> ЎзР МДА. Фонд 2366. Рўйхат 2. Йиғ. жилд 641. – Б.25 – 29.

<sup>121</sup> Истикбол дебочаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №8. – Б.6 – 10.

<sup>122</sup> Сокин Ш. Давримизни куйга солиб // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №1. – Б.2 – 3.

<sup>123</sup> Ҳамидова М. Музиқали драма муаммолари // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №2. – Б.8 – 9.

<sup>124</sup> Театр танқидчилиги: бурч ва масъулият // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №7. – Б.4 – 7.

борди ва муаммонинг ечими сифатида театрлар сахналарида турли концертларнинг сони ортиб борди. Ўзбекистондаги мавжуд 28 театрнинг 11 таси муסיқали драма театрлари бўлиб, уларда на овоз, на муסיқачи, на томошабин, на тайинли актёрлар қолмаган эди<sup>125</sup>. Тез орада деярли барча театрларда томошабин муаммоси пайдо бўлиб, театрлар деярли бўшаб қолди. Мисол тариқасида кўрадиган бўлсак, 1985 йилда Андижон театри томошабинларининг 60 фоизи, Бухоро театри томошабинларининг 70 фоизи театрга концерт кўриш учун кирганлар. Спектаклга келганларнинг ҳам асосий қисми «Олтин девор», «Келинлар кўзғолони» каби комедияларни кўрган.

Яна бир муаммо шунда эдики, ўша даврда Ленинграддаги Пушкин номидаги театр ҳар бир постановкага 24700 сўм (рубль), Москвадаги Таганька театри 24000 сўм сарфлагани ҳолда, Ҳамза театри 3000-4000 минг сўм, вилоятларда эса бор-йўғи 100-400 сўм сарфланган. Бу ҳолат театрларнинг моддий аҳволини аянчли ҳолга солди<sup>126</sup>.

1980 йилларда бир пайтлар ўзбек миллий зиёлиларининг орзуси рўёби сифатида дунёга келган опера санъати соҳасида ҳам айрим ўзгаришлар кузатилди. Шубҳасиз, бу янги санъат жанри ўзбек миллий маданиятининг улкан ютуғидир. Театрнинг 1984 йилги репертуаридан Ғарбий Европа ва Россия классикларининг 14 та операси ва 6 та балети, ўзбек ва собиқ Иттифоқ бастакорларининг 10 та опера ва 17 та балети ўрин олган эди<sup>127</sup>. Жамоа 1980 йилларнинг бошларидан опера театри репертуарини янги ўзбек спектакллари билан бойитиш мақсадида режиссёр Ф.Сафаров, дирижёр Д.Абдурахмонова ва балетмейстер Г.Измаиловалар етук композиторлар билан фаол ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, И.Акбаров, С.Жалил, М.Бафоев, М.Тожиёв, Р.Абдуллаев каби композиторлар «Ўтган кунлар» (қў-

<sup>125</sup> Музиқали драма жанри: имконият ва истак // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №1. – Б.2 – 7.

<sup>126</sup> Раҳмонов М. Ечилмаган муаммолар // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №11. – Б.8 – 9.

<sup>127</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 5976. – Б.18.

лѐзма ҳолида), «Зебунисо», «Умар Ҳайём» опералари, «Хамса», «Нодирабегим» ва бошқа бир қанча балетларни яратиш устида иш олиб бордилар. Шунингдек, 1985-1990 йиллар давомида М.Ашрафийнинг «Бўрон», С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», И.Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони», С.Бобоевнинг «Ҳамза» операларини қайта ишлаб, янги тахрирда саҳнага олиб чиқиш ва миллий кадрларга кенг йўл бериш масалалари кўтарилди<sup>128</sup>.

1980-йилларда И.Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операси, «Орзу» балетлари<sup>129</sup>, Р.Абдуллаевнинг шоира Зулфия ҳаётига бағишланган, О.Матжон либреттоси асосидаги «Садоқат» опералари яратилди<sup>130</sup>.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1984 йил 12 октябрь сониди Ф.Жўраеванинг «Нега янги операларимиз кам» мақоласи чоп этилди. Бу масала матбуотда кенг муҳокама этилди, лекин асл сабаб бўлган миллий кадрларнинг камлиги масаласи ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Дарҳақиқат, опера шундай мураккаб санъат тури-ки, уни бутун жамоа бир мақсадда бирлашган дагина яратиши мумкин. Айниқса, миллий асарларни дунёга келтираётган солист ўзбек тилини билмаса, раққоса миллий рақсни англамаса, безакчи миллий анъаналарни тушунмаса, дирижёр миллий мусиқани қалбан ҳис этмаса, улардан яхши ижрони кутиш мумкин эмас. Ваҳоланки, 1980 йилларда бундай кадрлар кўп эмас эди. Демак, бу жамоалар билан миллий операларни яратишни хаёл қилишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Умуман, операнинг келажоги унинг ижрочиларини етказиб бериш билан боғлиқдир. 1986 йил Тошкентда бўлиб ўтган вокал ижрочиларининг IV Республика танловида<sup>131</sup>, 1987 йил Бокуда ўтказилган М.Глинка номидаги XII Бутуниттифоқ танловларида ўзбекистонлик вокалчилар муваффақиятли қатнашдилар<sup>132</sup>. 1989 йилдаги вокал ижрочиларининг V Рес-

<sup>128</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 5976. - Б.15 - 16.

<sup>129</sup> Жабборов А. Музыка сеҳри // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №5. - Б.18 - 19.

<sup>130</sup> Мирхўжаева С. Замондошимиз опера қаҳрамони // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №1. - Б.7 - 11.

<sup>131</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6458. - Б.38.

<sup>132</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6809. - Б.83.

публика танловида эса М.Раззақова ва М.Оринбоевалар ғолиб деб топилди<sup>133</sup>. Шу йил Ригада бўлиб ўтган XIII Бутуниттифок вокалчилар конкурсида М.Раззақова, Л.Бондаренко ва Л.Негматовалар муваффақиятли иштирок этди<sup>134</sup>. Умуман, шўро даврида ҳам ўзбекистонлик вокал ижрочиларининг мавқеи юқори эди. Бироқ, муаммо уларнинг ўзбек тилини билмаслиги ва халқ миллий маданиятидан узоқ эканлигида бўлиб, бу уларнинг миллий асарлар ярата олмаслигига олиб келар эди. Натижада театрларда фақат чет эл асарларинигина кўриш мумкин эди<sup>135</sup>. Бу муаммо шўро замонида ҳар доим ўткир ва лекин ҳеч қачон чораси қидирилмаган, ҳаммага таниш, бироқ ҳеч қачон тан олинмаган масала бўлиб яшаб қолди.

Ўзбек замонавий мусиқа маданиятининг шаклланишида Ўзбекистон Давлат Филармониясининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Замонавий кўшиқчилик санъатининг ривожланишида мусиқа ҳаваскорлари орасидан етишиб чиққан, кейинчалик миллий мусиқий меросни чуқур ўрганиб, ўз мактабларига асос солган К.Отаниёзов<sup>136</sup>, Ф.Умаров<sup>137</sup>, Т.Қодировлар<sup>138</sup> етуқ санъат дарғаларига айландилар. Кейинчалик уларнинг шогирдлари сифатида Б.Ҳамдамов<sup>139</sup>, О.Отажонов<sup>140</sup>, Х.Лутфуллаев<sup>141</sup>, Н.Ҳамроқулов, Ш.Жўраев<sup>142</sup>, К.Раҳимов<sup>143</sup>, Ҳ.Ҳамидов,

<sup>133</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6726. – Б.12.

<sup>134</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6809. – Б.71.

<sup>135</sup> Вокал санъати қай аҳволда // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №7. – Б.6 – 9.

<sup>136</sup> Худойберганов М. Сўнмас соз, ўчмас овоз // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №8. – Б.7.

<sup>137</sup> Юсупов Ш. Соз ила ҳамроҳ // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №8. – Б.19.

<sup>138</sup> Акбаров М. «Ушшоқ»дек умр мазмуни // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №4. – Б.21.

<sup>139</sup> Маҳқамов А. Муқешни Тошкентдан топдим // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №11. – Б.19.

<sup>140</sup> Отаматов А. Ҳаёт таронаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №4. – Б.12 – 13.

<sup>141</sup> Мўмин П. Кўшиқ айтиб етди муродга // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №8. – Б.18 – 19.

<sup>142</sup> Жўрабоев А. Яшасин санъат ва ҳақиқат // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №9. – Б.20 – 21.

<sup>143</sup> Сокин Ш. Халқим камолин қуйлаб ўтарман // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №8. – Б.14 – 21.

Ғ.Ёқубовлар етишиб чиқди. Мазкур устоз-шоғирдлар яратган анъанавий ижронинг замонавий концерт шакли халқ томонидан жуда яхши қарши олинди. Бу санъаткорлар ўзбек миллий кўшиқчилик санъатини янги босқичга олиб чиқди деб бемалол айтиш мумкин. Уларнинг ансамблларида миллий созлар билан бирга янги созлар, яъни тор, гармон, жаз чолғулари, замонавий электр ускуналар ҳам кенг ишлатилган. Аммо ижро оҳанглирида миллийлик устувор эди.

1983 йилда Ўзбекистон давлат Филармониясининг йирик жамоалари бўлган «Лазги» ашула ва рақс ансамбли<sup>144</sup>, «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (Ғ.Ёқубов билан)<sup>145</sup>, «Гўзал» ашула ва рақс ансамбли (О.Ҳайитова)<sup>146</sup> томонидан 500 га яқин концерт уюштирилди. Улар Украина, Молдова, Туркменистон, Қозоғистон ва Қиғизистонларда бўлиб, ўзбек мусиқа ва рақс санъатини намоиш этдилар. Шунингдек, «Садо», «Наво», «Ялла» вокал чолғу ансамбллари, «Достон» гуруҳи<sup>147</sup>, «Ханда» (Ш.Ғозиев), «Ёр-ёр»<sup>148</sup>, корейсларнинг «Каягим», крим-татарларнинг «Хайтарма» ансамбллари мавжуд эди.

1984 йилда Ўзбекистон Давлат Филармониясига қарашли мусиқий жамоалар томонидан 2386 марта концерт уюштирилиб, унда асосан «Шодлик», «Гўзал», «Лазги» ансамбллари ва симфоник оркестрнинг ҳиссаси катта бўлди. «Гўзал» ансамблининг 1984 йилги амалий режаси репертуарида акс этган кўшиқлар мазмун-мундарижасига назар солсак, матни Навоий, Увайсий, Нодира, Муқимий, Чустий, Ҳабибий ва Ҳислат ғазаллари, Халқ шоирлари П.Мўмин, Н.Нарзуллаев, О.Матжон,

<sup>144</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.34.

<sup>145</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.35.

<sup>146</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.36.

<sup>147</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.39 – 41.

<sup>148</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.138.

Э.Самандарларнинг шеърлари ва халқ лапарларидан ташкил топганини кўрамиз. Муסיқаларини эса Т.Жалилов, М.Левиев, М.Мирзаев, Ш.Мирзаев каби йирик бастакорлар басталаган ёки халқ куйларидан фойдаланилган<sup>149</sup>. Айтиш мумкинки, бу даврда мазкур ансамблларнинг репертуарларида мумтоз муסיқий меросга садоқат мавжуд эди. Улар халқнинг олдига маълум маънода халқ муסיқий меросидан узоқ бўлмаган ва етук композиторлар томонидан яратилган асарларни олиб чиқар эди. Бироқ, яккахон ижроларда мазмунан саёз, тингловчига маънавий баҳра берувчи эмас, балки унинг эмоциясига таъсир этиб, кайфиятини кўтарувчи асарлар сони кўпайиб борди. Йиллар ўтиши билан нафақат тингловчилар, балки, ижрочилар, ҳатто, композиторларнинг ҳам мумтоз адабиётларга мурожаати камайиб борди<sup>150</sup>.

Ўша йили мамлакатнинг қишлоқ ҳудудларида 400 та концерт ўтказиш режалаштирилган бўлса, амалда 288 марта, болалар учун эса бор-йўғи 75 марта концерт ташкил этилди. Улар ҳам Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестри томонидан махсус зали бўлган муסיқа мактабларида ўтказилганди<sup>151</sup>. Умуман, бу даврда қишлоқ аҳолиси ва болалари учун ташкил этиладиган концертлар сони ниҳоятда кам бўлган. Аҳолисининг 70 фоизи қишлоқ ҳудудларида яшовчи, аҳоли нуфусида болаларнинг сони юқори бўлган минтақа учун бу жуда катта адолатсизлик эди. Натижада келажак авлод муסיқий маданиятдан бебаҳра бўлиб бораверди.

Муסיқа санъатининг бошқа жанрлари муттасил инқирозга юз тутиши баробарида қўшиқчилик ва эстрада йўналиши аҳолининг табора кенг қатламларини ўзига торта борди. Умуман, дастлабки жаз муסיқаси гуруҳлари советлар мамлакатада ўтган асрнинг 40-50-йилларида ташкил топа бошлаган эди. 1950 йиллардан жаз оркестрлари кўпайиб, 1958 йил

<sup>149</sup> ЎзР МДА. Фонд Р-2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6139. – Б.30 – 31.

<sup>150</sup> Ҳасан Ражабий. Сўзнинг гўзаллиги // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №2. – Б.14.

<sup>151</sup> ЎзР МДА. Фонд 2366. Рўйхат 2. Йиғ. жилд 624. – Б.19.

Ўзбекистонда дастлабки эстрада оркестри ташкил этилди ва миллий созларни жаз жанри учун мослаш ишлари олиб борилди. 1960 йиллардан эстрада йўналиши бутун собиқ Иттифоқ даражасида тарғиб этила бошланди. 1968 йили «Тошкент – 68» I жаз мусиқаси фестивали ўтказилди. 1960 йиллардаёқ Рано Шарипова<sup>152</sup> илк ўзбек эстрада хонандаси сифатида сахнага чиқди. 1971 йилда Тошкент Давлат Консерваторияси талабаларидан иборат жаз-рок ансамбли «Интер», 1970 йилларда «Ялла»<sup>153</sup>, «Синтез» каби бир қатор янги эстрада жамоалари халққа ўз ижодларини тақдим эта бошлади<sup>154</sup>. Биринчи эстрада юлдузлари сифатида эса Б.Зокиров, Ю.Тўраев, Л.Зокировани эслаш мумкин. Ботир Зокиров «Араб тангоси», «Ҳабиба», «Қочоқ қиз», «Раъно», «Мафтун бўлдим» кўшиқлари билан ўзбек миллий эстрада санъати тарихида ўчмас из қолдирди ва уни жаҳонга танитди.

Дастлаб XX асрнинг 50-60-йилларидан шакллана бошлаган ўзбек эстрада мусиқаси М.Бурхонов («Дўппи», «Мафтун бўлдим»), И.Акбаров («Раъно», «Қайдасан»), М.Левиев («Сартарош»), Д.Зокиров («Кўчалар»), Х.Изомов, Ғ.Қодиров, А.Муҳаммедов каби композитор ва бастакорларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига маълум ютуқларни қўлга киритиб, Ботир Зокиров, Раъно Шарипова, Луиза Зокирова, Клара Жалилова, Юнус Тураев, А.Троцкийларнинг эстрада йўналишидаги ижролари халқнинг севимли кўшиқларига айланганди. Кейинчалик бу рўйхатни «Ялла» гуруҳи, Мансур Тошматов, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Нуриддин Ҳайдаров, Козим Қажумов, Кумуш Раззоқова, Мухриддин Холиқов, Ғиёс Бойтоев, Гулбахор Сулаймоновалар давом эттирди.

1983 йил Ялта шаҳрида «Крымские зори» тантаналари доирасида бўлиб ўтган «Энг яхши кўшиқ ижрочиси» III Буту-

<sup>152</sup> Ҳусанов О. Куйла давр қизи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №3. – Б.13.

<sup>153</sup> Ботирова Ҳ. «Ялла»нинг янги парвози // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №10. – Б.22 – 23.

<sup>154</sup> Юсупов Л. Ўзбекистонда жаз мусиқаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №1 – Б.10 – 11.



ниттифоқ конкурсида Тошкентдан М.Асалхўжаева, Н.Нурмухаммедова, Н.Мушеевлар ҳамда Хоразмнинг «Сабо» ансамбли муваффақиятли иштирок этди<sup>155</sup>. 1987 йил Москвада ўтказилган VIII Бутуниттифоқ эстрада артистлари танловида эса Р.Султонова ва Г.Мансурхўжаева III ўринга лойиқ топилди<sup>156</sup>. Демак, ўтган асрнинг 80-йилларига келиб ўзбек эстрада кўшиқчилиги санъати мустақил йўналиш сифатида шаклланди ва ўзбек анъанавий ижрочилик санъатининг янги босқичи бўлган лирик кўшиқчилик санъати (Ф.Умаров, Б.Ҳамдамов, Т.Қодиров, К.Раҳимов, Ғ.Ёқубов, О.Отажонов, Ш.Жўраев, О.Ҳайитова, Ҳ.Ҳамидов) билан рақобатлаша бошлади. Бироқ лирик кўшиқчилик илдизи ниҳоят чуқур бўлиб, у эстрада йўналишига осонгина ўз ўрнини бўшатиб бермас эди.

Республикада бадий ҳаваскорлик жамоалари ва яккахон ижрочилар учун «Ўзбекистон куйлагай» радио танлови, «Марҳабо талантлар» теле-фестиваллари мунтазам ўтказиб борилди<sup>157</sup>. Бу танловлар кўпгина янги кўшиқлар ва янги иқтидорларни дунёга келтирди. Жумладан, 1972 йилги «Марҳабо талантлар» телефестивали ғолиби С.Раҳмонова<sup>158</sup>, «Дуторчи қизлар» ансамблининг ёш яккахон хонандаси З.Суюнова<sup>159</sup> кабилар мумтоз ижрода танилган бўлса, эстрада йўналишида Н.Абдуллаева<sup>160</sup>, К.Қаюмов<sup>161</sup>, «Камолот-89» танлови ғолиби О.Мадалиев<sup>162</sup>, Ю.Усмонова каби ёш умидли хонандалар етишиб чиқди.

<sup>155</sup> УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 5980. Материалы о проведении III Всесоюзного конкурса на лучшее исполнение песен стран социалистического содружества в г.р. Ялте. – С.16.

<sup>156</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6457. – Б.18.

<sup>157</sup> УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 6143. Материалы о проведении III Всесоюзного фестиваля искусств «Ташкентская золотая осень». – С.7.

<sup>158</sup> Мақсуд Т. Санобар Раҳмонова // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №11. – Б.21.

<sup>159</sup> Ҳушев И. Ёниқ кўшиқлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №9. – Б.21.

<sup>160</sup> Сокин Ш. Кўшиқ соҳилларида // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №1. – Б.22 – 23.

<sup>161</sup> Ҳошимхонова Ф. Эътироф // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №11. – Б.7.

<sup>162</sup> Кўшиқчилик юксак санъат // Санъат. 1991. №5. – Б.18.

## КИНО ВА КИНО МУСИҚАСИ

Ўзбек миллий кино санъати ва кино мусиқаси ҳам айнан ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган эди. Ўзбек кино санъати га тамал тошини қўйган киши Худойберган Девонвдир. Зеро, унинг 1913 йил суратга олинган «Ўрта Осиё архитектура бойликлари», 1916 йилги «Туркистон кўринишлари» каби асарлари орқали ўзбек миллий кино санъати дунёга келган эди<sup>163</sup>. Советлар томонидан 1924 йилда яратилган «Мусулмон аёл», «Ажал минораси» каби илк ўзбек кинолари халқ томонидан яхши кутиб олинмади. Боиси, асарлар тўлиқ европалик актёрлар томонидан ижро этилиб, унда миллий маданиятни тушунмаслик, ҳатто уни таҳқир этувчи ҳолатларга йўл қўйилганди. Шундан сўнг бу масала матбуотга кўчди ва «Ер юзи» журнали асосий минбарга айланди. Анқабой «Кино» номли мақоласида кинонинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ўқувчиларга кенг маълумот беради<sup>164</sup>. Баҳром Ҳайдарий 1916 йил қўзғолони воқеаларини акс эттирган «Масжид гумбазлари остидан» кино картинасини таҳлил этиб, унда ўзбеклар турмушини ёритишда йўл қўйилган камчиликларга тўхталади.

Шўро мафқураси талаби асосида суратга олинган аксар картиналарда ўзбекларнинг маиший ҳаёти танқид этилганди. Бунда асосий эътибор «босмачилик», «диний хурофот» ва анъанавий турмуш мавзуларига қаратилиб<sup>165</sup>, актёрларнинг миллат ҳаётидан беҳабарлиги кўп ҳолларда халқнинг норозилигига сабаб бўлаётган эди. «Чачвон» картинасида ўзбек қизининг ўз уйидан қочиб кетиб, мактабга бориши воқеалари суратга олинган. Унда айрим кадрларнинг мозор жойларда олингани янги ҳаётни халқнинг минг йиллик маданиятига қарши қўйиш сифатида баҳоланади<sup>166</sup>. Шу ўринда журналист Наимнинг фикрлари

<sup>163</sup> Шокиров Ў, Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намоянадалари. – Тошкент: А.Қодирий, 2001. – Б.61.

<sup>164</sup> Анқабой. Кино // Ер юзи. №24. 1927. – Б.10 – 11.

<sup>165</sup> «М.С.» Икки дунё («Иккинчи хотин» фильмига) // Ер юзи. 1926. №16. – Б.15 – 16.

<sup>166</sup> «Чачвон» (Кино ҳақида ўйлар) // Ер юзи. 1927. №28 – 29. – Б.12 – 13.

диққатга сазовордир, у: «... соф оврўпа ҳаётидан олинган асарларда балки мен камчиликларини кўра олмасдирман. Аммо, ўзбек киносини фақат ўзбек турмушини билган, уни англаган инсонларгина ярата олади, – дейди. – «Қонлиқ истироҳат» номли картинада барча ролларни ўзбеклар ўйнаган ва бу томошабинда катта таассурот қолдирди. Демакки, ўзбеклар турмушининг айнан кўрсатилиши, ўзбек кино артистларини сўрайдир»<sup>167</sup>. Шунингдек, Якубий ўз мақоласида ўзбек кино санъати устаси Худойберган Девон ўғли фаолияти ҳақида кенг қамровли маълумотларни тақдим этади ва туғилиб келаётган ўзбек киноси учун унинг тажриба ва ғайратидан фойдаланишга чақиради<sup>168</sup>.

1927 йилда суратга олинган «Равот қашқирлари» фильми илиқ кутиб олинди. Фильмда С.Хўжаев ҳам маслаҳатчи, ҳам актёр бўлиб қатнашди<sup>169</sup>. Унинг муваффақиятига сабаб бўлган яна бир омил сифатида фильмга кўплаб фольклор намуналари ва 6 та халқ кўшиғи («Қари наво», «Собиржон», «Илғор», «Насруллоий», «Заркокил», «Дилрабо») оҳанглари-



Москва кино студиясида ўқиган ўзбек йигитлари.

<sup>167</sup> Наим. Киностудияда ўзбек ўқувчилар (Самарқанд) // Ер юзи. 1926. №11. – Б.11 – 12.

<sup>168</sup> Якубий А. Ўзбек фотографчиси // Ер юзи. 1926. №11. – Б.13 – 14.

<sup>169</sup> Қаримов Н. Ўзбек киносининг қалдирғочи // Нафосат. 1992. №1. – Б.24 – 26.

дан фойдаланган ҳолда В.Успенский томонидан басталаган мусиқани айтиш мумкин<sup>170</sup>.

## ҲАВАСКОРЛИК

Ўтган асрнинг 20-йилларида баландпарвоз шиорлар остида дастлабки ўзбек мусиқа ҳаваскорлиги жамоалари ташкил этила бошланганди. Улар халқнинг уста санъаткорлари эвазига бир оз вақт юқори марраларни ҳам қўлга киритди. Бироқ, бир икки авлоднинг алмашиши билан, ҳаваскор жамоалар аввалги мавқеини қўлдан чиқарди. Уларнинг халқ куйларига солиб айтиладиган «Фабрика яллasi», «Октябрь тонги», «Ҳой, ишчилар» каби «асар»лари халқ томонидан қабул қилинмади. Шу тариқа совет мусиқа маданияти аввалбошданок саводсизлик ва энгил-елпилик устида қад кўтарган эди<sup>171</sup>.

1950-1960 йилларга келиб, совет ҳукумати ҳаваскорликни ривожлантиришга яна катта куч ташлади. Тошкент давлат Медицина институти қошида академик Ю.Ражабий раҳбарлигида, Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги Маданият саройида И.Оқилов, М.Турғунбоева, М.Мирзаевлар раҳбарлигида мусиқа ҳаваскорлик жамоалари ташкил этилди. 1961 йилдан мусиқа ҳаваскорлиги тўгаракларига халқ ансамбли унвони берила бошлади. Шунингдек, халққа яқин анъаналарга ҳурмат ва уларнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида оилавий дасталар, бахши шоирлар, ланарчилар, халфалар, масхарабоз-аскиячилардан оилавий ҳаваскорлик ижод дасталари ташкил этишга эътибор қаратилди. Шундай оилавий ҳаваскорлик жамоаларидан Фарғона вилоятида – Ғойиб-ота Тўйчиевлар, Бувайда туманида Шерқўзиёевлар, Наманганда – Маллабоевлар, Бухорода – Пинхасовлар, Ғиждувонда – Фаттоҳовлар, Урганчда – Бола бахши Абдуллаевлар, Сурхондарёда

<sup>170</sup> История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Гулям, 1972. Т.I. – С.61.

<sup>171</sup> Султонова Р. Мусиқа сарчашмаларида // Санъат. 1991. №6. – Б.9.

- чанқовузчи Абрайқуловлар оилавий дасталари иш олиб бордилар<sup>172</sup>. Улар орасида, айниқса, «Аваз», «Достон» фольклор этнографик гуруҳларининг фаолияти муваффақиятли бўлди. 1980 йилларнинг бошига келиб Бойсуннинг «Шалола», Бухоронинг «Лола», Тошкентнинг «Баёт», Шаҳрисабзнинг «Шодийёна»<sup>173</sup> жамоалари ҳам катта шуҳрат қозонди. Аммо бошқа кўплаб халқ ҳаваскорлик жамоалари амалда ўз фаолиятини тўхтатиб, фақат қоғоздагина мавжуд бўлиб қолган эди.

1982 йил Ўзбекистон ССР маданият министрлиги томонидан мавжуд ҳаваскорлик жамоалари аттестациядан ўтказилди<sup>174</sup>. Аттестациянинг асосий шартлари сифатида жамоалар репертуарининг бадий-ғоявий даражаси, ижро маҳорати ва аъзолар таркибининг талаб даражасида эканлиги каби ҳолатларга урғу берилди. Жамоаларда эса малакали раҳбарлар, айниқса, рақс балетмейстери ва режиссёрлари, мусиқа созлари, сахна кийимлари, овоз кучайтириш ва ёритиш асбоблари, транспорт воситалари етишмасди<sup>175</sup>.

1988 йилга келиб Республикада мавжуд 2686 та клубнинг 713 таси қишлоқ ҳудудларида эди<sup>176</sup>. Уларнинг 20 фоизи таъмирга мухтож, 66 фоизи вайрона ҳолда бўлса, 13 фоизида умуман томоша заллари йўқ эди. Муаммонинг асл сабаби эса бу ҳаваскорлик жамоалари репертуарларининг халқдан, унинг орзу умидлари ва қувончларидан узоқ эканлигида бўлиб, улар давлат мафқураси қуролига айланиб қолганди. Шу боис ҳам аҳвол ўнганмади. Телевидениенинг оммалашуви, видео ва магнитофонларнинг пайдо бўлиши одамларни клублардан узоқлаштирди. Бир пайтлар янги-янги талантлар билан тўлиб тошган ҳаваскорлик тўғараклари эндиликда одамсиз қолаётган, борларида ҳам қариялар қолганди.

<sup>172</sup> Иноятов М.Ж. Ўзбек оилавий ансамбллари фаолиятида халқ ижодиёт анъаналаридан фойдаланишнинг маданий-тарбиявий асослари: Пед. фан. номз.... дисс. - Тошкент, 2005. - Б.151.

<sup>173</sup> Шодлик гулдастаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №9. - Б.9.

<sup>174</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6438. - Б.64 - 65.

<sup>175</sup> Сотиболдиева М. Силжиш бўладими? // Санъат. 1990. №5. - Б.8 - 9.

<sup>176</sup> Аҳмад М. Маданият кошонаси // Нафосат. 1992. №1. - Б.11.

## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ

Дарҳақиқат, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялашда мусиқа ва мусиқий тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, қадимдан шеърят, рақс, куйга инсон руҳиятига таъсир этувчи буюк восита деб қаралган.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб Ўзбекистон мусиқий таълим тизимида 200 дан ортиқ мусиқага ихтисослашган 7 йиллик мактаб, 2 та 11 йиллик махсус мусиқа мактаби, 20 та мусиқа билим юртлари фаолият олиб борди<sup>177</sup>. Бироқ уларда ҳам олий маълумотли мутахассис кадрлар етишмас, борларининг эса ёши улғайиб қолган эди. Шунингдек, мусиқа таълимида минтақанинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинмади ва бу ҳолат халқ томонидан мусиқа дарсларига нисбатан эътиборнинг пайсишига олиб келди. Бундай ҳолат юзага келишининг кўплаб сабабларидан яна бири аҳолининг асосий қисми ўзбеклар бўлишига қарамай мусиқий таълим педагоглари орасида ўзбекларнинг жуда камлиги эди. Қолаверса, маҳаллий ёшлар ўртасида миллий чолғу созлари йўналишларига қизиқиш юқори бўлгани ҳолда таълимда европа созлари етакчилик қилар эди. Бу ҳолат табиий равишда мактабларнинг таълим савиясига кескин таъсир этди. Мусиқа маданияти ривожланган минтақа бўлмиш Урганчдаги мусиқа билим юртида пианино ижрочиси йўналишига 1981 йилда 10 ўринга 6 нафар талабгор топширгани ва уларнинг ҳам билим даражаси ўта паст эканлиги, имтиҳонларнинг ҳам номигагина ўтказилганлиги мактабларда юзага келган ачинарли аҳволдан дарак эди<sup>178</sup>.

Шу ўринда республикада мавжуд мусиқа билим юртларидаги аҳволни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 1980 йиллардан бошлаб ўрта махсус таълимдаги таназзул жараёни кучайиб борди. Бунинг олдини олиш мақсадида мусиқа билим юрт-

<sup>177</sup> Туйғун Б., Умарова Ф. Шахснинг мусиқий маданияти // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №5. – Б.23.

<sup>178</sup> Зокиров С. Мактаблар талаб даражасидами? // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №8. – Б.8 – 9.

ларида янги йўналишлар очилиб, санъат билим юртларига айлантирилди. Аммо бу йўл билан муаммонинг олдини олиб бўлмади, аксинча, йил сайин ҳужжат топширувчилар сони камайиб борди. Ўқитувчиси бор йўналишларга талабгор йўқ, талабгори кўп бўлган миллий чолғу созлари йўналишларида эса деярли барча илм масканларида ўқитувчилар етишмас эди.

Ҳолатни айрим билим юртларининг фаолияти мисолида ўрганишга ҳаракат қиламиз. Мусиқа билим юртлари орасида энг нуфузли даргоҳлардан бўлган Наманган давлат мусиқа билим юртини оладиган бўлсак, у 1980 йилдан санъат билим юрти деб номланган ва ўқув масканида мусиқа мутахассислигидан ташқари «Бадий безакчи» ва «Халқ рақс ансамбллари артисти» йўналишлари очилган<sup>179</sup>. Ўқув даргоҳида 1982-1983 ўқув йили давомида ўнта йўналишда таълим олиб борилган. Ўқув йили бошида 528 ўқувчиси бўлгани ҳолда ўқув йили охирида 399 нафар ўқувчи қолган. Бундай ҳолат эса мусиқа билим юртларининг деярли ҳаммасига тегишли бўлиб, ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслиги, кўчиб кетиши ва бошқа турли сабаблар туфайли юз берар эди (Аммо контингентдаги бундай катта ўзгариш бошқа таълим даргоҳларида учрамайди). Педагогик жамоанинг 89 нафари аёл мураббийлар бўлиб, уларнинг 20 нафаригина маҳаллий миллатларга мансуб эди<sup>180</sup>.

1921 йилда очилган Бухоро мусиқа мактабини кўрадиган бўлсак, у 1951 йилдан мусиқа билим юртига айлантирилган ва унга 1976 йилда М.Ашрафий номи берилганди. 1982/83 ўқув йилидан эса санъат билим юртига айлантирилди. Билим юртида ўқув йилида 90 та ўқитувчига талаб бўлгани ҳолда 59 нафар ўқитувчи мавжуд эди<sup>181</sup>.

1924 йил ташкил этилган Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртини 1982/83 ўқув йилида 56 нафар

<sup>179</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6051. – Б.5.

<sup>180</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6051. – Б.14.

<sup>181</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6048. – Б.3.

битирувчи якунлади<sup>182</sup>. 286 нафар ўқитувчи ишлаган билим юртида шу йил 176 нафар ўқувчи фортепиано йўналишида таълим олгани ҳолда ўзбек халқ чолғу созлари йўналишида бор-йўғи 81 нафар ўқувчи бор эди. Ўқувчиларнинг умумий миллий таркибида ҳам ўзбеклар бор-йўғи 30 фоиздан юқорироқни ташкил этарди<sup>183</sup>.

Умуман, хулоса қилиш мумкинки, 1980 йилларнинг бошларида республика мусиқа билим юртларида ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам асосий қисми европа миллатлари вакилларидан иборат бўлиб, кейинги йилларда бу билим юртига ҳужжат топшираётган маҳаллий миллат фарзандларининг кўпайиб бориши асносида муаммолар ортиб борди. Чунки улар асосан миллий чолғу созлари йўналишларига ҳужжат топширишар, билим юртларида эса миллий созлар ҳам, улардан дарс берувчи муаллимлар ҳам етишмас эди.

Шўро тарихида «Қайта қуриш» йиллари деб аталадиган 1985 йилдан кейинги даврда ижтимоий ҳаётда кескин таназзул даври бошланиб кетди. Бу эса жамиятнинг маданий ҳаётида ҳам изсиз кетмади. Айниқса, ижодий зиёлиларнинг ҳаёт тарзи ва меҳнат шароитлари кескин оғирлашиб борди. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Бухоро давлат мусиқа билим юртида 1986/87 ўқув йилида янги «Қўғирчоқ театри актёри» йўналиши ташкил этилиб, йўналишлар сони ўнтага етди<sup>184</sup>. Бу ўқув йилида талабгорлар йўқлиги сабабли «Фортепиано», «Хор дирижёри», «Бадий безакчи» йўналишларига умуман қабул бўлмади. Халқ чолғу созлари йўналишига қизиқувчилар сони кескин ортиб кетди<sup>185</sup>. Янги йўналишларнинг очилиши ҳам фавқулодда тадбир бўлиб, на ўқитувчи, на зарурий адабиётлар бўлмаган бир шароит эди. Ҳатто айрим санъат билим юртларида «Рақс йўналиши» бўлимлари очил-

<sup>182</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6060. – Б.4.

<sup>183</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6060. – Б.24.

<sup>184</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6644. – Б.3.

<sup>185</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6644. – Б.11.



гани ҳолда уларда на станоклар, на махсус ойнали рақс зал, на мутахассис ўқитувчилар ва на овоз ускуналари бўлмаган.

Муסיқа соҳасида етук матахассисларни етиштиришда кўрик танловларнинг ўрни, аниқса, каттадир. Шу мақсадда мактаб, ўрта махсус ва олий таълимда маълум ёш билан чега-раланган кўплаб кўрик танловлар ташкил этилган. Шундай танловлардан бири 1971 йилда асос солинган «Санъат йўналишидаги ўрта махсус билим юртлари ёш созанда ва ижрочиларнинг Республика кўрик танлови»дир. Танлов ҳар икки йилда ўтказилиб, 1984 йилнинг апрелида 8-маротаба ташкил этилди. Конкурсада 17 та ўрта махсус билим юртидан 172 та иштирокчи қатнашди. Иштирокчиларнинг 68 нафари Тошкентдан ва 47 нафари Фарғона водийси вилоятларидан эканлиги, аниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан бор йўғи 5 нафар ижрочи қатнашгани<sup>186</sup> республиканинг турли ҳудудларида ўқувчилар бирдай муסיқий тайёргарликка эга эмаслигини кўрсатади. Марказ ва минтақалардаги бундай фарқ эса йил сайин катталашиб борди. Шунингдек, танловларда яна шу нарса кўзга ташланардики, халқ чолғу созларига қизиқувчилар сони йилдан-йилга ортиб, альт, виолончель, контрабас йўналишларида иштирокчилар сони қисқариб борарди. Зеро, вилоятларда симфоник ва камер оркестрлар бўлмаганлиги сабабли уларни иш билан таъминлашнинг ҳам иложи йўқ эди<sup>187</sup>.

Яна бир йирик тадбир 30 ёшгача бўлган «Ёш ўзбек халқ чолғу созлари ва баян ижрочиларининг Республика конкурси» эди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу танловнинг савияси ҳам йилдан-йилга пасайиб борди. Масалан, Ўзбек халқ чолғу созлари ва баян ижрочиларининг I Республика танлови 1971 йил ўтказилганида 101 иштирокчи қатнашган бўлса, 1974 йилги иккинчи танловга 96 иштирокчи, 1980 йил февралдаги учунчи танловга 90 иштирокчи келган. 1984 йил февралда ўтказилган тўртинчи танловга 87 иштирокчи таш-

<sup>186</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6145. – Б.44.

<sup>187</sup> ЎЗР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6728. – Б.72.

риф буюриб, уларнинг ҳам 12 нафари қуръага келмаган<sup>188</sup>. Танлов бешинчи марта 1988 йилда ўтказилганида 57 нафар ёш созанда иштирок этган бўлса, уларнинг 38 нафари Тошкент давлат Консерваторияси талабалари, 7 нафари Р.Глиэр ўқувчилари эди, кўпгина вилоятлардан талабгорлар умуман келмади. Ҳатто бу гал, танлов тарихида биринчи бор, бирор-бир иштирокчи фахрли I даражага лойиқ топилмади<sup>189</sup>.

1989 йил пианиночиларнинг VIII Республика танлови ва торли соз ижрочиларининг VI Республика танлови ўтказилди. Бу танловлар ҳам, кенг тарғиб этилганига қарамасдан, аввалгиларига қараганда анча кам – 40 га яқин талабгор ўртасида ўтказилди. Альт сози ижроси бўйича эса бирор иштирокчи III босқичга етиб бормади<sup>190</sup>.

## ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ НАМОЯНДАЛАРИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ЖАРАЁНИДА

Собиқ советлар давлати даврида ҳам, маълум мафкуравий таййиқларга қарамай, ўзбек мусиқа маданияти намояндалари ўз иқтидорлари билан Ўзбекистон номини дунёга таратиб улгурган эдилар. 1925 йил Париждаги халқаро мусиқа фестивалида ўзбек миллий мусиқа санъати европалик мусиқа ихлосмандлари томонидан қизғин қарши олинганди. Европа аҳли Муҳиддин қори Ёқубов ва ёш Тамарахонимлар қиёфасида намоён бўлган ўзбек мусиқа ва рақс санъати мухлисига айланди ва энг нуфузли Париж газеталари саҳифаларида ҳам санъатимиз ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилганди. Жумладан, «Ер юзи» журналида қуйидаги хабар чоп этилди:

«Ўзбек халқ ашулачиси Муҳиддин қори Ёқуб ўғли Париж театрларида ўзбекнинг нажот истаган, юракларидан чиқар-

---

<sup>188</sup> Неъматов Р., Исломов Қ. Созлар соз бўлсин // Совет Ўзбекистони санъати. 1984. №4. – Б.6 – 8.

<sup>189</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6725. – Б.38.

<sup>190</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6810. – Б.18.



Биринчи туркология курултойида ўзбек санъаткорлари. Боку. 1926 йил.

ган қадимги, оҳангдор наволари билан бирга ҳозирги тирик куйларини ўзбекка махсус хусусият билан ғарблилар олдида ижро этди. Қори Ёқубнинг рафиқаси Тамарахонум ўзбек қизининг ўйноқилағон онларини (моментларини) бундан кўпрак ғамгин, ҳасратлик кунларини маънодор рақслар билан гавдалантирди. Муҳиддин Қори ва Тамарахонимларнинг қишлоқ йигитлари билан қизларининг лапар айтишиб, ўйнашиб юрганларини кўрсатишлари ҳар куни янги бир завқ истаган Парижликларда бошқача шавқ уйғотди. Қишлоқларимиздаги ишқнинг қанчалик табиий ва чиройлик экани уларга ёқди. Ашулачиларимиз олқишлар орасида саҳнада қайта-қайта кўрилмакка мажбур бўлдилар.

Ашулачиларимиз қайтарда Германиянинг пойтахти Берлинга тўхтади, у ердаги маориф ваколатхонамиз ва ўқувчиларимиз тантаналик кеча ясадилар. Бунда бир қанча муваффақиятлик чиқишларда бўлганлар. Муҳиддин Қори сўнгра Берлиннинг юқори ашула ва мусиқа мактабида (Филармониясида) яна каттароқ муваффақиятларга эришди.

Филармониядаги чиқиш, албатта, аввалгиларига қараганда катта эди. Чунки аввалгисида, яъни Ўзбекистоннинг бир йиллик байрами кечасида юзлаб халқ олдида бўлса, буниси



Муҳиддин қори  
Ёқубов

минглаб киши қаршисида эди. Кунчи-қишнинг қўпол халқидан ҳам бир нарсачиқармикин... деб ўлтирган минглаб халқ ўзбек оҳанглари эшитгач ихтиёрсиз қиймат беришга, узоқ олқишламоққа мажбур бўлди.

Албатта, бу биринчи маротаба бўлса керак, ўзбек қўшиғи ва ўйинлари Ғарбий Оврўпа халқи олдида ижро этилди. Биринчи маротабадан оқ кутилган даражадан ортиқроқ муваффақият қозонди.

Берлин ашулашунослари Муҳиддин қорини ҳузурларида имтиҳон қилиб кўрдилар. Муҳиддин Қори ўзининг Оврўпода ўқиш тилаги борлигини билдирганда улар бунга маслаҳат бермадилар.

Муҳиддин қори ҳозир Фарғонада ўзбекнинг йўқолиш олдида турган эски ашула ва куйларини тўпламоқдадир. Ашулаларнинг худди табиий куйини сақламоқлик учун яқинда Берлидан келтирилган фонограф ускунаси билан иш кўрса керак. Муҳиддин қорида ўзбек йигитлари ва қизларидан иборат бир этнография труппасини тузиш фикри бор. Бу труппа тузилса, ташкилий суръатда иш кўрмак мумкин бўлғусидир».<sup>191</sup>

1935 йилда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган жаҳон халқлари мусиқа ва рақс фестивалида Уста Олим Комилов ва Тамарахонимларнинг маҳорати олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, 1958 йилда тенгсиз овоз соҳиби, бастакор К.Отаниёзов раҳбарлигида «Хоразм ашула ва рақс чолғу ансамбли» ташкил этилди. Жамоа ўзбек мусиқа санъатини бутун оламга ёйди. Ҳиндистон, Афғонистон, Бирма каби кўплаб давлатлардаги санъат ихлосмандлари К.Отаниёзов ижро этган ашулалар боис ўзбек санъатининг муҳлисига айланган эди. Ансамблнинг бадиий раҳбари, балетмейстер Гавҳар Ра-

<sup>191</sup> Парижда ўзбек санъати (М.Қори Ёқуб, Тамарахоним) // Ер юзи. 1926. №6. - Б.10.

ҳимова етакчилигидаги жамоа 1975 йил Тунисда бўлган этнографик ансамблларнинг VIII Халқаро Карфаген фестивалида олтин медални қўлга киритди. Бу даврда М.Ойнакулова ҳамда Олмагул ва Урбигул Суярбоевалар Хоразм булбулига айланганди. 1980 йилларда «Лазги» ансамбли машҳур хонанда О.Отажонов раҳбарлигида доврўф қозонди<sup>192</sup> (Ансамблнинг барча муваффақиятлари илдизи унинг миллийлигида ва Хоразм санъатига содиқлигида эди). Ўзбекистоннинг фахрига айланган яна бир жамоа – «Баҳор» ансамбли ҳам бу даврда чет элларда ўзбек рақс санъатининг ёрқин тимсолига айланди. 80-йилларда ансамбль дунёнинг 20 давлатида 25 маротаба гастролда бўлган.



Тамарахоним

1985 йил 20-31 март кунлари Ўзбекистон санъаткорлари иштирокида Швецарияда «СССР маданияти кунлари» ўтказилди. Бу тадбир ҳақиқий халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетди. Унда «Шодлик» ансамбли 9 марта концерт берди. Ўзбек санъати намойишларида 10 мингдан ортиқ томошабинлар иштирок этди. Бу концертлар Швецариянинг деярли барча теледастурларида намойиш этилди. «Аргус», «Жорнол дель Понолле», «Тичинезе» каби нуфузли газеталар ўзбек санъаткорларининг ижоди хусусида йирик мақолалар берди. Шунингдек, 1985 йил апрел ойида Марокашда ўтказилган «Ўзбекистон кунлари»да ҳам «Лазги» ансамблининг концертлари Марокаш халқи томонида юксак эътироф этилди. Маҳаллий матбуотда уларнинг санъатига бағишланган кўплаб материаллар чоп этилди.

Илк ўзбек эстрада жамоаларидан бўлган «Ялла» ҳам қўшиқларининг жозибадорлиги, оранжировкаларининг ўзига

<sup>192</sup> УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубова и РГКО «Узбекконцерт». Л.76. – С.20 – 21.

хослиги билан кенг шуҳрат қозонганди. Ботир Зокировнинг эстрада йўналишидаги, миллий, шарқона оҳанглар асосидаги ижоди нафақат ўзбек, балки Шарқ давлатлари эстрада санъати ривожига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилган эди. Бу борада, жумладан, хонанданинг араб эстрада юлдузи Умм Кулсум билан ижодий ҳамкорлигини мисол қилиб келтириш мумкин. «Ялла» 1982 йили ёшларнинг IX жаҳон фестивалида I ўринни эгаллаб, бутун дунёга танилди. 1984 йилда эса Литва, Латвия, Эстония, Россия ва Македонияларда гостролда бўлди. Шунингдек, ўша йили «Садо» ансамбли Афғонистон, Бангладеш ва Белоруссияда, «Наво» Афғонистон ва Туркменистонда, «Шодлик» ансамбли Голландия ва Тожикистонда, «Лазги» ансамбли Иордания, Янги Зеландия ва Австралияда муваффақиятли концертлар уюштирган эдилар<sup>193</sup>. Ўзбек эстрадасининг дастлабки вакилларидадан бўлган Н.Нурмухаммедова эса «Дрезден – 84» Халқаро эстрада кўшиқлари танловида биринчи ўринни олди.<sup>194</sup> Хуллас, юқоридаги бир неча мисоллардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, ўзбек мусиқий маданияти, у ҳоҳ миллий мусиқий мерос бўлсин, ҳоҳ эстрада йўналишларида бўлсин, ҳар доим жаҳон халқлари томонидан юқори баҳоланган.

---

<sup>193</sup> ЎзР МДА. Фонд Р-2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6139. – Б.17 – 19.

<sup>194</sup> Умарова Г. Халқ эътирофи менинг бахтим // Совет Ўзбекистони санъати. 1984. №12. – Б.18 – 19.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон ҳудуди инсониятнинг энг қадимий тамаддун бешикларидан биридир. Археология фанининг шоҳидлик бе-ришича, бу бир неча минг йиллар билан белгиланади. Антик давр тарихчиси Помпей Трог айтганидек, «...қадимийлик-да мисрликлар билан беллаша олади»ган халқнинг мусиқа санъати тарихи ҳам худди шундай кўҳна ҳисобланади. Мил-лий мусиқа ва миллий рақслар халқнинг қадим тарихидан шоҳидлик беради. Табиатан зукко ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқий мероси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Дарҳақиқат, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, устоз-шогирдлик анъаналари йўли билан ривожланиб кел-ган ўзбек халқи мусиқий мероси қатламлари меҳнат ва ма-росим куй-кўшиқларидан тортиб мураккаб дoston, ашула, катта ашула, мақом йўлларигача даврма-давр сараланиб бор-ган. Шу туфайли ҳозирги давргача етиб келган деярли бар-ча миллий мусиқий асарлар, катта-кичиклигига қарамасдан, шаклан, мазмунан ва бадиий жиҳатдан мукамаллиги билан ажралиб туради. Аммо узоқ тарихий давр мобайнида аждод-лар томонидан яратилган бу беназир мусиқий қадриятлар минтақада Россия империяси мустамлакачилик тузуми ўрна-тилган даврда, айниқса, мустабид советлар ҳукмронлиги ша-роитида бирмунча зиддиятли ҳолатларни бошидан кечирди.

Совет давлатининг маданият соҳасидаги сиёсатини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

**Биринчи босқич** XX асрнинг 20–30 йилларини ўз ичига олиб, «социалистик миллий маданият» яратиш шиори остида кенг кўламда амалга оширилди. Унда миллий зиёлиларнинг та-шаббуси, фидокорона меҳнатлари ва маҳаллий раҳбарларнинг жасоратлари эвазига қатор муваффақиятларга ҳам эришилди. Жумладан, юқорида кўриб чиққанамиздек, 1919 йил мартида маҳаллий халқ зиёлиларининг саъйи ҳаракати билан Туркис-тон Халқ Консерваториянинг эски шаҳар бўлими очилди, Са-

марқанд ва Фарғона, Бухорода шаҳарларида мусиқа мактаблари ташкил этилди. Айниқса, 1928 йил Самарқанд шаҳрида Мусиқа ва Хореография илмий текшириш институти очилиши ва унда Ўзбекистоннинг барча худудларидан энг билимдон санъат дарғалари тўпланиши ўта муҳим ҳодиса эди. Мазкур жараёнларнинг самарси ўлароқ М.Ашрафий, М.Бурҳонов, Д.Зокиров каби қатор ёш иқтидорли ўзбек композиторлари етишиб чиқди. Шунингдек, 1923 йил Файзулла Хўжаев ва Фитратларнинг ташаббуси билан «Шашмақом» илк бор В.А.Успенский томонидан нотага олинди ва 1924 йил Москвада нашр этилди. 1934 йилда эса Хоразм мақомлари ҳам Е.Е.Романовская томонидан Европа нотасига олинди, 1939 йилда нашр этирилди.

Бу даврда ўзбек театр санъати ҳам ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ўзбек зиёлиларининг заҳматли меҳнатлари эвазига тарихан қисқа давр мобайнида катта муваффақиятларга эришди. 1929 йилнинг октябрида Давлат этнографик мусиқа труппаси базасида биринчи Ўзбек давлат мусиқали театри ҳамда илк миллий опералар дунё юзини кўрди.

Шўролар ўз фаолиятининг дастлабки даврида миллий маданиятни ривожлантириш ҳақида гапирсада аслида асосий эътиборни ўз кадрлар заҳирасини шакллантириб, миллий оҳанглар асосида яратилган мусиқий асарлар орқали совет мафкурасини халқнинг онгига муҳрлаш мақсадини кўзда тутган эди. Шу боис миллий маданиятни тараққий эттириш ҳаракатини қўллаб-қувватлаган Ф.Хўжаев, А.Икромов каби ҳукумат раҳбарлари, Фитрат, Чўлпон, Гулом Зафарий каби кўплаб соҳа фидойилари сталинча қатағонларнинг авж олдирилиши натижасида маҳв этилди. Муҳиддин қори Ёқубов каби зиёлилар таъқибга олинди. Натижада соҳа ривожланишдан тўхтаб, мусиқий маданият тараққиёти маълум жойда депсиниб қолди.

**Иккинчи босқич** XX асрнинг 30-йиллари охиридан 80-йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур даврда советлар давлатида маъмурий-буйруқбозлик тизими тўлиқ қарор топди ва маданий ривожланишда «секинлаштириш» пози-



цияси мустаҳкам ўрин эгаллади. Шўролар саводсизликка қарши кураш баҳонаси билан ўзбек халқининг қадим тарихига, унинг миллий қадриятларига нисбатан аёвсиз кураш бошлади. Араб ёзувидан воз кечилиб, аввалига лотин алифбоси, сўнгра кирилл алифболарига ўтилиши ҳам авлодларнинг ажодлар билан, тарихнинг келажак билан ўзаро таъсирланиш алоқалари узилиб, асл саводсизликка сабаб бўлди. Тарихнинг теран илдизларига зарба берилди. Бундан мусиқий маданият, айниқса, катта зиён кўрди. Халқнинг асосий қисми бўлган ёшлар учун юқори илм ва тафаккур талаб этувчи мақом санъатини англаш оғирлашиб борди. Натижада азалий устоз-шогирд анъаналари асосида шаклланган беназир мақом мактаблари тиклаб бўлмас даражада инқирозга юз тутди.

1950 йиллардаги сталинча қатағонларнинг сўнгги тўлқини ҳам изсиз кетмади. Халқ чолғу ансамблларида танбур, сато, дутор каби миллий созлар олиб ташланди. Ҳатто сталинизм «фош» этилгандан кейин ҳам, шўро ҳокимиятининг сўнгги кунларигача, қатағон этилган миллий созлар ўз ўрнига қайтарилмади.

Шўролар санъатни қўлга олиш мақсадида санъаткорларни оммавий равишда тайёрлашни бош вазифа қилиб олди. Шарқда эса бундай тизим мавжуд бўлмай, созанда ва хонандалар индивидуал асосда тайёрланар ва бир нафар йирик санъаткорнинг шаклланиши учун 10-15 йил керак бўлар эди<sup>195</sup>. Шўролар эса европача таълим тизимини йўлга қўйди. Европацентризм ғоялари асосида ташкил этилган бундай нобоп мусиқий таълим тизими асосидаги мусиқа мактаблари ва мусиқа билим юртларида етишиб чиқаётган ўқувчилар эса талабга жавоб бермасди. Бунинг устига барча таълим даргоҳларининг миллий созлар бўлимида европалик композиторларнинг скрипка, альт, виолончелга мўлжалланган асарлари ўқув программасига киритилган эди.

<sup>195</sup> Акбаров И. Таҳсил ва анъана // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №5. – Б.8 – 9.

Шунингдек, бу даврда миллий мусиқий меросга нисбатан эскилик сарқити деган муносабат шакллантирилди ва унинг барча жанрлари тазйиққа олинди. На мактаб таълими, на ўрта махсус таълим ва на олий таълим дастурларида миллий мусиқий мерос ўз ўрнини топа олмади. Аксинча, миллий мусиқа созлари учун дарс соатлари умумий дарс юкламасининг атиги 5 фоизини ташкил этар, санъат мактабларида ўзбек миллий рақс санъати сирларини ўрганиш учун ҳафтада атиги 2 соат вақт ажратилган эди<sup>196</sup>.

Совет олий мусиқа мактабларида узоқ вақт давомида ўзбек халқи миллий мусиқа санъатининг ҳақиқий билимдонларига йўл берилмади. Консерватория ўзининг ярим асрдан ортиқ фаолияти давомида Т.Алиматовдек танбурчи, сато ижрочисини, Исмоил найчидек найчини, Домла Ҳалим ёки Маъмуржондек бирорта ижрочини етказиб бера олмади. Бунинг асл сабаби таълимнинг миллийликдан узоқ эканлигида эди.<sup>197</sup> Фақат 1972 йилга келибгина, Тошкент давлат Консерваториясида «Шарқ мусиқаси» кафедраси очилди.

Миллий мусиқий меросни ўрганишга жиддий эътибор берилмаганлиги боис таълим даргоҳлари миллий чолғу созлари бўйича етук созандалар етиштириб бера олмади<sup>198</sup>. Халқ чолғу созлари ижрочилигида ҳам қатор муаммолар бўлиб, булар педагогларнинг малакаларини ошириб бориш тизимининг йўлга қўйилмагани, илмий адабиётларнинг камлиги ва чолғу созларининг етишмаслиги ҳолатларида намоён бўларди<sup>199</sup>. Ўтказилган илмий экспедициялар натижалари тор доирада ўрганилиб амалий жиҳатлари жорий этилмади. Натижада жиддий муаммоларнинг сони ортиб борди.

---

<sup>196</sup> Ижрочилик санъати юксалиши керак // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №8. – Б.2 – 4.

<sup>197</sup> Мерос ва замонавий мусиқа // Совет Ўзбекистони санъати. 1979. №8. – Б.8 – 10.

<sup>198</sup> Қосимов Р. Таъзимдамиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №5. – Б.22.

<sup>199</sup> ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6728. – Б.77.

1920 – 1930 ЙИЛЛАР  
ЎЗБЕК МАТБУОТИ  
САҲИФАЛАРИДАН

---

---

## САНОЙИ НАФИСАМИЗ ЎЛДИ

Кун чиқиш (Шарқ) дунёси санойи нафисада кўп нарсаларни берди. Туркистон эса бу ерда ҳам ўзининг Шарқнинг юраги эканини кўрсатди. Илло, ёрқин нақшлар – бу бизнинг Самарқанддаги буюк гўзал масжид бинолари ва миноралардадир. Ернинг энг маданий жойларидан ҳар йили қанча-қанча кишиларни ўзига чорлар. Бу ер байналмилал бир зиёрат ери бўлмишдир.

Бу гўзалликка талпинувчилар ернинг ҳар четидан бу ерга келиб, чексиз чиройлик маҳбубанинг қора чарос кўзларига тикилгандай тош қотиб, соатларча ўзларини унутиб, сўзлаб турган сўзларидан адашиб, бу биноларнинг ва минораларнинг нақшларига эсидан кетиб қараб қоладирлар.

Энг сўнг бу биноларнинг нақшлик ғиштларини кийим-асбобларининг ўрнига чамадонларига беркитиб олиб кетар эдилар. Ҳозирда Оврўпа ажойибхоналари (музей) бу иморатларнинг ғиштлари билан тўлган. Бизнинг чиройиликни тушунмайтирган «сўпи»ларимиз бу кишиларга кечалари ҳеч ким йўқ вақтида ғиштларни кўчириб олиб бориб, унинг ўрнига уларнинг бўяма гўзал нарсаларини, яъни пулларини олиб ҳамёнларини тўлатар эдилар.

Рассомликда Туркистон ўзининг буюк истеъдодини кўрсатди. Жонлик нарсаларнинг расмини солув ёмон деганларидан сўнг унинг ўрнида бўлган кучини ҳеч қаерга сиғдира олмай ҳар турли гўзал, ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган оғочлар, бошсиз жониворлар яратди (шундай бўлса қиёмат куни жон сўралмайдир).

Бу гилам, палак, чоршаб, қийиқ ва дўппилардаги гуллар, расмлар кўп вақт Оврўпанинг энг буюк рассомларини ҳайрат бармоқларини тишлатмакка мажбур этди.

Бу гўзал олақуроқ чопонлардаги қуёш нури каби ранглар кимларнинг кўзини роҳат билан аллаламайди? Шоирона ёқ-

дан Туркистонда етишган ул гўзал чечаклар тўғрисида мен энди кўп сўзламай.

Муסיқани олсоқ. Ҳозир Бухородан топилган асарларимиз бизда қандай муסיқашунослар ва муסיқий шоирлар (бастакорлар) етишган эканлигини кўрсатади. Баъзи бизда топилган муסיқий товушлар Оврўпада йўқ экан. Дугоҳ ҳозир энди Европада етишган муסיқага бўлган қарашлар бизда илгари бўлган эканлигини кўрсатади. Бизларнинг у буюк муסיқий шоирларимиз одамнинг сўзини ўксик (ноқис) эканлигини англаб, бутун миядаги, кўнгилдаги тилакларни сўз билан айтиб бўлмаслигини, кўнгилда бўлган у нозли уюнларни, дардларни ёлғиз чолғу (муסיқий) орқали дунёга-тошқориға чиқарув ёлғиз муסיқий куйлар билангина бўлатурғон эканлигини тушунганларини Дугоҳ каби бир мусиқа (опера) билан дунёга билдирганлар. Бизда мусиқийга тушунув нақадар буюк эканлигини мана шу қисқагина чиройлик легенда кўрсатадир.

Бизнинг мусиқий куйларимизнинг нақадар чиройлик эканлигини бироз янглишликлар билан бўлса ҳам Оврўпа оркестри билан айтилганда ҳамма кўрди. Бу мусиқий куйларидан Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам кўнгли кўшилишиб ўйнашди.

Биздаги ўюн(рақс)нинг чиройлилиги ҳар бир кўрганга очиқ белгили бўладир. Ҳар ҳолда бир-бирига ўхшамаган у тана ҳаракатларининг чиройлилигига ҳар ким хуштор бўладир.

Халқ ўюнларга тоза кўнгил билан қарайдир. Ўюн вақтидаги ўюнчининг теккан нарсаси халқ учун авлиёнинг сарқити каби табаррук бўлур. Аммо нима сабабдандир? Шарқ кечасида бир киши бу ҳолларни тушунмасдан ўзининг бузулган фикри ила таъриз қилди.

Театруларимиз ила сомоварларда бўлиб, «Судхўр акам жон беродир» каби чуқур маънолик қарашлар халққа тушунтириладир. Аммо ҳозир эса ҳар бир етиштирган нарсаларимизни сўфи имомларимиз Самарқанд масжидларидаги у баҳосиз ёиштларни бузуб олиб, «нақшфурушлик» қиларлар.

Оврўпанинг у янги кийимлари бизларнинг расмий қоғозимиз (миллий рамзларимиз) бўлган қийиқчаларимизни, чопонларимизни, дўппиларимизни сиқиб чиқара ётибдир. Оврўпа модаси (мишвати) бизнинг кийим палакларимизни йўқ қилиб борадир.

Оврўпа расмда (тасвирий санъат) ҳозир боши деворга тўқ этиб тегди. У расмда (таназзулдан – Муаллиф) қутулишни энди Шарқдан кутса керак. Аммо расмга сабаб бўлган омиллар бизда яна бордир.

Шоирларимиз эса шоирлик деб ҳар бир одми, ҳар бир кишининг оғзидан чиқатурган сўзларни назм қилиб ёзувни ўрганиб олмишлар. Булар шоирман деб юришдан уялмайдилар.

Октябрь ўзгаришидан сўнг бизлар учун илм дарвозалари даранглатиб очилди. Шунинг билан бирга бизлар учун сира оти эшитилмаган консерваториялар очилмоққа бошлади. Оти эшитилмаган консерваторияларда болалар ўз мусиқийсини, ўз куйларини, ўз мусиқий товушларини ўрганмайдилар.

Оврўпа мусиқий товуши бизим мусиқий тушунувимиз нуқтасидан қараганда янглишдир. Яъни овруполилар учун бизнинг мусиқий товушимиз янглишдир. Агар булар Оврўпа мусиқасига ўрганиб, ўзлариникидан хабарсиз қолсалар ул вақт бизнинг мусиқий товушлар уларга янглиш кўриниб, ул вақт улар Туркистон мусиқасини илгарига олиб бора олмаслар. Ул вақт уларнинг қиймати Туркистон, балки бутун дунё учун ҳечдир (!). Чунки Оврўпа мусиқасида ўзларидан ҳамма вақт яхши тушунатирган истеъдодлик кишилар чиқиб турар. Уларнинг мусиқийси бизларга муҳтож эмас (!). Агар биз шунигина билувда давом этсак, ул вақт татар қардошларимиз каби ўзимиздан дунёга ҳеч бир мусиқий нарса бера олмасмиз.

Ўюнларимизга ёмон қаров орқасида ҳозир қанча гўзал ўюнларимизни унутдик (Чунончи, қайроқ ўюни ҳозирда жуда оз ўйналадир). Театруларимиз ҳозир бутун Туркистон-

ники эканлигини йўқотди. Биринчи театрумиз Оврўпа йўли билан солиниб, ўзимизнинг ўрганган табиий нарсаларимиз ўрнига бегона жиҳозлар билан оғуланган. Театруларимиз самаворхоналарда бўлиб турган жип<sup>200</sup> ўзимизники бўлган ва кадрланишлар орқали ҳар кун кўйилиб турган драма ва комедиялардан хабарсизлар. Ҳеч бир ким буни кўролмас, булардан ибрат ололмайин, ўлган устига кўмган дегани каби, артистларимизнинг ҳаракатларининг ҳаммаси Оврўпадан олинган (чунончи, операларга кириб муножот вақтидаги тиз чўкиб, қўлини кўтариб, бурчакдаги Исо суратига ёлборув вақтларини кўрдик). Буларнинг ҳаммасини ёзиб бўлмас, шунинг учун бир мисолгина кўрсатдик.

Демак, ҳаммаси бузуқ, ҳаммаси қўрқинчлик. Бу сўзларни ёзувдан мен демак истамайманким, «калта камзул кийма ёким Оврўпа расмига, мусиқасига ўрганма, унинг театр ҳаракатларини ўрганма!» Йўқ, ҳаммасини ўрганиш керак. Ҳамма вақт кўпол қилиқлардан қутулиб, енгилликларга ўрганиш ва ҳамма вақт илгарига интилиш керак. Аммо бу нарсалар бизлардаги кучларни йўқ этмасин (!). Биз буларни ўрганиб олиб, ўзимизда бўлиб кетган гўзалликларни юксалтиришга тиришайлик. Токим биз ҳам маданият бойлигига ўзимизникини олиб бориб қўшайлик.

Мана бу бизнинг кўз олдимизда яроқлаб турган тилак, орзу юлдузимиз бўлсун!

*Қизил Байроқ. 1921 йил 3 август.*

---

<sup>200</sup> Жип – соф, асл.

## ЭНДИГИСИНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙЛИК

Ҳозир Тошкентда Туркистон мусиқасига бутун вужуди билан берилган мусиқа профессори Успенский бор. Бу ўзида бўлган иқтидорини, илм ўқуб етиштирган бутун кучини Туркистон мусиқасига берган. Тўғриси айтганда, бу киши Туркистон мусиқасининг мажнуни. Успенский французлар руҳида мусиқа ёза олатурган мусиқий шоири (композитор) бўлса ҳам Туркистон мусиқийси учун мана шу истеъдодини йўқотди. Мусиқашуносларча айтганда, ерга кўмди.

Бу киши Туркистон мусиқасини санойи нафисанинг бошқа бўлакларига ўхшаш гавдалантирар, унинг соясини нота орқали қоғоз бетларига олар. Демак, буни ҳам ўлмас-битмас қилар.

Ул Туркистон оҳанглари нотага олғонда шу қадар эҳтиёт билан оладирки, бундай озорсизлик ёлғиз ошиқларнинг ишидир. Яъни оҳанглари нотага олганда бузуш, янглиш ёки Оврўпа оҳангларига аралаш қилувдан сақланар.

Бу оҳанглари ўз аслида, ўз руҳида ёзмоққа тиришадир. Бунинг тиришуви шу қадарки, ўзига ўзи ишонмас. Ёзғон асарларини ҳикмат мошиналари билан текшириб кўради. Граммафонга қўйиб эшитади. Мусиқашунослар орасига солиб, мунозара-музокара қилади.

Успенский каби Туркистон мусиқийсига берилган кишининг иккинчиси Мироновдир. Мана бу бечоралар Туркистон мусиқийсига берилиб ишлар эканлар, ҳеч бир ёрдамчилари йўқ. Буларни тақдир этадирган кишилар ҳам йўқ. Материаллар йиғув учун бир ерга боратурғон бўлсалар от-арабалари йўқ. Сўзнинг қисқаси, ҳеч таъминсизлар. Ҳозир энди бир нарсасиз чарчаганга ўхшайдилар.



Успенский шундай суйган ва фойдалик ишини ташлаб, жой ахтармоқчидир. Эҳтимол, бундай кишилар тагин ўлкамизда бордир. Бундай кишиларнинг яқин орада бизнинг орамиздан чиқиши қийиндир.

Ҳукумат бошида турган кишиларимиз бунга аҳамият бериб, буларга кераклик нарсаларни етиштириб бериб турсалар бизнинг қанча нозлиқ, ёқимлиқ оҳангларимизни ўлимдан абадий кутқозғон бўлар эдилар. Эскиларимизни қўлдан бердик, энди ҳозирғиларимизни қўлдан бермайлик!

*Қизил байроқ. 1922 йил 2 февраль.*

## МИЛЛИЙ КУЙ ВА АШУЛАЛАРИМИЗ

Ҳар бир элнинг ва ҳар бир халқнинг юрагидан қайнаб чиққан оҳ-зорларини, шодлиқ ва қайғуларини ўз оҳанг ва руҳига мувофиқ куйлари, ашулалари ва, инчунин, шу куйларни, шу ашулаларни халқнинг ўзиники қилиб айтадирган ашулачилари бўладир.

Халқнинг аксарияти, хусусан, омма қисми ҳар вақт ўз ашулачилари билан фахрланиб, шуларни эшитиб, руҳан суғорилиб, роҳатланиб келадир.

Русларнинг Шаляпин ва Сабинофлари рус халқи орасида қандай машҳур ва тилларида дoston бўлса, бизнинг эскича куйларимизда ўзининг ёқимли маҳоратли довуши билан граммофонда эшитилган Мулло Тўйчи, Содирхон, Ҳамроқул қориларимиз шундай оми халқ ва аҳолимиз ичида машҳур ва номдорлардир. Куйларимизни суйган ва миллий ашулаларни муҳаббат билан тинглайдурган ёшларимизда, қариларимизда ичларидан ўзларининг ҳофиз ва ашулачиларига изҳори муҳаббат қиладилар.

Миллий куйларимизнинг қадрига етмаган, миллий ашулаларимизни лаззат, ингичка<sup>201</sup> ва туйғу таассуротларига англаша олмаган ҳамда халқимиз афоли қабиҳаларига қўшуб миллий ашулаларимизга қўл силтайдирган ёшларимизда йўқ эмасдир, бордир. Локин, яна шул ёшларимиз, уларгина эмас, турли мамлакат ва чет элларда ўқуб юрғувчиларимизда кўп вақт ўз ашулаларини айтиб, бўлар-бўлмас ғиринглаб юрадилар.

Рус куйларига муҳаббат кўюб, суюб юрган ва татарча «Олия бону», «Оқ Эдил кай», «Маҳбус» куйларин куйлаб, жирлаб юрган менинг ўзим-да сўнгги вақтларда ўзимизнинг

---

<sup>201</sup> Ингичка - нафис.

куйларимизга, миллий ашулаларимизга борлигим билан берилиб, бор ҳасратларимни, қайғу-аламларимни, шодлиқ ва ўйноқи тилакларимни шундан топадирган бўлдим-ки, ҳозир билар-билмас, ундан бундан-чўқилаб, соғиниб-соғиниб куйлаб юраман.

Хўқандда бир неча ўртоқларимнинг, Наманганда Рафиқнинг «Фарғона»ларини, Масковда Муҳиддин қорининг ашулаларини эшитганимда тамом берилиб, куйларимизнинг нафис оҳангларига эриб, қимирлайдирган эдим.

Қримга борганда эрка Қрим қизларининг ярим татарча, ярим усмонлича (ёқимли овозлари билан) айтган куйларидан ўзимизнинг фарғонача Чўлпоннинг «Уйқу»си, Рафиқнинг «Фарғона»си ва шуларни айтган кўпол товушим ўзимга тенгсиз туюлади. Тўғриси-да, руҳимга яхши озиқ бўладир, дардларимни, ҳасратларимни ёзадир эди.

Бошқа халқларникига қараганда оз бўлмаса-да кўпроқ бизнинг ҳам ота-бобо ва эски замонлардан қолган кўпгина куйларимиз, ашулаларимиз бордир-ки, бу кунда уларнинг кўплари унутилиб кетмоқда. Кундан-кунга деярлик янгилари чиқмоқдадир.

Мутараққий элларнинг куйшунослари назарида эски куйлар жуда аҳамиятлик, қийматликдир. Сўнги тараққий замонларида уларнинг борлиқ куйлари йиғилиб, нотага олиниб, келгуси дунёга бисот қилиниб, сақланиб келаётган бир замонда биз Туркистонга махсус совуққонлик аҳамиятсиз қарашимиз билан эскиларини-да, янгиларини-да унутиб, йўқотиб борамиз.

Миллий куйларимизнинг қадр-қимматини билган Оврўпо мусиқашунос куйшунослари бугун бизнинг куйларимизни (ашулачиларимизни топиб) хусусий суратда нотага олмоқдалар. Муҳиддин қори Ёқубий, Ғулом Зафарийлардан фойдаланиб Мироновнинг чиқарган «Шарқ ноталари» бунга очиқ шоҳиддир. Бизга, янги дунё кишиларига ҳар бир жиҳатдан турли кишилар керакдир. Болаларимизни тайёрлашга муал-

лимлар, сиёсий йўлбошчиликка масъул ишчилар, сиёсийонлар, сахнамизда халқимизга йўлбошчи артистлар нақадар керак бўлса, халқимизнинг энг қадрлик куйларин, ашулаларин сақлаб, руҳларига озуқ берадирган ашулачиларимиз ҳам шул қадар кераклиқдир. Уларнинг кераклигини англаш эмас, яхши тақдир ва ҳурмат қилиш керақдир.

Миллий куйларимизни тўплаб, сахнада эшитарлик тўғри бир йўлга қўйган ва шу куйларимизни ундан-бундан тўплаб, тишининг ковагида асраб юрадирган машхур композитор Гулом Зафарий, шундоқ шу куйларимизни жонлантириб, ёш сахнамизда ўзининг маҳоратлик, ўткир ва ёқимли овози билан айтадирган машхур ашулачимиз Муҳиддин қори Ёқубийларни тақдир қилиш, уларни ҳар вақт олқишлаш керақдир.

Бизда Муҳиддин қори, Рафиқ каби ашулачиларимиз, овозлари ўткир ёқимлик ёшлар (сахна ишига аралашмасалар-да) йўқ эмас, бор. Фақат, афсуски, ундай талантлар, қимматлик кучлар тупроқ орасида ёшириниб, йўқолиб, зое бўлиб ётадир.

Туркистонда бошқа кўп ишлар қаторида ҳали бизнинг сахнамизнинг гуллари ашулачиларимиз, миллий куйчиларимиз, миллий куйларимиз кўзга олинмайин унутилиб ётадир. Улар учун мусиқа куй мактаблари, консерваториялар йўқдир. Бўлса-да, унда фақат шунинг қадрини билган ўрисларгина кириб, тўлиб олганлар.

Ички Россиянинг ҳар бир шаҳрида, айниқса, Масков, Петр каби зўр шаҳарларида махсус консерваториялар бордирким, ашулачиларни махсус ҳозирлик билан ҳукумат ҳисобидан тарбия қиладурлар. Энди бизда шундай бармоқ билан санарлик уч-тўртта кўзга кўринган ашулачиларимизни ҳукумат юбормағон чоғда ҳам ҳар шаҳар ва областлардаги «кўмак» махсус ёрдам бериб Тошкент ва Масков консерваторияларига юборишсалар керақ.

Шарқ халқи ҳур бўлса-да, унинг куйлари, ашулалари, кўпгина қимматлик, қадрлик нарсалари ва асори-атиқалари Оврўпада шоён тақдирдир. Муҳиддин қори Масковнинг зўр

сахналарида чиқиб, ўзининг ўткир овози билан ашула қилганида руслар, овруполиклар ортиқ берилиб: Туркистонда ҳам шундай ашулачи борму, деб ҳайрат қиладирлар. Ниҳоят ўртоқ Муҳиддин қори овозини дуруст тажриба қилиб, ўқишини давом эттирса, рус матбуоти, сахнаси билан яқиндан танишиб, ўзининг тажрибасини орттирса сахнамизда ўзининг ашуллари билан шуҳрат ва ном қозонарлик умидли бир кучдир. У ҳозир «ГИТИС» (давлат теарт санъати институти)да музика овоз бўлимида ўқиб кетди. Фақат русчадан узоқда, матбуотдан йироқдалиги унинг руҳини бир оз туширди. Энди биз ўртоқ Муҳиддин қоридан ўртоқлик сифати-ла Фарғона, Тошкентдан янги куйлар олиб қайтмоғи билан баробар ўзининг ёнига ўз йўлида ёш кучларни, ёш талантларни тўплаб, кўплашуб, бир гуруҳ бўлиб, бир кучда, бир ишда, бир йўлда ишлайдирган ўртоқлар билан Масковга қайтишини сўраймиз.

Ортиқ йўқсул сахнамиз Муҳиддин қоридек ашулачи ва ёш талантларни, чин артист ва миллий композиторларни кутуб, чанқаб ётадир. Қийинлик ичида чайқалиб сахнамизга хизмат қилган, қиладирган ёш кучларни ёш сахнамиз ҳеч бир вақт унутмас, доимо тақдир ва ҳурмат этар.

*(Масков, 1922 йил 6 июл).  
«Фарғона». 1923 йил 24 август.*

## ЧОЛҒУМИЗНИ ЎЛУМДАН ҚУТҚАРАЙЛИК

Ҳар бир элнинг маданий турмушига негиз бўлган омилларни чинакам текширилса, ҳар бир аср ёхуд даврдаги кишиларнинг маданий ёқдан ўсишларига сабаб бўлган нарсаларни тубли бир йўлда бир ерга йиғиб, очиқ кўз билан боқиб кўрилса, маданий ўсишимизга ўрнатилган ва негиз бўладиргон ҳамда келгусидаги маданий тузулишга жуда қимматлик нарсалар вужудга чиқар.

Бурунчилардан қолган маданий меросни тубли тусда текшириш бизнинг туғдирма (ижодий) ишларимизда янглишмай, ҳар ишни тўғри ва тузук йўл билан олиб боришимизга кўмак этганидек, бизда чин қимматлик бўлган нарсаларни туғдиришга ҳам кўмак этадир. Шунинг ила бирга бу йўл билан маданий тузилатурғон бўлса, ҳозирдаги ва келгусидаги янглишликлар ва қийинчиликлардан қутилармиз.

Бир элнинг ўтгандаги турмушин билган-текширган чоқда унинг ўйларини, сезги-туйғуларини туғдирган нарсаларини, эски одатларини, кун кўриш ҳолларини, эски фикрлари, адаб ва қилиқлари, турган ўрунлари, тутган қурооллари, яроғ-қурооллари, туслари, эртақ-чўпчак ва ашула, куйларини очиқ ойдин билгандагина ул элнинг маданий бахти учун юртга тўғри йўллар очилар. Шу чоқда ул элнинг маданий тўғарагин очиқ англаб кўриб бўлур ва унга керак бўлган маданий тузукларни замонга мос бир йўлда кучлантириб, улуғлатиб ва юксалтириб бўлур.

Мана шунинг учун биз ҳам ўзимизнинг боболаримиздан мерос бўлиб қолган, кенг бир ўрун тутган маданият ва борлиқларимизни текшириб қарасак, ўшал чоқдан қолган қўлёзма, расмлик китоблар, улардаги безаклар – қизиқ ва ҳашаматлик бинолар. Шарқнинг эски ҳавоси билан ёзиб қол-

дирилган адабиётлар. Асиру мунглиқ бир йўлда Шарқнинг даврин англатадурган чолғулар, оғиздан-оғизга ўтуб сақлануб келмоқда бўлгон ўрнак ва кулгулик томоша, куйлик ва куйсиз эртақ ва дostonларимиз борлигин кўрамиз.

Мана бул қийматлик асарлар ҳам нарсалар замоннинг ўтиши, чет элларнинг қўшилиши билан йўқолиб борадирлар, ёхуд ўзларининг туб шаклларин йўқотадирлар ва бутунлай йўқолиб битадирлар. Бундай ҳолларнинг ўзгариш кунларида тагин кўпроқ таъсир этиши ва кўрқинчлик бўлиши очиқ ҳақиқатдир. Чет элларнинг одатлари, нафосат йўллари бизнинг санои нафисаларимизни жуда бузадирлар. Мана шунинг учун ботиғно замонда ошиғич йўллар билан ўзимизнинг асл санои нафисаларимизни, ижод этган нарсаларимизни, чолғу куй ва ашулаларимизни йўқолишларидан кутқозиб қолишимиз керак (!).

Чолғу куйларимизнинг «Олти мақом» деган тубли, илмий тартиблик бўлими йўқолаёзган. «Олти мақом»нинг наср, сарахбор бўлимларин бўлсин, мушкилот бўлимин бўлсин билгувчилардан бир-иккигина устадан бошқалари ўлиб битганлар. Вақт тордир, шул бир-икки кишимиз ҳам ўла қолганида ортиқ «Олти мақом»ни билгувчи ўзбеклар орасида бутунлай йўқ бўлиши аниқдир.

Шунинг учун ўлкамизда бор иккитагина Шарқ мусиқа мактабларимиз (бири Бухорода ва бири Тошкентда)ни яхши йўлга қўюб, Бухородагисида йўқ усталарни Тошкентдан, Тошкентда йўқларини Бухородан келтириб ишга киришилса, шундагина чолғу куйларимизнинг тубли ва илмий бўлими ўлимдан кутқорилган бўлур. Бу муҳим тилакка эришмагимизга катта бир сабаб, албатта, Маориф комиссарлигимизнинг зўр фидокорлиги ва ҳиммати бўлур. Чолғумизни ўлимдан кутқармоқ билан ишимиз битган бўлмай-дир. Сақланиб қолган чолғумизнинг тўбларин илмий тусда текширмоқ, Оврўпанинг билим дунёсида буюк бир ўрин тутган чолғу тўпларин ўзимизга бажара олганимизча мол

қилиб олиб, чолғумизни таҳликалардан бутунлай қутқармоқ учун куйларимизни нотага олмоқ лозим. Шунинг ила бирга, куйли эртак ва дoston, лапар, ўлан, ёр-ёрларимиз, йилдан-йилга эскириб, йўқолиб кетаётган халқ куйларин ва бутунлай ўлим чуқурига ташланган қаландарлар куйларин ҳам ўқувчиларимизга нота билан ўргатмоқ лозим. Сўнгра янги чолғу мактаблари учун «ғоя» саналган фикрлардан бири чолғуларни театру сахнасига чиқармоқдир. Биз ҳам истаймизким, ўқувчиларимиздан тугал опера ўйнай оларлиқ сонда ашулачилар етиштирайлик. Мана шул тилакларга етишмак учун юртимизда бор бир-иккигина чолғу усталарини, иккинчи турли айтганда, чолғу печатларини мактабларимизга келтириб, шулар билан «Олти мақом»ларимизни ўргаттирайлик ҳам тездан шул усталардан бир қанча чала билгувчи чолғучиларимизни тайёрлатиб, Самарқанд, Кўқон, Андижондаги янгигина очилган Шарқ чолғу мактабларига усталар еткизиб бериб, уларни ҳам тубли бир йўлга қўяйлик. Ўқувчиларнинг барчасига Оврўпа чолғуси асосларин ва нотасин ўргатайлик.

Мана шундай қилиб тезрак ишга киришилмаса, тез кунда бутун куйларимиз йўқолиб кетиши аниқдир.

Қўшимча: Бутун мактабларимизда десам ёлғончи бўларман, бирор ўзбекча куй эшитганим йўқ. «Шарқи» деб ўзбекча бўлмаган Оврўпа куйлари бузуқ бир йўсунда куйланадир. Бу бизнинг учун зўр камчилик, негаким, бу туб мактабларда ашул(л)а ўргатмак учун вақт белгиланган экан, унда аллақандай «шарқи»лар куйланадир.

Холбуким, шул «шарқи» ўргатгувчи ўқитувчилар ўзбекча куйлардан оз бўлса ҳам биладирлар. Билмаганлари бор эса, болаларга ўргатмак учун ўрганган «Шарқи» ўрнига ўзбекча куйлар ўргансалар бўладир. Мана бу кетиш ҳам бизнинг куйларимизнинг битмагигагина эмас, бутунлай йўқ бўлувига сабабчи бўладир. Бундан жуда сақланмоғимиз керак (!).



Бунинг учун «Шарқ мусиқий» мактабларимизни яхши йўлга қўймоқ, майда ашулаларимиздан тезлик ила мактаблар учун нотага олиб тарқатмоқ керак.

Мана шул мияга келганда, юқоридаги сабабларга кўра, чолғумизни қўрқинчлик таҳликадан бири бўлган мактаблардаги бузуқ куйларга одаш<sup>202</sup> фотиҳасини ўқуб, ўрнига ўзбекча куйлар ўргаттирилмагин (талаб қилмоқда – Муаллиф)! Бу ерини маҳаллий маориф бўлимларига эскартма учун ёзмай ўтолмадим.

*Маориф ва ўқитувчи. 1925 йил. №1.*

---

<sup>202</sup> Одаш – йўқолиш.

## ШАШМАҚОМ

Ўзбек маданиятининг, ўзбек ҳаётининг ҳалигача тадқиқ этилмаган жиҳатларидан бири ўзбек мусиқасидир. Буюк инқилобдан сўнгра ўзбек ўлкасининг ҳар томонида мусиқамизни тиргизмак, эски мусиқа асарларини йўқолишдан қутқармоқ, сақламоқ учун тебранишлар, ҳаракатлар бўлгани, мактаблар очилгани маълумдир.

Бу мактабларнинг биттаси Бухорода очилган «Шарқ мусиқаси» мактабидир. Рус мусиқа олимларидан В.А.Успенский Бухоро маориф назоратининг чақириши билан Шарқ мусиқа мактабида бир йилдан ортиқ ишлади. Эски тарихий мусиқий асарларни «нота»га олди.

В.А.Успенский томонидан ёзилган мана шул ноталар Бухоро ҳукумати томонидан Масковда «Шашмақом – шесть музыкальных поэм» исми билан олти дафтарда босилиб чиқди. Бунинг бир нусхаси идорамизга келди.

Шашмақом мажмуаси 128 бетда ёзилган, 105 куйдан иборатдир. Ношири Бухоро маориф назорати, босилишига назорат қилган Фитрат ҳам Н.Н.Мироноф.

Шашмақомдоғи олти асосий мақом – Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомлари бўлиб, ҳар бир мақом мушкилот (соддагина чолғу), наср (қўшуқ билан чолғу), уфор (тониш билан чолғу)лардан иборат учга бўлинган. Ҳар бир бўлим неча куйларга тақсим этилган. Ҳар бир куйни ёзғонда нотанинг бош томонидан шул куйнинг усули ҳам кўрсатиб борилган.

Мусиқамиз дунёсида шундай муҳим бир асарни бор этган Бухоро ҳукуматига ҳам Успенскийга биз ташаккур қиламиз. Ўзбек мусиқасига оид теран маълумотларни билганимиз учун бу асарнинг аслига мувофиқ чиққанига жуда яхши ишонганимизни билдирамиз. Анга ғайрат ҳам куч сарф эти-

либ бор этилган бу муҳим асарнинг бизча маълум бир камчилиги бўлган. Муסיқамизнинг тарихини, илмий асосларини, усулларини, чолғуларимизнинг турларини кўрсатиб бир муқаддима ёзилмаган. Ҳатто бу тўғрида бир-икки хатгина маълумот ҳам берилмаган. Мана бу ҳол мазкур муҳим асар учун катта бир камчилик, кенг бир бўшлиқдир. Биз бу бўшлиқни тўлдирмоқ учун журналнинг келгуси сонида Шашмақом мажмуасини асос тутиб, мусиқамизга оид тафсилли бир мақола киргузишга тиришамиз.

*Маориф ва ўқитувчи. 1925 йил. №2.*

## ТАНБУР

Гўзал санъатларимиз қаторида мусиқамизнинг тарихи ҳам текширилмаган. Жон озиғи бўлган мақомларимизнинг тузилиши ҳар вақт ўзига таъсир билан бизни тортиши каби, мусиқамизнинг шундай хусусиятларин сира ўйламаймиз. Ҳолбуки, мусиқамизнинг тарихий бетлари қоронғу пучмоқларидан битиб кетмоқдадир.

Бу кунги 15-20 турли мусиқа қуроолларимизнинг ўзига махсус анча тарихий бети бордир. Бир оз текширсак, гўзал санъатларимиз учун жуда ҳам муҳим парчалар юзага чиқорармиз.

Ўзининг мунгли товуши билан мусиқа қуроолларимиз орасида айирмали бўлган «танбур» куйларимизнинг таъсирини англатишда биринчи ўрин тутодир.

Тарих бетига кўз солсак, танбурни чолғуларимиз орасида энг эски ва энг тугал, тўкис эканлигини кўраимиз. Мусиқа билан таниш кишиларга белгиликим, танбур бутун чолғуларимизнинг негизи ва қулоғувзидир. Бундан ўзга тарихимизда бармоқ билан санайтурган буюк мусиқийчиларимизнинг кўписи Шарқ мақомларининг негизи саналган Бузрук, Наво, Сегоҳ... каби нафис куйларимизнинг юзда саксонин шул танбур орқали янглишсиз оладирлар. Қолган чолғулар эса куйларни олишга танбур қадар қулайлик бера олмайди. Демак, бу қуроолни «Шарқ пианоси» демак жуда ярашади. Чиндан-да пиано Оврўпанинг бутун мусиқачиларига бирдан-бир қуроол бўлиб, энг машҳур опералар энг олдин пиано билан тузулганлари каби, Шарқнинг энг донгли мақомлари танбур билан олингандир.

Танбур ёлғиз чолғуларимиз учун бўлмаган, балким ҳар бир мусиқий севгучига қулоғуз (далил) бўлмиш. Мусиқачиларимизнинг қандайда бўлса қийин масалага мурожаат қила-

турғон ўринлари бўлган муסיқий қурооллар орасида Наво, Се-гоҳ, Ироқ... каби киши табиатига жуда кўп таъсир этадургон куйларимизни истаганимизча чолишимиз учун мос қурол яна шул танбурнинг ўзгинасидир. Зотан, танбурнинг ўзига махсус бўлган чолиш йўли (услуги тараннуми) мусиқамизнинг асосий услубига унча катта таъсир этгандирким, юқоридаги куйларимизнинг барчасига танбур мусийқиси десакда тўғридир.

Турли миллатларнинг мусиқага қараши, кўнгил тортишларини текширган ҳукамоларнинг сўзига кўра, мусиқани тинглаганда ҳар миллатнинг тилаги бир турли эмасдир. Масалан, Оврўпанинг ғарби ва шимолий ёқларида яшагувчи миллатлар бир вақтларда мусиқани ёлғиз ўюн (рақс) ўлтиришларида қўллаганлар. Ўюндан бошқа яна бир талай ашулалар айтишса ҳам, бироқ бунинг аҳамияти бурунғидан паст бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторда турадир эди. Бу сўнгги чоқларда битган опералар ҳам шундан қолма нарсалардир.

Шарқ ўлкасида мусиқий билим негизида ёқимлик товушлар, куйлар, ҳаволар қабул этилгани учун бунга жон озиғи деганлар. Шарқ мусиқийсида басталанган куйларнинг кўписи рух ва фикрга ёқадирган шоирона нукталардан, сўфиёна, зоҳидона ҳикматлик сўзлардан тузилган шеърлардан терилиб басталангани учун кишилик сезгиларининг ҳар турлисини, масалан, кўркув, хавф, ҳиддат, шиддат...ларни мусиқий орқали чолиш мусиқий чегарасидан чиқорилмиш. Шунга кўра мусиқийчиларимиз бу йўлда тажрибаларга киришмакни керак топмағонлар.

Бу кунги қўлимиздаги Шарқ мусиқа битикларидан, ёқимли ҳаволардан сўз очиб, бундан ўзгасини кўздан ташлаб юборилмишдир. Мана энди Оврўпада бўлса мусиқани театру саҳнасига татбиқи натижаси ўлароқ бу каби турли кишилик сезгиларини мусиқа орқали жонлантириб кўрсатишга мажбур бўлган. Оврўпа мусиқийчилари ўшал ҳаво куйларни ёқимлик товуш билан чолиш бўлмаганлигидан Шарқ муси-

қийсидан чиқорилмиш ҳалиги сургун мусиқани бир бўлаги санаб, мусиқаларига киргизиб қўллашга мажбур бўлганлар.

Бир билимда ғоя, тилак, санъат, маҳорат қайси ёқда бўлса, тараққий ва билимнинг ўшал ёғинда бўлиши белгилик. Шунга кўра Шарқ мусиқасида негиз тutilган ёқимлик куйлар кўп тараққий этган.

Қай бир Шарқ мақомларини Оврўпа куйлари билан чоғиштириб кўрилса, Шарқ куйларининг қанча бой, турли товушга эга эканлиги билинадир.

Энди Шарқнинг шунча нозик, юрак ёндирғувчи куйларин бизга кўрсатғувчи бир из бўлса ул-да танбурдир.

Классик мусиқамизни шундай тасаввур этиб бўладир: Шарқ тарз меъморисинда ясалган муҳташам безанган катта бир уй, юқорисинда мусиқийчилар учун махсус бир ўрин, бир танбур камонча ила, икки танбур тирноқ ила бир қовуз. Булар ила бирликда уч гўзал товушлик ашулачи танбурнинг мунгли товушлари билан Ироқ, Наво каби донгли бир мақомдан бошлайдир. Бун тароналари билан уфорга етиб, шипоришига топширадир. Энди, табиий, бундаги тинглагувчилар сўз сўзламакка эмас, балким нафас олмоқни ҳам тўхтотиб туришни ўзларига лозим билиб қоладирлар.

Шарқ куйларининг мазасини шундай – асбоблари тугал ўриндан англамаса, бошқа бир ердан англаб бўлмайдир. Бунда кўрсатилмиш мусиқа қуролларимиз товушлари чиқиши бир-бирига шундай қоришадирким, бун эшитғувчи ўзини кўклам чоғининг энг гўзал кўнгилли бир кунда, тоғлар устида, булоқлар ёнида, гуллар орасида, сувнинг шилдир-шилдир қилиб оқиш товушини эшитиб тургандай бўладир.

*Бухоро.*

*Маориф ва ўқитувчи. 1925 йил. №2.*

## ЭСКИ ТАНБУР НЎТАСИ

Шарқ ажойиб ва ғаройиблар ўлкаси дейдирлар. Ҳақиқатан, Шарқда ҳозиргача текширилмаган, очилмаган кўп ажойиб, эски сирлар бор. Ғарбнинг билимдон кишилари мустамлакаларда бундай эски нарсаларни кавлаб чиқариб турибдирлар.

Ўзбекистон тарихий асарларга камбағал эмас. Ундаги текширишлар натижасида ҳар хил нарсалар топилиб турибдир.

Бу кунгача кўрилмаган шарқ чолғулари нотасидан яқин йилларда Бухорога борган бир илмий ҳайъат томонидан бир мунча қўлэзма китоблар билан бирга танбур нўтаси топилди. Бу нўтани, аслида, Бухорога машҳур чоғучи Ғиёс оқсоқолнинг бобоси Хоразмдан келтирганлиги маълум бўлди. Нўтанинг тузилиши 18 аср миёнларида деб тахмин этиладир. Бир мунча йиллар ҳеч кимга маълум бўлмай келган бу нўта, ниҳоят, шу илмий ҳайъат ташаббуси билан Бухородағи машҳур чолғучилар, ашулачилар ва бастакорлар орасида бир мунча ислоҳ этиладир. Ўшал нўтанинг бир нусхаси Тошкент «Турон» кутубхонасида бор бўлса ҳам баъзи камчиликлар орасида мутолаага қўйилмағон. Тездан тартибга қўйилиб, мутолаага берилса керак.

Ҳозиргача нўтасиз чолиниб келаётқон Шарқ куйларининг баъзи бир мақом ва куйлари нўтасизликдан йўқолиб, бузулиб кетаётибдир. Бундай кўнгилсиз ҳолдан кўрққан ва қутилмоқчи бўлган баъзи Шарқ ўлкаларида Оврўпа нўтаси қабул қилиниб, куйлар бир мунча сақланиб қолган бўлса ҳам, кўп камчиликларга учрадилар.

Куй – мақомларнинг юзага чиқишида ўшал ўлканинг ҳавоси, атрофи, аҳволи руҳияси ва, қисқаси, муҳитнинг таъсири кўп бўладир. Шу сабабдан бир ўлканинг мақоми бошқа ўлканикидан жуда фарқлидир. Шунинг учун Оврўпа мақомларига суялиб чиқарилган Оврўпа нўтаси ва унинг мусиқа чолғулари

Шарқ мақомларини куйлашда, нўтага олишда ўшал муҳитнинг таъсирини бера олмайдур. Ўтган йиллар нўтага олинган ўзбек куйлари очиқ кўрсатдиким, кўп мунгли товушлар ва юқори-бийрон овозларга Оврўпа нўталарида ишоратлар топилмади. Хуллас, агарда Оврўпа нўтасида биз учун нуқсон бор бўлса, у ҳолда бизга мукамал жавоб берувчи янги нўта тузишга тўғри келади.

Ёшгина маданиятимиз билан янги нўта тузишни умид қилсак бунга таажжубланувчилар ҳам бўлар. Шуни унутмаслик керакдир-ки, Оврўпа нўтаси XV аср миёнасида тузилиб, 400-500 йил бадалида ҳозирги шаклга кела олди. Бизда ҳам ҳозир бир асос бор. У ҳам бўлса юқорида кўрсатилган шаклдаги танбур нўтасидир.

Бу нўта танбурнинг 17-18 пардасидан (бўғинидан) фойдаланилмиш, ҳам ҳар қайси пардага назаран узоқ-яқин қилиб қоғоз устида қатор чизиқлар чизилган. Мана бу чизиқлар танбурнинг узунлигига қараб кўп жойни ишғол қилгандир. Бир бет қоғоз устида фақат бир мартагина қайтариш бор (Оврўпа нўтаси ҳам бошлаб чиққанда бир мунча чизиқлар орасида бўлиб, эндигина беш чизиққа келтирилган). Биз чолғуларимизнинг дастасини қисқартиришга муваффақ бўлсак, 17-18 чизиғимиз 7-8 га тушар.

Тамбурнинг нўтасини юқорида кўрсатиш билан бирга шунинг усул тартиби тўғрисида бир оз ёзишни лозим кўраимиз. Нўтанинг юқори-қуйисини ҳам танбурга нисбатан қандай шакл оладирганлигини кўрсатиш учун нўта ёнида танбур суратини ишладик. Тамбурдаги 18 пардадан фойдаланиб, нўтага чизиқ чизибдирлар. Ҳам танбурни чертиб чолишга суялиб, ҳар бир чертишга бир мартадан бир нуқта қўйибдирларки, нуқта биргина юқорида бўлса, чертиш ҳам биргина юқорига тортилу; ост-уст нуқта бўлса, чертиш ҳам ост-уст (яъни қўш зарб) урилу ва ҳоказо.

Нўтада ёзилган ҳар бир мақомнинг ўзига махсус усули, вази, мезони (оҳиста ёки илдам чолишни кўрсатиш учун) бор.



Усуллар тубандагича бўлинадир:

Усули сувори (отлиқ аскарлар марши бўлса керак) – бунинг вазни: Бака Бака Бака Бум – Бум Бак Бака Бум (Ироқ таронаси шул усулдадир).

Усули он (гўзалликни тасвир қилган мақом): Бака Бака Бум Бум Бак – Бака Бум.

Усули талқин (хаёлни бир нарсага боғлаш мақомлари): Бум Бак Бум Бак.

Усули чапандоз: Бака Бум, Бум Бак Бум (масалан, таронаи ажам шул усулдадир).

Усули мухаммас (беш бўғинлик назмлар мақоми): Бака Бака Бум (масалан, таронаи аввал) ва бошқа шунингдек усулларга бўлиниб, ҳар мақомнинг теппасида ўшал мақомнинг усуллари ёзилур. Агар шу «Бака Бака»ларни секин ўқиб чиқсак, ҳар бирида бир-бир салмоқлик, оғир-енгиллик вазнини кўрсатадирғон харфни сезамиз. Буни Оврўпа нотасида акцент деярлар, ҳам шу вазн мезонини кўрсатадирғон айрим олатлари ҳам борки, бунга секундомер дейдирлар.

Агар бизнинг сурнайчи, ноғорачилар бир куйни чолиб турганида кулоқ солсангиз, ҳар мақомнинг ўзига махсус бошқа-бошқа салмоқ билан дум-так уриб турганини эшитамиз. Мана бу танбурда кўрсатилган усул ҳам шунга ўхшашдир.

Биз мақомларимизни сақлаш учун чора ахтармоқдамиз. Оврўпа нўтаси бизни қаноатлантира олмас экан, ўз нўталаримизни ислоҳ этишга киришайлик. Кўрилган нўталаримизда камчилик жуда кўп, аммо бу бошланғич алифбодир. Уни тараққий қилдириш ўғил болаларимизнинг иши. Мусиқа ҳаваскорлари, бастакорлар шу масала устида фикр юргизсалар, шояд, бирор натижа чиқиб қолар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакдирким, Шарқ чолғулари учун бундан бошқа нўталар ҳам бўлса керак. Алишер Навоийнинг алифбо усулида нўтаси бор деган баъзи ривоятларни эшитганмиз. Илмий шўромиз шуларга бир ҳапсала қилиб юбориш-

са, балки шундай нўталар топилиб қолар. Бу ҳолда бошлаган ишимизга тоғин ёрдам бўлар эди.

Энди ҳозирча мақомларимизни қандай қилиб сақлаб қоламиз деган масалага келсак, «Ер юзи» журналининг ўтган сонида Муҳиддин қори Ёқубийнинг айтишича, «фонограф» (ёки «парлограф») ускунасини ишлатмак керак. Фонограф орқали олинган граммофон пластинкалари 20-25 йил илгари айтилган куйларни соф ҳолда сақлаб келмоқдалар. Ўлиб кетган чолғучилар ва ашулачиларимизнинг асарларини граммафонда эшита оламиз. Шунинг учун ўзимиздан нўта чиққунча фонографдан фойдаланмоқ керак. Ўзимиздан бунинг устоларини (мутахассисларини) тайёрлашимиз лозим. Шарқ куйларини асосан текшириш ёки айрим нўта тузиш ишини тезлаштирмак учун ички Россия мусиқа мактабларига ёш кучларимиздан юборайлик. Ўз мусиқамизнинг хусусиятидан хабардор бастакорлар етиштирсак, ишимиз анча осонлашади.

*Ер юзи. 1926 йил. №12.*

## ПАРИЖДА ЎЗБЕК САНЪАТИ<sup>203</sup> (Муҳиддин қори Ёқуб, Тамарахоним)

Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида бутун дунё нафис санъати виставкаси бўлиб ўтди. Бу виставкада шўро жумҳуриятлари иттифоқи жуда катта ўрин ишғол этди. Бошқа шўро жумҳуриятлари орасида бизнинг Ўзбекистон ҳам ўзининг нафис хунари, ўзбек хунармандларининг қўлида ишланган назик ашёлари билан иштирок қилди. Айтмак мумкинки, Ўзбекистон миллий жумҳуриятлар орасида биринчиликни қозона олди («Ер юзи»нинг ўтган сонларида бу тўғрида ёзиб ўтилди). Бундан ташқари, Париж виставкасида Шўролар иттифоқида яшайтурган турли миллатларнинг санои нафисасини ҳам кўрсатмакчи бўлди. Шу мақсад билан Иттифоқдаги кўп ўлкалардан миллий ўюнчилар, ашулачилар олиб борилди. Мана бу хусусда ҳам Ўзбекистон ўзини кўрсата олди. Ўзбек халқ ашулачиси Муҳиддин қори Ёқуб ўғли Париж театрларида ўзбекнинг нажот истаган, юракларидан чиқарган қадимги, оҳангдор наволари билан бирга ҳозирги тирик куйларини ўзбекка махсус хусусият билан ғарблилар олдида ижро этди.

Қори Ёқубнинг рафиқаси Тамарахоним ўзбек қизининг ўйноқилағон онларини (моментларини), бундан кўпрак ғамгин, ҳасратлик кунларини маънодор рақслар билан гавдалантирди. Муҳиддин қори ва Тамарахонимларнинг қишлоқ йигитлари билан қизларининг лапар айтишиб, ўйнашиб юрганларини кўрсатишлари ҳар куни янги бир завқ истаган парижликларда бошқача шавқ уйғотди. Қишлоқларимиздаги ишқнинг қанчалик табиий ва чиройлик экани уларга ёқди. Ашулачиларимиз олқишлар орасида сахнада қайта-қайта кўрилмакка мажбур бўлдилар.

Ашулачиларимиз қайтарда Германиянинг пойтахти Берлинга тўхтади; Ўзбекистоннинг тузилганига бир йил тў-

<sup>203</sup> Манбада мақола муаллифи кўрсатилмаган.

лиши байрамида у ердаги маориф ваколатхонамиз ва ўқувчиларимиз тантаналик кеча ясадилар. Бунда бир қанча муваффақиятлик чиқишларда бўлганлар. Муҳиддин қори сўнгра Берлиннинг юқори ашула ва мусиқа мактабида (Филармониясида) яна каттароқ муваффақиятларга эришди.

Филармониядаги чиқиш албатта аввалгиларига қараганда катта эди. Чунки, аввалгисида, яъни Ўзбекистоннинг бир йиллик байрами кечасида юзлаб халқ олдида бўлса, буниси минглаб киши қаршисида эди. Кунчиқишнинг қўпол халқидан ҳам бир нарса чиқармикин... деб ўлтирган минглаб халқ ўзбек оҳанглари эшитгач ихтиёрсиз қиймат беришга, узоқ олқишламоққа мажбур бўлди.

Албатта, бу биринчи маротаба бўлса керак, ўзбек қўшиғи ва ўйинлари Ғарбий Оврўпа халқи олдида ижро этилди. Биринчи маротабаданок кутилган даражадан ортиқроқ муваффақият қозонди.

Берлин ашулашунослари Муҳиддин қорини ҳузурларида имтиҳон қилиб кўрдилар. Муҳиддин қори ўзининг Оврўпода ўқиш тилаги борлигини билдирганда, улар бунга маслаҳат бермадилар.

Муҳиддин қори ҳозир Фарғонада ўзбекнинг йўқолиш олдида турган эски ашула ва куйларини тўпламоқдадир. Ашулаларнинг худди табиий куйини сақламоқлик учун яқинда Берлиндан келтирилган фонограф ускунаси билан иш кўрса керак. Муҳиддин қорида ўзбек йигитлари ва қизларидан иборат бир этнография труппасини тузиш фикри бор. Бу труппа тузилса, ташкилий суръатда иш кўрмак мумкин бўлғусидир.

*Ер юзи. 1926 йил. №6.*

## 30-35 ЙИЛ МУСИҚИЙ ЙЎЛИДА

Шарқ мусиқаси ўзининг нозиклиги, бир неча юз йиллардан буён сақланиб келиши томонидан ғоят аҳамиятга моликдир. Қозоқ, қирғиз ва бошқирд каби кўчманчи халқларда бўлган оқин-ўланчилар ўзбекда ҳам бор. Бизда уни эски тарихий исми билан «Бахши» деб атайдилар. Илгари ҳар қаю элатдан 2-3 лаб топиладирган бахшилар ҳозир куч билан баъзи ерларда топиладир. Ўртоқ Ғози Олимнинг текшириши бўйича Самарқанд теварагида бир-икки бахши бор. Ҳам Тошкент тумани Қонжиғали кентида бир бахши бўлган. Бир вақтларда Фарғонада бўлган саёҳатимда Шаҳрихон теварагинда ҳам Самарқанд томонида Қизилтепада бирор бахши борлигина эшитган эдим.

Шунингдек, ашула қилодирғон, миллий мусиқа асбобларида чала оладирғон уста чолғучилар ҳар қаю турк қабилаларида бўлганидек, ўзбекда буларнинг ғоят нозик, ҳам ғоят санъаткор устолари бор.

Тарих учун эски тарихий бинолар ёки баъзи қўлёзма китоблар қандай муҳим бўлса, булар ундан ҳам муҳимдирлар. Бизга шул куйчилардан фойдаланиб, шогирдлар бериб, мусиқамизнинг мавжуд ҳолини сақлаш ва куйларни тамоман ўз ҳолича нотага кўчириш ва сўнгра камчилик ерларини тузатиш зарурдир.

Мана бу ҳол Оврўпанинг ҳар бир маданий миллатларида бордир. Озарбойжон, Анатўлу турклари кўпдан буён бу йўлда иш кўрмоқдалар. Ўзбекистонга келганда инқилобдан буён бу йўлда яхши қадам босилди. Бухоро, Тошкентда очилган «Шарқ мактаблари» бор. Бу йўлда бу кунгача қилиниб келган ҳаракатлар бизда ҳам миллий мусиқани сақлаш ва тиргазиш ҳақида бир мунча иш кўрилиб тургани учун катта шохиддир. Энди шул тарихий бир тусни олиб келатурғон чолғучи

ашулачиларимизга келганда, улар бармоқ билан санарлик оз бўлганидек, кўплари бир неча ўн йиллаб ушбу йўлда хизмат қилганлари ҳолда уларни тақдир қилиш масаласи ҳануз олдинга қўйилган эмасди. Яхши текшириб кўрилганда бундай чолғучилар Жумҳуриятимизнинг ҳар қаю ерида бор. Тошкентда Мулло Тўйчи, Шораҳим, Абдусоат ва бошқалар. Бухорода Жалол ота, Ҳайдарқул, Мирзо Ғиёс, Домла Ҳалим ва бошқалар. Самарқандда Ҳожи Абдулазиз, Хўжандда Содирхон, Фарғонада Юсуфқизик ва бошқалар.

Буларнинг ҳар қайсиси ўзбекнинг ёниб турган чироқлари!

Яхши текшириш соясида Тошкентда бўлган чолғучиларимиздан Мулло Тўйчи ашула ва мусиқа ишига кирганига 35 йил, Шораҳим ва Абдусоатларга 30 йил тўлгани билинди. Шул сабаблик булар учун яқинда юбилей (тўй) қилишга қарор қилиниб, вилоят маориф шўъбаси томонидан булар учун пенсия тайин қилинмоғи ҳақида тегишли ерлардан сўрашга, ҳам вилоят ижроқўми ва маориф комиссарлиги орқали Марказий ижроқўмдан буларга «Халқ чолғучиси» унвони берилмагини сўрашга ва уларнинг болаларини ўқув юртларида текин тарбия қилишга қарор чиқарилди. Шул муносабат билан ушбу уч сиймонинг қисқароқ таржимаи ҳолини ёзишни муносиб кўрдим:

Тўйчи Тошмуҳаммад ўғли: 56 ёш, ўзбек. Ихтисоси ашулачилик (ҳофизлик), ғоят фақир. Тўйчи ака ушбу йиллар ашулачилик ишига чинакам киришганига 35 йил тўлади. Тўйчи аканинг мусиқа оламида хизмати катта. 1907 йил бўлса керак, биринчи қатла ўзбек куйларини граммафонга беришга муваффақ бўлган. Ҳам бир қанча куйларни тузатиб, мақомга солган. Тўйчи аканинг товуши яхши таъсирлик бўлиши устига, ғоят уста айтгани сабабидан, Ўрта Осиёнинг ҳар қаю ерида донғи чиққан. Бундан таълим олган бир қанча шогирдлари ҳам бор.

Шораҳим Шоумар ўғли: 46 яшар, ўзбек. Ихтисоси ашулага. Чолғудан танбурни уста чаладир. Шораҳим 16 ёшидан

чинакам мусиқа ишига киришган. Ҳозир хизматига 30 йил тўладир. Куйлардан бир қанчасини тузатиб мақомга солган. Ўзи томонидан «Илғор»нинг янги куйини, «Савти Илғор», «Тошкент Ироғи» исмида куйлар чиқорган. Эски шаҳар миллий мусиқа мактаби очилган кунидан бошлаб энг чолишғон<sup>204</sup> ўқитувчиларидан бўлган. Шораҳим ва чолғучиларнинг ғайрати билан беш йил ичида 9 ўзбек йигити миллий мусиқа мактабини бу йил биринчи қатла тугал битирди. Ўтган йил Шораҳим чолғу ишида бир неча Оврўпа мусиқашунослари орасида кўрик бериб, офарин қозонди, ҳам бултур машхур мусиқа профессори Успенский билан биргалашиб юздан ортиқ ўзбекча эски ва янги куйларни нотага берди. Ҳозир шул куйлар Масковда босилиб турадир.

Абдусоат Абдуваҳҳоб ўғли: 46 яшар, ўзбек. Ихтисоси дуторга. Абдусоат бутун Ўрта Осиёда дутор чалишда биринчи ўринда турадир. Бунинг хизматига ҳам 30 йил тўладир. Абдусоат ҳам Шораҳимдан бир оз сўнгра миллий мусиқа мактабига муаллимликка чақирилиб, ҳозир фаолият билан ишлаб турадир. Бу йил мактабни битирган кишиларга хизмат қилишда Абдусоат ҳам шерикдир. Оқсоқол чолғучимизнинг хизматини тақдир этиш, албатта, зарур.

Мана бу уч сиймонинг қисқача таржимаи ҳолини ёзиш билан баробар, буни кенг суратда тафтиш қилиш ва бошқа шаҳарларда ҳам шоён тақдир бўлган чолғучиларимизнинг хизматларини текшириш ва тақдир қилишни бошқа ҳаваскор ва мусиқа дўстларидан сўраб қоламиз. Шунинг билан уч мусиқа қаҳрамонларимизнинг узоқ муддатлик хизматларини тақдир қилиб, юбилейларини табрик қилишда «Ер юзи» ўқувчилари билан ўртоқлашаман.

*Ер юзи. 1926 йил. №10.*

<sup>204</sup> Чолишғон – фаол, билимдон.

## ЎЗБЕК КУЙЛАРИНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН

Узоқ йиллардан бери халқ бастакорлари ва шоирларимиз томонидан ёзилиб, халқ шоирлари оғзидан айтилиб келган, ота-боболаримиздан мерос қолаётган қимматлик, бой ўзбекча куйлар замоннинг ўтиши билан йўқолиш даражасига келиб қолмоқдадир.

Замон ўтган сари турмуш ўзгариб ва бунга қараб халқнинг фикри, ҳиссиёти ўзгарганидек, халқ шоирларининг ижодиётида ҳам бир қанча янгиликлар яратилмоқдадир. Илгари борғон сари эски куйлар узоқ бурчакларда, эски халқ шоирларидагина қолмоқдадир.

Бу кетишда бир неча йил ўтмасдан эски ўзбек куйлари орамиздан йўқоладир.

Янги бир асар яратилмоқликда эскилар анча ёрдам берадир, эскини билганда янгилар анча мукамал бўладир.

Мана бунинг учун эски куйларимизни сақлаш чорасини ҳозирдан кўришимиз керак.

Оврўпа мусиқасига, куйларига назар солсак, ҳар бир куйни нўтаға олиш билан сақлаб қолмоқда эканлигини кўрамиз. Бизда нўта йўқ. Нўта бўлғонда ҳам куйларимизни сақлаб қолғон бўлардик. У куйларнинг йўли, мақоми, тузилиши ва халққа бўлғон таассуроти билан янги наслларимиз ҳам ошно бўлиб, шунинг орқасида ўзбек мусиқасида ўзбек тарихи тараққиётини йўқотмасликқа эга бўлар эдик.

«Ажабо, биз ҳам куйларимизни Оврўпа нўтасига олиб, доим сақлаб келсак бўлмайдирми?» деган бир фикр майдонга чиқиши мумкин. Бу жуда яхши фикр. Фақат ўзбек куйларини нўтаға олинишини ўйлаганимизда яна шундай масала келиб чиқадики, ўзбек куйларини ҳозир нўтаға ола оламиз-



ми, йўқми? Башарти, олғонимизда бизда нўта йўқ, албатта Оврўпа нўтасиға олинадир. Менимча, Оврўпа нўтасиға олиш мумкин эмас (!).

Бизнинг ўзбек куйларининг кўпида чорак ва нимчорак товушлар бор. Мана бу товушларни олмоқ учун Оврўпа нўтаси етишмайдур, буларсиз бизнинг куйларни нўтага олиб бўлмайдир. Мен буни ўз тажрибам билан кўрдим. 1923 йилда Московда таҳсилда вақтимда мусиқийшунос ўртоқ Мирўнуф билан биргаликда кўп ҳаракатлар орқасида бир неча ўзбек куйларини нўтага олдириб бостириб чиқардик, шунингдек, ўртоқ Успенский тарафидан «Шашмақом» ва бошқа куйлар нўтага олинди.

Энди бу Оврўпа куйлари билан йиғилғон ўзбек куйларини чолдириб, ўқитиб кўрсак, ажабо, асл куйни эшита оламизми? Шунга қаноатланамизми? Албатта, йўқ.

Мен ҳали айтиб ўтган нўтани бостириб чиқорғонида анча муваффақият қозондиқ деган эдим. Лекин ҳозир текшириб кўрсам, бутунлай янглиш экан. Ҳалигидай чорак, нимчорак товушлар бўлмағондан куйни айнан ифода этмас экан. Ҳозир ўша нўталарга ўзим ҳеч бир қиймат бермайман. Албатта, бошқалар ҳам шундай.

Сўнгра мен Русия ва Оврўпага қилғон саёҳатимда уларнинг кўп мусиқийшунослари билан сўзлашдим. Улар шарқ куйларини сақлаш учун Оврўпа асбобларидан бошқа шарқ учун алоҳида бир асбоб ясаб, шунинг воситаси билан иш кўришни маъқул топадилар, Шарқ учун айрим йўл тутишни, айниқса, Оврўпанинг машҳур мусиқийшуноси профессор Шумман жуда тўғри топадир ва ўзи шу йўлда ортиқ даражада ишлагандир. Чунончи, профессор Шумман «Фунугроф» асбоб воситаси билан шарқ куйларидан ўн беш мингга яқинини тўплағон ва куйларни нўтага олиш чорасини излаб, натижада ўзи шарқ куйлари учун пианинога ўхшаш бир асбоб ихтиро этган, бу ҳалиги чорак ва ним чорак товушларни бера оладир. Профессор Шумман шу асбоб билан шарқ куйларини

чалиб нўтаға олиш мумкинлигини билдирадир. Фақат бир ачинарлик ҳол борки, Шумман бу асбобни ўзи чиқарғон бўлса ҳам чала олмайдур, бошқаларнинг ҳам қўлидан келмайдур. Фақат ул асбобда товушларни тайин эта оладир.

Энди нима қилиш керак? Шундай кета берадимиз?

Куйларни тўплаш учун Оврўпада, хусусан, Олмонияда «Фунгуроф» деган бир асбоб бор. Уни ҳаракатга келтириб туриб, куйлаган вақтда граммафунға ўхшаб бутун овозни ўзиға йиғиб оладир. Иккинчи қайтариб ҳаракатга келтирсангиз, ҳалиги айтган куйларингизни айнан, ҳатто ўз овозингиз билан ўзингизга айтиб берадир. Биз ҳозирча шу асбобдан фойдалана оламиз, бу асбоб воситаси билан тўплонғон куйни 30-40 йил сақлаш ҳам мумкиндир (Комиссарлар Шўросининг раиси ўртоқ Файзулла Хўжаев шу асбобни олдимок учун Олмонияга сипориш берди. Тезда келиб қолса керак).

Оврўпа нотасига ўзбек куйларини ҳеч олиб бўлмайдир эмас, бўладир. Фақат ҳаммасини эмас. Баъзи бир кичик куйлар Оврўпа нотасига жуда ёпишиб келадир. Аммо ҳалигидек чорак ва нимчорак товушлик куйлар яна эски ҳолида қоладир. Буларни юқорида айтилган ускуна воситаси билан олмақдан бошқа чора йўқ. Бу тўғрида мусиқа ҳаваскорларидан ўз фикрларини айтиб ўтишларини ва маслаҳат беришларини кутиб қоламиз.

*«Ер юзи». 1926 йил, август. №11.*

## ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ТЎҒРИСИДА

Биз ўзбеклар ўзимизнинг мусиқамизнинг жудаям бой экани тўғрисида кўп гапирдик. Ҳам гапириб турибмиз. Бу ишимиз ёмон эмас, албатта. У бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида 300 дан ортиқ куй сақлаган, бир мусиқаки, бу кун 15 га яқин чоғунинг эгасидир, бир мусиқаки, ўзининг текширишга лойиқ... назарияси, усули бор. Уни мохтағонлар, албатта, тўғри сўзлайлар.

Бу масъаланинг мантиқий, назарий ёғи, биз масъаланинг мана шу назарий томонига, шу мантиқига суянибгина турсак, ҳеч шубҳа йўқ, алданган бўламиз. Амалий томонга ҳам бир оз қараб қўйишимиз керак. Бошлаб масъаланинг расмий томонини кўрайлик: Ҳукуматимиз, Маориф халқ комиссарлигимиз ўзбек мусиқасига аҳамият берадиларми? Албатта, жуда катта аҳамият берадилар. Бугун Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида, ҳатто баъзи туманларида ҳам мусиқа техникумлари очилган. Буларда бизнинг ўзбек мусиқа устодлари йиғилиб, ўзбек йигитларига сабоқ бермоқдалар. Бу кунларда Маориф халқ комиссарлиги халқ шўроси ёнида Ўзбек мусиқий институти очиш плони тузилмоқда.

Мана булар ҳукуматнинг ўзбек мусиқийсига жуда катта аҳамият бераётганин кўрсатадир. Шундай бўлса ҳам, мусиқамизнинг бир кўп етишмаган томонлари, камчиликлари кўришиб турадир. Масалан, инқилоб алангаси билан қайнаган янги ҳаётга мусиқамиз аралашиб бора олмайди. Ёшларимизнинг буюк бир қисмига севдириш майдонида оқсаб турадир. Ўзбекистонга хориждан келганларнинг ёлғиз мусиқий олими бўлганларигина бизим мусиқага аҳамият берадилар, қолганлари эса бетарафрак бўлиб турадилар. Мана бу камчиликлар мусиқамизда бор. Муни кўпимиз иқрор қиламиз. Бунинг сабаби нима? Бунга бир кўп сабаблар бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда бу кўп сабаблар орасинда тубандагилар ҳам муҳим ўрин тутса

керак: Бизнинг мусиқанинг бугунги устодлари орасида унинг назарий томонларини билган кишилар йўқ. Улар ишнинг бу томонларига яношмоқ истамайлар. Шунинг учун бир кўп янглиш ҳаракатларга сабаб бўладирлар. Қандай куйларни қандай ўринларга муносиб тушгани тўғрисида ҳеч бир фикр юритмайдирлар... (Мисолга инқилобий руҳдаги сўзларга Ироқ, Наво каби мақом куйларини тушириш саводсизлик, бундай нарсаларга халқ куйлари ёхуд шўхроқ қисмларидан олиш керак...).

Бизнинг бугунги мусиқа устодларимиз чолғуларнинг бири-бирига муносабати тўғрисида ҳам катта янглишликлар кўрсатадилар. Бир танбур билан бир дутор топилса дарҳол бир ғижжак билан бир чанг қўшадилар. Ҳолбуки, бир ғижжак товуши икки танбурнинг товушини еб қўяди. Биргина танбурни бир ғижжак билан бир чангга топшириш у бечорани бўғиб ўлдиришдан бошқа нарса эмасдир.

Бизнинг бурунги усталар масалани бутунлай бошқача қўйганлар:

Уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир ғижжак, бир балабон, бир қўшнаё, бир чанг, бир доира.

Икки танбур, бир қўбиз, бир дутор, бир най, бир доира.

Икки танбур, бир қўбиз, бир доира (дутор ҳам қўшилса мумкин дир).

Ҳеч бўлмаганда бир танбур, бир дутор, бир доира.

Бурунги усталар шу ёки шунга яқин бир тартиб билан мусиқа чалгандирлар. Мусиқамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир. Мусиқамизда бирлик йўқ. Бир куй Хивада бошқа, Бухорода бошқа, Фарғонада бошқа, Тошкентда бошқача чолинадир. Ҳозирги техникумларимиз ҳам шул чизиқдан чиқолмай юрадирлар. Буни йўқотиш учун мусиқа техникумларимиздан бошлаб ишга киришмоқ керак. Мусиқа техникумларига Маориф комиссарлиги тарафидан умумий проғрам бериш, унга кирган куйларни нўтага олиб (ҳеч бўлмаганда Хоразм нўтасига олиб (!)) тарқатиш ва дарсларни шул нўтага мувофиқ суратда давом этишларини талаб қилиш лозим.

*Аланга. 1928 йил. №2.*

## ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ТЎҒРИСИДА

*Бу мақола ўзбек мусиқаси тўғрисида тўла бир нарса беролмас ва иқтисодий ва ижтимоий сабаблар таъсирини эсга олмас ва ҳам, ўзбек мусиқаси ҳақида кенг муҳофиза очув тилағи билан ҳам материал сифатида босамиз ва бунга яхши диққат қилинувини ўқувчиларимиздан сўраймиз.*

БОШҚАРМАДАН

Замонимиз янги турмуш қуриш даври бўлиб, кўпларимиз турли нарса устида янги турмушга бирга олиб кириши тўғрисида турлича мулоҳозалар юрита бошладилар. Жумладан, мусиқа ҳақида ҳар ким ўз фикрини катта йиғинларда, ҳатто матбуотда айтдилар; шундай-ки, янги турмуш истакларига мусиқамиз жавоб бера олмагани баробарида, мусиқа ўзбекнинг ўз мусиқаси бўлмай, араб, эрон ва ҳинддан кириб келган ёт ва руҳ туширадирган энг эски мусиқа. Биз бундан ҳозирги замон истагига лойиқ жавоб ололмаймиз деб; баъзилар бутунлай бу мусиқани тарк этиб, Оврўпо мусиқасига кўчишни, баъзилар шу мусиқани бир оз ислоҳ билан тузатишни, баъзилар эса, шу эски ҳолича қолдиришни лозим топадилар ва ислоҳ этилгани билан ҳеч нарсага ярамайди, бутун ташлаш керак, бу мусиқий ўзбекники эмас, шунга кўра янги ўзбек мусиқаси яратиш керак ёки Оврўпа мусиқасига кўчиш керак деявчилар бўлди ва бўлмоқда. Мен мана шуларга жавоб учун ушбу мақолани тақдим этаман.

Ўзбек мусиқаси умум Шарқ мусиқаси ила баробар кенг ўрин ололмаган бўлса-да, жуда эскидан ўзбекларда мусиқа бор эканлиги баъзи эртақлардан ва билармонлар сўзларидан англашилади. Мусиқа ҳақида бизда бир ҳикоя бор: бир замонлар бир чўпон далада қўй боқиб юриб, зерикиб, сассиқ

кафа деган, ораси ковак бир ўтти ўйнаб ўтириб, қирқиб, пуфлаб кўради-да, тасодифий ҳолда кўлидаги чўпнинг ковагини тил ва тишлари орасида пуфлаб, хуштаксимон товуш чиқаради. Чўпон қизиқиб, ўйлаб-ўйлаб, чўпга бир неча жойидан тешик очиб, тил ва тили билан чўп ковагининг ярмисини тўсиб пуфлаб чиқарган товушни ҳалиги очган тешикларни кўли билан ёпиб-очиб, турли товуш чиқаради. Кўп вақт чалиб, малакаланиб, бир куйга солиб ўйнай бошлайди. Шундан сўнг қурай деган чолғу чўпонлар орасида ёйилади. Мана бу қурай ҳозирда ҳам оз бўлсада Фарғонада чўпонлар орасида бор (Бошқирдистонда жуда ҳам кўп ишлатиладирган мусиқа қурол шул қурай бор. Яна Хива ва туркманларда «дудук» исми билан шул қурай кўпгина ишлатиладир). Яна шунга ўхшаш чўпон кўй боқиб юриб, бир ерда ёнбошлаб ётса, бир томондан ёқимли бир товуш эшитилади. Ҳар томон қаранади, ҳеч ким йўқ. Келган товуш одам ёки ҳайвонники эмас, ҳайрон бўлиб, эс қўйиб қидира бошлайди. Қараса, бир қовоқ палласи ерда ётибдир. Унинг оғзига бир от қили икки томонидан банд бўлиб тортилиб қолибдир. Ўтган шамол тегиб, шундан чиққан товуш экан. Чўпон шул қовоқ палласига даста ишлаб, қил мустаҳкамлаб, қил билан ишлаб чиққан товушни куйга келтириб, ундан кўбиз ясаган эмиш. Мана буларга ўхшаш қари момолар сўзлаган эртақлар орасида эшитилганига кўра, Ўзбекистонда Шарқ мусиқаси араблар Ўзбекистонни Эрон аскарлари аралаш келиб олиб ўз маданиятларини тарқатиб, шу билан ўз санъат ва мусиқаларини Ўзбекистонга киритмасидан илгари ҳам ўзбекча мусиқа бўлганини, мана шу хил афсонавий бўлсада оналар эртагидаги учраган парчалар, менинг тушунчамга кўра, ўзбекнинг жуда эскидан мусиқаси бор эканини тасдиқлайдир.

Ўртоқ Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» деган китобчасининг 51-бетида «мусиқамизнинг тарихига бир қараш» сарлавҳали бобида «китобимизнинг бошида услуб ўзгалигига қарамасдан асослар, назариялар эътибори билан

бир бўлган Шарқ муסיқасининг борлигини сўзлаган эдик. Бу бирлик араб истилосидан сўнг мусулмон миллатлари аро қурилган мадраса бирлигининг натижасидир» деб бошлаб, қуйироқда «мана шу тубда бирлашган Шарқ муסיқасидан бурун туркларда ўз бошли тамаллари, ўз бошли назариялари билан бир турк муסיқаси борми эди? Бўлса қандай йўсинда эди? Бу бизга маълум эмас. Араб ислом сиёсати ҳиммати билан орадан йўқолган бир кўп миллий асарларимиз билан биргалашиб муסיқамиз ҳам йўқлик чуқурига кўмилган, битган. Катта бир йўлдан ўтиб кетган улуг бир карвоннинг изи қолмайдурми? Мана шунга ўхшаш араб истилосидан бурунги турк муסיқасининг изларигина қолгандир» дейдир. Ҳам шу китобнинг 53-бетида «Турк муסיқасининг бизда қолган энг бурунги излари бахши, ўзон, кўбиз сўзларидир» дейдир. Мана бу ҳам кўрсатадир-ки, ўзбекда энг эскидан бери маълум муסיқа бўлган. Маълумки, ҳар нарса ижод этилганидан сўнг шу ҳолида қола бермай, унинг ишлаб ўзлаштирувчилари томонидан мукамаллаша борадир, ҳам қўшни элларда кўрганларин кўшиб яхши ҳолга қўйила борадир. Бизнинг энг яқин қўшнимиз Хитой, маданиятимизга кўпроқ сабабчи бўлган эрониларнинг ҳам муסיқамизга таъсири бўлмай қолмагандир. Чунки, араб истилосидан бурун Шарқдаги турли миллатлар орасида жуда кучли олиш-бериш ва қатнаш борарди. Мана бу хил олиш-бериш орқали бўлса керакким, ҳозирги муסיқамизда, ҳатто Эрон ва ҳиндлашган бўлса-да, Хитой таъсирини кўрамиз. Мен муסיқамиз тарихин ўрганмак учун турли ернинг муסיқийшунослари, ўзбек муסיқачилари билан сўйлашганимда кўпларининг фикри шул тубандагича чиқди: «бизнинг муסיқамиз Урганч турклари орқали ўтиб келган Эрон муסיқаси бўлса-да, Хитой турклари Қошғар таъсирида» дейдилар. Шунга ўхшаш, бизнинг муסיқада бошқаларнинг таъсири бўлгани каби Хитой таъсири балки кўпрак бўлса керак. Чунки, Хитой бизга жуда ҳам яқин.

Ўртоқ Фитрат муסיқа тарихи китобчасининг 54-бетида «туркларда куйлар тўғрисида усмонли муסיқашуносларидан

Райф Яктобекнинг Мароғоли Хўжа Абдуқодир Найидан кўчирилиб ёзғониға кўра туркларда учта усул доираси бор эмиш. Турклар бутун куйларини, ашулаларини шул уч усул доираси узра ижро қилар эмишлар. Буларга кўк (куй бўлса керак)лар дер эмишлар. Хитойларда 360 куй яралмиш. Турк ҳоқонларининг мажлисларида бу 360 куйнинг ҳар бири бир кунда чалиниб, бир йилда тамом бўлар эмиш. Бу уч юз кўкнинг буюги, асоси 9 кўк эмиш. Буларнинг отлари: улуғ кўк, аслон чоп, пурс, қулоду, қутотқу, бурсторға, жинтой, жолинсой, шондоқ эмиш». Фитратнинг таҳлилига кўра, аслон чоп – чоп аслон – чап андоз шаклида ҳозирги бизнинг чапандоз усул доираси эканида шубҳа йўқ демакчи бўлади. Ҳам Навоийнинг:

*«Эй сарв, сен ҳам бир ўюн кўргиз,  
Ятуғон бирла Улуғ жирини туз», –*

деган тизимидан «ятуғон» исмли бир чолғу билан «Улуғ» исмли бир жир (татарча – жир, бизча – куй)нинг Навоий замонида борлиги англашилади. «Бу «Улуғ жир» юқоридаги «Улуғ кўк» ё унинг бир бўлаги эканига шубҳа йўқдир» дейдир. Мана бу тониқлар билан демоқчи бўламанки, истар ким таъсирида бўлса-да, бизнинг мусиқа эскидан бор бўлган. Сўнг араб истилосидан сўнг бизга келган эронилар орқали ҳозирги умумий Шарқ мусиқаси аталган ва ўз руҳимизга кўра ўзлаштирилган.

Ўзбек классик мусиқамиз-да бор. Бу мусиқамиз турли даврларда яхшигина ўсиб, гоҳ тушиб, то шу чоққача келмоқда. Ҳам соф турк-ўзбек мусиқаси классик мусиқага ўз ўрнини бермай тортишиб келмоқдаким, ҳозирги давримизда кўп жойда кўбиз-дўмбира (калта дутор) билан миллий куйларимизни чолиб, эл дostonларин куйловчи бахшилар топилади. Ва эл орасида ўлан, лапар, тўйларда ёр-ёрлар айтила келади, ҳам йилдан-йилга янги яллалар чиқиб, халқ куйи номи-ла тарқалиб турмоқда.



Юқорида бор деганим классик мусиқамизнинг тузулиши ва тарихига қарамакчи бўлсак, бу ҳақида сўз узайтиб ўтирмасдан, ўртоқ Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» деган китобчасини кўриш кифоя қилса керак.

Юқорида дегимдек, классик мусиқамиз турли даврларда ўсиб, гоҳ тушиб, шу чоққача келди. Ўзбекистон томонларида мусиқанинг бошлаб кучли юксалган даври Амир Темур давридир. Фитрат мусиқа тарихи китобчасида «ҳижрий 8-милжар (аср) да машхур Амир Темур қайси ўлкани бориб олса, ундаги буюк олимлар, катта усталар, улуғ шоирлар, улкан санъаткорларни Самарқандга келтирар эди. Шу йўл билан ўзининг пойтахтини дунёнинг энг буюк шаҳари қилишга тиришар эди. «Зубдат ул-адвор», «Мақодис ул-алҳон» исмли мусиқа китобларини ёзган Марғали Хўжа Абдулқодир билан «Шарафия» исмли мусиқа китобини ёзган урмиялик Сайфуддин Абдулмўминга ўхшаган улуғ мусиқий усталари ҳам шул келтирилганлар орасида эдилар. Амир Темурдан бурун ҳам Ўрта Осиёда асослари араб-эрондан қолган мусиқа санъати бор эди. Бироқ, Темурнинг буйруғи билан ҳар томондан келтирилган ихтисосчи олимларнинг ғайратлари билан бу санъат бирдан жонланди, оёққа босди. Ислом Шарқининг ҳар томонидан келтирилган чолғулар, чолғучилар бизнинг бу кунги классик мусиқамизнинг юксалишига, кўтарилишига хизмат қилдилар» деб ёзади. Бу гуллаган давр Улуғбекдан сўнг диний таассуф сиқиндиси остида бир оз сўниб, сўнг Хусайн Бойқаро ва Навоийлардек мусиқашунослар ҳимояси билан Ҳиротда яна гуллайди. Бу даврдан намуна учун ҳозиргача келган «Қарри Навоий» деган бир куй борким, бу куйни «Хоразм мусиқа тарихчаси»да ҳам, Фитрат ҳам ўз китобчасида Навоийга нисбат берадилар. Бундан сўнг Туркистонни ўзбек хони Шайбонихон олиб, ўзбеклар қўлига ўтган давр (1006 ҳижрий), Шайбонихон жияни Убайдуллохон замонида мусиқамиз яна диний таассуф ҳужумига учради. Бу вақтларда мусиқа олими Кавкабий мусиқа мақомларининг ҳар бирини бир пайғамбарга нисбат бериб, мусиқани шариятга хилоф эмас деб кўрсатишга тиришади.

Шундай бўлса-да, диний таассуфнинг кучлилигидан гоҳ кучлик, гоҳ кучсиз ҳолда сақланиб келади.

Хивалик мулла Бекжон Раҳмон ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқа тарихчаси» номли асарида кўрсатилишича, 1221 йилдан бошлаб Шарқ мусиқаси Урганч-Хивада бир оз кўтарилга бошлайди. Ҳатто, хонлардан Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Саййид Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳим Сонийлар мусиқа ҳаваскорлари бўлиб, шу сояда мусиқа гуллай бошлайди. Комил Хоразмий (Паҳлавон Ниёз Мирзабоши)дек мусиқа олимлари етишади ва танбур учун «Хоразм чизиғи» деб аталган мусиқа нотаси вужудга келади.

Мана бу даврларда Ўзбекистонда ҳам адабиёт ва мусиқага имтилиш даври бошланиб, Фарғона хонларидан Амир Умархон замонида (1225 ҳ.) Урганчга қашқардан бориб, мусиқа илмини ўрганиб келган машхур қашқарлик Худойберди устоз Умархон саройида қолади. Бу уста чолғучи Худойберди устоздан саройдаги хонзодалар ўрганиб, мусиқага рағбат орта боради. Ҳатто, Умархондан сўнг Мадалихон мусиқага жуда ҳам ҳаваслик бўлиб, Ургачдан Солиҳбек деган чолғучи ва Мўминбек деган чолғу усталарини чақиртириб, мусиқа тарқалишига сабабчи бўлади. Мадалихон ўзи мусиқага яхшигина чолғучи ва бастакор бўлиб, ҳозир замонга қадар бор бўлган «Мадалихон» деган куйни чиқоради. Ва яқин бекларидан Каримқулбек дегани ҳали ҳам ҳамма мусиқачиларимизнинг биладирган «Каримқулибеги» куйини басталайди. Шунга кўра бўлса керак, Фарғона ва Тошкентда халқ оғзида бир айтик бор:

*«Хум, хум, ҳазрат, хум,  
Умар Алихону Мадалибек,  
Мадаминбекнинг замонида  
Тарала гиж-донг, тарала гиж-донг»,*

– деб айтиб куйлашганлари ўшал замоннинг мусиқасини яхшигина кўтарилганига тангноқ бўлса керак. Мана бу энг

сўнги мусиқамизнинг кўтарилган давридирким, бу давр бизнинг ҳозирги кўп, балки ҳамма мусиқий усталаримизни етказиб берди.

Мен мусиқамизнинг тарихин англамак бўлиб Тошкент, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган мусиқа усталари билан бўлган мусоҳабам натижасида шундай кўринадирким, ҳамма мусиқа усталаримиз бир ё икки восита билан машхур Худойберди устозга тақалади. Бори тўрттагина Солиҳбекка борадир.

Тошкент, Қўқон мусиқачилари Қўқон хони Худоёрхоннинг махрами Ашурали Маҳрам шогирдлари бўлиб, Ашурали Маҳрам бўлса Худойберди устознинг шогирди экан. Қолганлари эса Худойберди устознинг бошқа шогирдларидан таълим олганлар.

Самарқанднинг машхур чолғу ва ашулачиси Ҳожи Абдулазиз ўртада бир уста воситаси билан урганчлик Ёқуб дорчига боради, ҳам Фарғона йўлларини Ашурали Маҳрамдан таълим олиб, ўзи мухаммас бойлаб, ўзлаштириб олганин ўз оғзи билан сўзлайди. Юқорида деганимдек, бизнинг мақом «йўллар»ида Урганч таъсири бор бўлганидек, Қошғар таъсири ҳам бор. Чунки, сўнги устозлардан иккиси соф урганчлик, бири эса (Худойберди устоз) аслан қошғарлик бўлиб, Урганчда 18 йил туриб, мусиқа илмидан таҳсил олиб келган. Яқинда мусиқа институтининг муаллимларидан хивалик Муҳаммад Юсуф Девонзода билан сўзлашганимда «Худойберди деган бир қашқари бундан тахминан 150 йиллар илгари Урганч келиб, уйланиб, 18 йил туриб, мусиқа илмин ўрганиб, сўнг Фарғона бориб тўхтаб қолган экан» деб эски устозлардан эшитганин сўйлади.

Бундан бошқа тошкентлик эски кўп устозларни кўрган Сайид Аҳмадхон ота (78 ёшда) билан сўйлашганимда «бизнинг мусиқамизда Урганч ва Қошғар таъсири бор, чунки кўп мусиқа устозларимизнинг устози Худойберди устоз қошғарлик, 18 йил Урганчда мусиқа илмин ўрганиб, Умархон замо-

нида Фарғонага келиб қолган, ундан чиққан шогирдлар ҳозирги ҳамма мусиқачиларимизнинг устози» дейдир. Мана булар кўрсатадирким, бизнинг мусиқада Урганч ҳам Қошғарнинг таъсири бўлгани билан бизга ўз руҳимизга кўра ўзлашдирилган, яъни ўзбеклаштирилган.

Юқоридаги даъвомга кўра ўз мусиқамиз бор бўлганин кўрсатмакка далил бўла биладир. Тошкентнинг машҳур танбурчиларидан мулло Шобарот танбурчи «бизнинг мусиқий йўлларимиз кўпроқ Урганч таъсирида бўлса-да, Қошғар таъсиридан ҳам қоча олмаган. Иккала таъсир остида бўлган мусиқамиз ўз руҳимизга кўра бир қанча қочруқ ва тузатишлар билан яхшигина силлиқланган. Бухоро, Самарқанд, Хива йўлларидан катта айирма билан айрилади» дейдир.

Фарғона ва Тошкентда кўпроқ Шашмақом йўллари деб Баёт, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Насрулло Шахноз куйларини атайдилар. Қўқон, Андижонда буларга Бузрук, Ушшоқ, Ироқларни ҳам қўшадилар. Булардан бошқа Наво, Ажам, Муножот, Ракбмушкилот, Тажнис деган классик мусиқа йўлларин билувчилар ҳар шаҳарда топилади. Бухоро шашмақоми булар: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ.

Бу юқорида кўрсатганим мақом йўллари бизда чолингани билан Эрон, Озарбайжон, Бухоро йўллари билан солиштирилганда бус-бутун бошқа. Бунга, юқорида кўрсатганимдек, ўзлаштирганимиз бўлса керак. Бу мақомлардан бўлак классик деб аталган ўз руҳимиздаги ўз куйларимиз борким, уларнинг отлари: Сарбарча, Мирзадавлат, Илғор, Сувора, Мискин, Адойи, Носири, Гиря, Нолиш, Нола, Кўчабоғи, Шароб, Абдураҳмонбеги, Каримқулибеги, Мадалихон, Хуррам, Дилхирож, Курд, Эшвой, Беги, Султон, Тўлқун, Галдир туя, Бўзлов, Ботир, Тараннум, Мўғулча, Қашқарча, Нисор, Қаландари, Сулум, Қарри Навоий ва бошқалар. Мана булар классик яллалар деб аталдилар.

Шу ердан шуни ҳам айтиш керакки, истар мақом, истар классик йўлларимизда жуда кўп қашқарча ва мўғилча деган

қўшимчалар ҳам чапандозлар учрайди. Мана булар, албатта, ўз томонимиздан қўшилган бўлишига шубҳа йўқ. Бундан бўлак Бухоро, Самарқанд, Фарғона йўлларида кўп куйлар авжи «Зебо Пари» аталадирким, уни Қўқон мусиқачилари машҳур Худойберди устоз шогирди қўқонлик Зебо Пари деган ҳофиз (ашулачи)га нисбат беришда жуда қаттиқ турадилар.

Яна халқ ашуласи деб аталиб, йилдан-йилга янги куйлар чиқиб туриши ҳам бизда эскидан бўлиб келган мусиқамизнинг борлигига шубҳа қолдирмайдир. Мана шул ҳужжатларга таяниб туриб дея оламанки, ўзбекнинг бор бўлган мана шул мусиқасин ислоҳлар билан тузатиб, ҳозиргача борлигин тутта билиб, шу чоққача келган мусиқамизни тамом ўрганиб, шунинг билан баравар Оврўпанинг мусиқа назариясини ва усулларини ўрганиб, шунга татбиқ йўли билан янги ўзбек мусиқасини яратиш керак.

Қўшимча: шул мақолага қўшила босилгон «мусиқачилар шажараси» ҳозирги мусиқачиларимизнинг неча восита билан Худойберди устога етишувини кўрсатоладир.

*Аланга. 1930 йил, январь. №1.*

## ХАЛҚ ҲОФИЗИ

Ўн беш яшар бола ўз таланти учун юксалиш макони ахтарар эди. Бироқ мактаб йўқ, театр йўқ, клуб йўқ. Талантларнинг ўсиши учун жон куярлик қилувчи ҳам йўқ. Энг фожиали феодализм қонунлари ҳукум сурган маҳаллар. Лекин кўшиқ айтиш керак. Ўн беш яшар Тўйчи отасининг устахонасида ҳуштагарлик қилади (бўзга оҳор беради) ва ундан-бундан эшитган ашулаларини ғинғиллаб юради.

Унинг овозини яхши деб сўзловчилар топилса-да, у овоз билан нима қилиши кераклигини ҳеч ким сўзламайдир. Шунинг учун даставвал унинг ашула ўрганиши ҳам маълум интизом билан бормасдан, чалама-чакки бўлди. У турли марака ва тўйларга келган созанда ва ҳофизларнинг кетидан қизиқиб юрди. Ҳофизлар томонидан айтилган Шашмақом куйлари талантли Тўйчининг энг ингичка ҳисларини қитиқларди. У кундан-кунга ашула ва мусиқанинг ошуфтаси бўлди. Ёши улғайгани сари турмуш ҳашаматлари кўпайиб, ёш Тўйчи турлик-турлик тирикчилик йўлларига кирди. Ўн тўққиз ёшидан бошлаб бир неча йиллар мудом ошпазхоналарда шогирдлик қилди. Лекин, ошпазхонанинг қўланса тутуни ва ходимларидан озод бўлган пайтларида юрагидаги мусиқали майлини эркаламасдан қўймас эди. Ниҳоят, ундаги тинимсиз интилиш катта ашулачиларнинг минжиғига киришига муваффақ этди.

Ҳозирда машҳур Тўйчи ҳофиз ҳисобланган ёш Тўйчининг устозлари исфаралик Мадумар ҳофиз, кўқонлик Назирхон ҳофизлар бўлдилар. Тўйчи ҳофиз булардан Шашмақом куйларини батамом ўрганди.

Шашмақом куйларини яхшилаб ўрганиш билан унинг таланти очилиб, мустақил ҳофиз бўла бошлади. Унинг хуш овози ва айтган ашулалари халққа манзур бўлди. Шу билан Тўйчи ака ашула, мусиқа оламида мустақкам қадам билан туриб қолди.

Яқин феодал замонларида ашулачиларнинг шу хил турлари машҳур эди: 1. Ҳофизлик – тўй, базмларда айтувчилар. 2. Зикрчилар – диний маросимлар ашулачилари. 3. Патнисчилар – баркаш товоқ билан ашула қилувчилар.

Тўйчи ака бу йўллардан фақат ҳофизликни ўрганди ва ашулаларни классик мақомларга олиб борди. 1905 йилларда у анча танилган, мустақил ҳофиз эди. Бу йиллардан бошлаб куйларда ва ҳофизлик ҳунарида янгилик ярата бошлади. Мана шу маҳалларда Тўйчи ҳофиз мусиқада, ашулада янгилик яратган бир сиймо бўлиб кўтарилди. У шашмақом куйларининг кўп нағмаларини бутунлай бошқа йўлларга солди ва ўзи янги нағмалар ижод этди. Шуниси қизиқки, у куйларни мусиқа асбоби билан эмас, балки ашула орқали ўзгартди. Унинг чиқарган янги йўли кўпчиликка манзур бўлиб, созларга кўчирила берди.

Шашмақом куйлари олти айрим мақомлардан иборат бўлиб, бу мақомларнинг ҳар бири яна турли қисмларга бўлинади. Тўйчи ҳофиз Баёт мақомининг 5-нағмасини, Чоргоҳ савтларини, Ушшоқ тароналари, Гулёри Шаҳнозни ўзгартирди. Бу куйларни ўзгартишда марҳум танбурчи Султонхон мусиқа билан ёрдамда бўлди. Натижада янги замоннинг янги қулоғига ёқадирган куйлар яратилди.

Тўйчи ҳофизнинг янги зарбдаги янги мақомлари 1907 йилда граммофонга олинди. Граммофонга олиш бу куйларни оммалаштирди. Шашмақом куйлари билан қўшилишиб туриб, Тўйчи ҳофизнинг номи Оврўпа мамлакатларига, Шарқ ўлкаларига тарқалди. Афғонистонга, Эронга, Хитойга саёҳат қилиб, ўзининг Шашмақомини ижро этди. Бундан ташқари, Тўйчи ҳофиз тубандагича куйларни ижод этди: Ҳаётаннабий, Нола, Дилбарихон, Гулойим, Илғор, Гиря, Савти гиря (Бухоро гирясидан бошқа) ва бошқалар...

1924 йилда Тўйчи ҳофиз Масковга борди. У ерда Шарқ мусиқа санъатини ўрганиш институтида уч ой хизмат қилди ва тақдирномалар билан қайтди. 1926 йилда Тошкентда Тўйчи

хофиз ижодининг 35 йиллик юбилейи ўтказилди. Унинг кексалигини назарга олиниб, 300 сўм нафақа тайин қилинди.

1932 йилда бўлган санъат слётида у ёшлар сингари жонлик ва тетик хизмат кўрсата олди. Бундан сўнг Тўйчи ҳофизга (Ўзбекистон) МИК (Марказий ижроия комитети) томонидан «Халқ артисти» номи берилди. Тўйчи ака ҳозирги даврга қадар кўп шогирдлар етказди. 68 ёшлик бу кекса ашулачининг 20 дан ортиқ шогирдлари Ўзбекистоннинг турли туманларида – Намангандан тортиб Хоразмгача хизмат қиладилар. Шогирдлари орасида Юнус Ражабий, Фулом қори, Набихўжа, Нурмат Тошмат, Қурбон Ҳаким, Абдуллажон Махсум, Абдурасул сингари кўзга кўринган кишилар бор.

Тўйчи ҳофиз 8 йилдан бери Ўзбекистон радио эшиттириш Марказида хизмат этадир. Бу жой кўп талантларнинг гуллаш маконидир. Бу ерда Озод Абдулла сингари энг ёш ашулачилардан тортиб кекса Домла Ҳалим ва Тўйчи ҳофизгача бордир. Бунда ўтмиш асрнинг кишиси билан янги аср болалари тажриба алмашадилар. Ўтмишнинг меросидан фойдаланиб, даврнинг юксак куйларини яратадилар (радио кўмита ҳам шу шарафга эга бўлиш учун уруниши зарур).

Ҳозирги театрлар, мусиқа мактаблари, мусиқа институтлари, консерваторияларда анчагина композиторлар ишлаб турадир.

Давлат мусиқали театрида шу кунгача қўйилиб келган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларнинг асосий мусиқалари Тўйчи ҳофиз Шашмақомларининг бир оз ўзгартирилганидан иборатдир. Ўзбек давлат опера театри вужудга келиши билан эски куйларни қайтадан кўриб чиқиш ва янги куйлар яратиш масалалари кескин турадир. Ҳозирда профессор Успенский томонидан «Фарҳод ва Ширин»ни гармонизация қилиш тажрибаси кўрилмоқда. Бу ишнинг муваффақиятли чиқиши катта тарихий иш бўлажак. Бу билан буюк ашулачи Тўйчи ҳофизнинг Шашмақом куйлари классик куйлар қаторида мустақкам қолажак.

*Машғала. 1932 йил декабрь. №4.*



## «БАЗМ-ЧОЛҒУ» ТЎДАСИ

Ўзбекистон маориф комиссарлиги томонидан «Давлат базм-чолғу (концерт) тўдаси» ташкил қилинмоқчи бўлиниб, бу ишни ашулачимиз Муҳиддин қори Ёқубийга топширилганини газеталарда ўқуб эдик. У тўғрида Маориф комиссари Мўмин Хўжанинг махсус мақоласини ўқигач, у ишга мазкур комиссарлик томонидан қандай жиддий аҳамият берилганини ҳам ўрганган эдик. Маориф комиссарлигимиз сўнгги вақтларда илм-маданият ишларининг бошқа хиллари қаторида ингичка санъатларга ҳам жиддий аҳамият бера бошладиким, буни кўргач севинмай ва уни олқишламай тура олмаймиз. Бошқа шарқлиқ жумхуриятлар бу йўлда албатта биздан кўпроқ ишлайлар. Буни ҳам куйиниб, ҳам суйиниб иқрор қилмоққа тўғри келадир. Яқинда Татаристон жумхурияти ўз саҳнасининг 20 йиллик байрамини жуда зўр тантаналар билан ўтказди. Байрамдан сўнг Масковга бориб ўюн қилган татар давлат драммаси ҳаддан ташқари катта муваффақиятлар қозонди. Москвадаги татарлар ва бошқа Шарқ халқларина эмас, ҳатто Шарққа қизиққан овруполиклар ҳам чинакам кўнгил кўйдилар. Озарбайжон жумхурияти ўзининг театр байрамини мундан бир-икки йил бурун ўтказган эди. Тунов кунгина Озарбайжон Маориф комиссарлиги давлат опера артисти «Булбул» ўртоқ қўл остида юборилган 7-8 кишилик ширин бир чолғу тўдаси Масковнинг Шарқ доираларини анча кўзғалон қилиб кетди. Кечагина яна ўша Озарбайжон Маориф комиссарлиги томонидан машҳур халқ ҳофизи Саробиский (Мажнун роли билан тонилғон) йўлдошлигида юборилган 20-30 кишилик муҳташам бир чолғу тўдаси Мейрхолд театрида Масковнинг овруполик қисмини ҳам анча онглантирди. Уч кунга деб тайинланган «базм-чолғу» (концерт) яна бир неча «уч кун»ларга чўзулди. Бу сўнгги тўдада Қофқозия миллатла-

рининг уч катта шохидан вакиллар бор эди: гуржи, армани, озарлардан. Чолғу тўдасининг чинакам уста устози дўхтур «Ивносяни» эди. Масков газеталари «Қофқозия жаз-банди» деб у тўғрида кўпгина нарсалар ёздилар. Шундай бўлганидан кейин Маориф комиссаримизнинг сўнгги ташаббусини «ҳали эртарак» деганлар бўлса, уларга «Сиз кеч қолдингиз!» дейишга ҳаммамизнинг ҳаққимиз бордир, албатта.

Мана, қаршингизда Юсуф қизиқ: бири Худоёрхондан қолган, яна бири ҳам кеча илгари кундан бурунроқ қопланган икки катта ноғорани олдиға кўюб олибдирда, бир кўлида «так» чўпини уруб, яна бир кўлида «тум» чўпини кўтариб туродир... Ноғоранинг ўнг томонида ёлғуз найни жуда аламли – лирик қилиб чолғучи Абдуқодир найчи ўлтуродир. Унинг пастида жумҳуриятимизнинг ҳозирға қадар биргина бўлиб келган хунарманд кўшнайсиси ўлтирадир. Унинг исмини айтиб ўлтириш ҳам лозим эмас, «кўқонли кўшнайсиси» десак ҳамма биладир. Сўнгра унинг ён бериларида Тўхтасин ғижжакчи, уста Олим чангчи, Муҳиддин ҳожи танбурчи, Ҳайит охун танбурчи, Орифхон ва Жўраҳон яллачилар, катта ўюнчилардан Отахўжа Муҳаммад бобо ҳофиз, унинг йўлдоши Худойберди, ўзбек хотунларидан Тухфанисо, Тожинисо, Хончанисо опалар. Ниҳоят, ўнг қўл томонда, ҳаммадан четда, ўзимизнинг Муҳиддин қори билан Тамарахонлар ўлтирадилар.

Яқиндагина Мухторова хонимнинг «ашула базми»ларида Тошкентнинг муҳташам Колизейси 6 марта тўлиб-тошди. Яқинда бизнинг шу базм-чолғу тўдамиз ҳам Фарғонада биринчи базмини қурган вақтида кўплар хафа бўлиб, сўкиб чиқиб кетдилар. Нимадан хафа бўлиб, кимни сўкдилар? Жойнинг торлигидан хафа бўлиб, жойни тор солганларни сўкиб чиқиб кетдилар... Кечагина Ўзбекистон марказий ижрокўмининг Самарқандда бўлган 4-ялпи мажлисида тўданинг биринчи чиқиши бўлди. Жумҳуриятнинг катта-кичик эранлари ҳаммаси бор эди. Ҳаддан ташқари кўп қилиниб тузилган проғром ҳеч кимни тўйдирмади. Ҳамма баробар, ҳамма бир

тилак билан билан олқишлади. Йўлдошбой акам чидамадилар. Чиқиб сўзладилар, хурсандлик билдирдилар. Демак, кўплар хурсанд бўлганлар. Фирқа МҚнинг масъул саркотиби Ивануф қизиби-қизиби Юсуф қизиқни чақирар эди. Юсуф қизиқ чиқмади. Чиқмас эмиш-да. Чунки, бу бизнинг тарихимизнинг тадқиқига алоқадор (этнографий) тўда эмиш.

Мен Юсуфжонни, унинг ўткир ҳажвли – доҳиёна гапларини жуда яхши кўрсам-да, тўданинг асосига қарши бўлгим келмайдир. Чинакам бизнинг чолғумиз йўқолиб кетишдан сақланмоғи лозим. Куйларимизни унутилиши ва бузилишидан асралмоғи даркор. Кўпдан бери даркор бўлган, бугун, кеч бўлса-да, тузулибдир. Яшасун, яшасун. Бизнинг кутган тилакларимизни берсун.

Бизнинг вазифамиз ашулаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш ўстириш, парвариш қилиш, тарбия беришдир. Ижтимоий ҳудудлар ичида парвариш топадирган боланинг ижтимоий ҳодисаларга бегона қолиши мумкинми? Йўқ! Демак, бу куннинг вазифаси ўша қари болани парвариш қилмоқ!..

*Маориф ва ўқитувчи. 1926 йил. №6.*

## МАСКОВДАГИ ДРАМ СТУДИЯМИЗ

«Ер юзи» журналининг ўқувчиларига нафис санъат муассасаларимиздан истудияни тонитиш зарур; чунки, биз, ўртоқ Мўмин Хўжа<sup>205</sup> айтганидай, ингичка санъатимизга бино қуриш кунларидамиз. Ҳозир бу йўлда нечта қадам кўйсак, ҳар бир қадамимиз келгуси замонда минг маротабалар текширилиб, сараланадир. Ундан кейин: менинг бу кичкина мусоҳабам билангина элни бу муассасага тегишинча ошно қилолмаймиз. Чунки, бу, яна ўртоқ Мўмин Хўжа айтганидай, «ўзбек театрининг асосидир». Масковдаги театр жараёнлари билан чала-чулпа танишиб чиқмоқ учун студия талабалари 7-8 ой лекция эшитдилар. Яқин келгусида бизнинг театримиз ҳам ўша даражага қараб анча йўл босиб қолар. Ўша вақтда бу кунги ёзгон ҳар бир хат (сатр) ёзув кўп чигалларни ечишга ёрдам қилур. Студия бундан икки йил бурун Масковдаги Сталин номига очилган ўзбек билим юрти қошида алоҳида студия бўлиб ташкил қилинган. Бошда унга Масков давлат театр мактабида ўқиғувчи йигитларимиз кирганлар, ундан кейин ўшал вақтгача саҳналаримизда ўйнаб келган атоқли санъаткорларимиз кирганлар. Уларнинг орасида Тошкент билан Бухоро ва Фарғонадан элга машҳур ва мақбул бўлгон йигитларимиз бўлгонлар. Хотин-қизлар ҳайъати эса, бизнинг таърихимизда биринчи дафъа ўлароқ, ўзбек қизлари билан Ўзбекистонда туғулиб ўсган татар қизларидан иборат бўладир (кейингилардан фақат биргина киши)».

Биринчи йилда студияда ингичка санъатга оид бир мунча дарслардан бошқа рус тили, она тили ва баъзи бир умумий фанлар ҳам бўлади. Саҳна ҳунари фанининг мударрислари у йил ўша фан устида французларнинг классик (қадим) адиб-

<sup>205</sup> ЎзССР Маориф ишлари комиссари, қатағон қурбони Мўмин Хўжаев (1898 – 1938) назарда тутилмоқда.

ларидан Мольернинг «Хасис» пьессасини тайёрладилар. Бу пьесса узоқ йили Самарқандда бир, Тошкентда бир қўйилди-да, шу билан студиянинг ёзлик иши тамом бўладир.

Бу йил (1925-26 йилларда) эса студиядан умумий фанлар билан она тили фанини муаллимсизликдан чиқориладир, бошқа ингичка санъат фанлари бояғидай давом эттириладир. Айниқса, ўтган йил қадим замон театри тарихини ўқитқон муаллим ва мунаққид Филиппуф бу йил студия талабаларини Масковдаги театрларнинг тарихлари ва маслаклари билан танишдиладир. «Саҳна хунари»нинг муаллимлари эса бу йил, «Хасис»ни бир оз тузатмак билан бирга, машҳур рус адаби Гоголнинг ўлмас кулгиси бўлгон «Терговчи»ни, инқилобий фожиалардан «Лаббай»ни, сўнгра Холхўжа қўрбоши турмушидан сўзсиз ўйин – «Қоровул уйқуси»ни тайёрладилар. Бундан бошқа ўз муаллимларимиз ўртоқ Уйғун томонидан каминанинг «Ёрқиной» (Саркаш қиз) пьесаси тайёрланди. Булардан «Ёрқиной», «Терговчи», «Хасис» пьесалари Фарғонанинг Намангандан бошқа ҳамма шаҳарларида, «Лаббай» билан «Қоровул уйқуси» Тошкентда, Самарқандларда қўйилди.

Олдимиздаги бир қиш таҳсил билан студия тамом бўлади. Ундан сўнг, маориф комиссарлигимизнинг фикрига қараганда, ўша студия талабалари асос қилингани ҳолда марказий ва доимий жумҳурият театримиз ташкил қилинса керак. Шул театрнинг қошида ўзига махсус студияси (мактаби) бўладир. У ҳолда Масков студияси, эҳтимол, тамом беркитилса.

Бу йил ингичка санъат фанларидан баъзилари чиқарилиб, ўринларига бошқалари киргизиладир. Чунончи: юз яшаш (грим), саҳна яшаш (декорациячилик) ва бошқалар.

Бу йилги репертуарда миллий нарсалар кўпрак бўлса керак; «Ёрқиной» хомроқ бўғони учун яна ишланмакчи; каминанинг 4 пардалик «Узунқулоқ бобо» деган пьесаси ҳам репертуарга кирса керак. Яна бошқа миллий пьесалар топиш ҳаракати бор.

Студиянинг ўзи билан қисқача танишдиргондан кейин энди унинг ёзги саёҳати билан ҳам озроқ гапириб ўтайлик.

Тошкентда (театр санъатининг бу марказида) студиянинг моддий муваффақияти мазасиз бўлди. Ўзбек базм тўдаси моддий жиҳатдан ақллар ишонмаслик муваффақият қозонгани ҳолда студиянинг бу муваффақиятсизлиги, албатта, сабабсиз эмас. У сабаб ҳаттоки кўпимизга маълум. Бизнинг миллий чолғуларимиз асрлардан бери базмларимизда тайёрланиб, халқнинг руҳига сингиб кетган. Енгил бир шабада ҳам уни кўзғой берадир. Театр эса биз учун янги нарса, сўнгра, мингларча тўдаларимизнинг бемаъни ва санъатсиз театрлари халқни бездирган. Шуларни англаган учун студиянинг ўзи ҳам моддий муваффақиятга аҳамият бермади. Бу ҳолатни ҳаммадан кўра кўпрак тушунган маориф комиссарлигимиз шу моддий тежаш даврида студиянинг моддий камчилигини ёпди.

Моддий жиҳат шундай заиф бўлса ҳам маънавий жиҳати анча яхши бўлди. Санъатни тушунган кишилар келдилар, кўрдилар, ҳарорат билан олқишладилар. Ана шул олқишлар, ана ўша самимий алоқа студияга руҳ берди. Бу олқишлар бу кун бир ҳовуч бўлсалар ҳам, самимий бўлғонлари учун, келгусида у ҳовучларнинг ҳеч қаерга сиғмай кетишига қатъий иймон келтирдилар.

Сўз охирида студия талабалари тўғрисида икки оғиз гапириб ўтайлик: мен, студия билан бирга бир ярим ойча юриб, чинакам санъат фидокорларини кўрганимга ишониб суюндим. Моддий муваффақиятсизлик ҳали бизнинг кўп «фидокорларимизни» ярим йўлда йўлдан уродир. Булар ўз ҳаётларидаги моддий муваффақиятсизликларга ҳам эътиборсиз қарайдилар ва кўзларини қизил Масковнинг тоғлар қадар театрларига тикиб туриб:

– «Бизнинг тилагимиз шунда!» – дейдилар...

*Ер юзи. 1926 йил. №12.*

## МЕЙРХЎЛД ТЕАТРИ

«Ер юзи» мажмуаси ўз ўқувчиларини энг зўр театр муаллимларидан бири билан таништирамоқчи бўлиб, шу вазифани менга топширди. Бу кўп шарафлик бир хизмат бўлса ҳам, тиламасданрак (истамай) бажардим. Бунинг сабаби белгили: Мейрхўлд тўғрисида китоблар ёзилади; мақолалар, айниқса, «Ер юзи»нинг ўлчови белгилик бетларига сиға оладиган қисқа мақолачалар ёзиш билан уни керагича танитиб бўлмайди. Модомики, тугал тонита олмас экан, ҳозирга сабр қилиб туриш яхшимасмиди? «Йўқ! Оз бўлса ҳам танишиб турайлик» дер экан ўқувчилар. Шу учун биз ҳам қўлдан келганини қилишга мажбур бўламиз. Боринг, бу сарлавҳаси ҳам бўлсин, бир оздан сўнг «мадхал»ини бошлашга мумкин бўлиб қолар.

Мейрхўлдни мақтагонлар «рус театрининг мумтоз санъаткори» деб моқтойлар, ҳатто унинг муҳолифлари ҳам сўкиш чоғида «энг буюк муаллимлардан бирининг хатоси» деб ўталар.

1926 йил апрель ойида унинг театри 5 йиллик тўйини ўтказди. Шу тўйни ўтказмак учун 101 кишидан иборат маҳсус қўмита тузилган эди. Қўмитанинг раиси Клара Цеткин, ўринбосарлари Луначарский билан Исловинский ўртоқлар эди. Бошқа аъзолар орасида Бела Кун, Будённий, Догодуф, Лозуфский, Смошку, Думбол ва Уншлихт каби улкан номлар учрайди. Мана бунинг ўзгинаси ҳам бугун Мейрхўлд театрининг аҳамиятини кўрсатишга етади. Тўйга қадар бир коллектив ҳолда ишлаб келган бу театр тўйдан сўнг ҳукумат қарамоғига ўтди ва «Мейрхўлд номига ҳукумат театри» деб аталди.

Бу театрининг ўз бошига мустақил бир муассаса бўлиб ишлаши 1922 йилдан бошланади. 1922 ва 1923 йил театр фаслида у аввал «Мейрхўлд театри» бўлиб сўнгра «Мейрхўлд

номига театр» бўлиб ишлади. Унгача бу театр бир неча муассасаларга аралашиб чиққан. 1920 йилнинг ноябрь ойидан 1921 йилнинг ёзларигача бу театрнинг туб кучлари бошларида Мейрхўлд бўлгани ҳолда «РСФСРнинг биринчи театри»да ишлайди. У ерда «Тонг қизилликлари», «Зари», «Мистерия буфф», «Ёшлар союзи» деган нарсалар қўйилди. Уларнинг биринчиси балчиқали<sup>206</sup> адиб ва шоир Вирхорнники бўлиб, муассир сармоядор жамиятидан бошқа бир олийроқ жамиятга кўчишни тасвир қилади. Унда синф кураши бир неча табақа ўртасида кўрсатилади. Иккинчиси, рус футуристларидан машҳур Маяковскийнинг асари бўлиб, нарги (маънавий) оламларни эрмак қилди. Ниҳоят, учинчиси норважли<sup>207</sup> адиб Ибсенники бўлиб, асримизнинг муаммоларига қоқилади. Бу асарларнинг ҳар бири ўша вақтда жамиятга ҳаёжонлар солган, уни силкитган нарсалардир.

Мейрхўлд ўша театрда вақтида эдиким, «театрда октабр» шиорларини майдонга отди. Унинг ғайрати ва ташаббуси билан оқим ўша театрда янги асослар амалга қўйилди. Бу янги асосларнинг бири «театр санъати ҳам сиёсатдан холи эмас» дер. Қандай бўлса ҳам бир синфнинг манфаатига хизмат этганини даъво қилар. Шу учун ўзи ҳам мамлакат тизгинини қўлга олган тумоёқ (пролетар) синфига хизмат этарди. Бу мафкура масаласи эди. Яна бир янги асос саҳнанинг тузилишига оид бўлиб, саҳна майдонининг чиройлик қилиб ясалтирилишига қарши, саҳнада энг оддий буюмлардан, энг осон ва арзон шакллар уюштиришга тиришарди. Бу ҳам, албатта, «сиёсатдан холи» эмас, негаким, бу содда саҳна содда халқ учун, содда халқ эса тумоёқлар эди.

Бино етишмаслиги орқасида у театр бурунги Низлубин театри билан бирга қўшилиб «актёр театри»га айланди. Ўша театрда қўйилиб жуда катта муваффақият қозонган «Великодушный рогоносец» томошаси актёр театри қурил-

<sup>206</sup> Балчиқали – болтиқбўйилик (Чўлпонга хос атама).

<sup>207</sup> Норважли – норвег.



масидан бурун – «Биринчи РСФСР театри» билан юқори режиссёр курслари томонидан биргаликда тайёрланган эди. Мейрхўлднинг иккинчи асоси (саҳнани соддалаштириш) ўша вақтда авжига чиққан эди. Унинг ўз гапига қараганда, юқорида айтилган асарнинг қўйилиши фақат 200 сўмга тушган.

Ўзига ҳамма вақт янги йўллар ахтарган, бир ерда тўхтамаган «тиниб ўлмас» Мейрхўлд ва унинг тўдаси, албатта, Низлубин тўдаси билан чиқиша олмас эди. Ҳам шундай бўлди. Илгари иккови орасида кураш кетди, сўнгра узулишишга мажбур бўлдилар. «Актёр театри» тамоман Мейрхўлд қўлига қолди.

Ундан кейин «актёр театри» деганимиз «ГИТИС (Давлат театр санъати билим юрти) театри»га айланди. Унда ҳам икки тўда ўйнади. Бири Мейрхўлдники, иккинчиси «Тажриба-қаҳрамонлик театри». Бу иккала тўданинг курашиши натижасида сўнги тўда йўқолди ва 1922 йилда «Мейрхўлд театри» деган мустақил бир театр ташкил қилинди. Ўзининг ўша йўли билан Мейрхўлд театри ҳозиргача юриб келди. Албатта, бу орада чайқалишлар бўлмади эмас, бўлди. Лекин уларнинг моҳиятидан гапирмакчи бўлсак китоблар ёзишга тўғри келадирким, унга бизнинг кучимиз ҳам ҳали ҳозирга етмайди.

Бу орада Мейрхўлд театри «Муаллим Бу-бус», «Д.И» («Бер, Оврўпани!»), «Мандат», «Ер қўпди», «Юр, Хитой» каби ҳар жиҳатдан янги ва муассир нарсалар берди. Қадимги Островскийнинг «Ўрмон»и билан Гоголнинг «Терговчи»сини янгилаб, астар-аврасини оғдариб қўйди. «Ўрмон»да унча қилу қол қўзғолмаган эди. Аммо бу «Терговчи»да жуда катта қилу қол қўзғолди. Қўйилганига бир ярим ой бўлиб қолгани ҳолда ҳали ҳам мақташ ва сўкишлар тўхтагани йўқ. «Терговчи»га баҳо беришда Масков ва Ленинград танқидчилари иккига бўлиндилар. Масков сўқади, Ленинград мохтайди. Бу сўкиш ва мохташлар тўғрисида гапирмак учун ҳам яна айрим мақолалар ёзиш керак. Шу учун қисқагина қилиб шунигина айта оламизким, Масков мунаққидлари Мейрхўлдни «ўнг-

лашиб кетиш»да айблайдилар. Ленинград мунаққидлари эса Мейрхўлднинг «Терговчиси»дан Гоголнинг чин руҳини тополар ва янги, ҳеч ким тополмаган нарсалар топилганини даъво қиларлар. Чинакам «Терговчи» билан «Великодушный рагоносец» орасида шакл жиҳатидан жуда катта фарқ бор. Сўнгги нарсаси 200 сўмга театр бўлган деб айтган эдик. «Терговчи»нинг саҳна жиҳозларига бир неча минг сўм кетган десак хато қиламиз. Кийимлар ҳаммаси тозза нарсадан, хотин кийимлари ҳаммаси ипак, бошқа жиҳозлар ҳам киноники қадар бой. Мейрхўлд театрида бу чоққача парда, декорация ва саҳнаолди фонарлари бўлмас эди. «Терговчи»да парда деворга айланган. Равот дарвозалар... Ҳайвонларида «от ўйини» (цирк) ва кинонинг кўп таъсири бўлган. Бу театр, гапнинг қисқаси, теварак-атрофни энг кўп машғул қилаётган бир санъат муассасасидир. Бу тўғрида бир эмас, кўп-кўп маротаба сўз қилишга тўғри келар. Ҳозир сўзни тамом қилмасдан бурун Мейрхўлд театрининг бизга таъсиридан икки оғиз сўзлаб ўтай:

Бу театрнинг соддалиги биз учун керак, кўпчиликка яқин келиши яна биз учун лозим. Бизнинг халқ театри унсурларидан баъзилари бу театрда бор. Шунинг учун бизнинг янги театримиз ҳам бундан қочиб қутула олмади ва қочмоқчи ҳам эмас, албатта. Балки, Масков драм студияси бу йўлда биринчи қадамни қўйди: ўтган йил Масков студиясида мирхольдчилардан Свердлиннинг таълими билан «Қоровул уйқуси» деган бир сўзсиз ўюн тайёрланғон эди. Энди бу йил эса «Пул ундириш» деган бир кулги асар тайёрланиб турадир.

*Масков, 1927 йил, ноябрь.*

*Ер юзи. 1927 йил. №19.*

## «ЯНА УЙЛАНАМАН!» (Юсуфжон қизиқ Масковда)

Юсуфжон акам саҳнада!

Машҳур қизиғимиз Юсуфжон ака Масков саҳнасида!

Бу гаплардан англашинмасинким, Юсуфжон акам Масковга келибдир-да, бирор саҳнада қизиқлик қилибдир деб. 1923 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ деҳқончилик кўргазмасига аралашган Юсуфжон акам ўшанда Масков саҳнасида (тўғриси, майдонида) бир қўр чиққан эди. Демак, бу янгилик бўлмайди. Янгилик шундадирким, бу чоққача қизиқ сифатида саҳна ва майдонларда чиқиб келган Юсуфжон ака бу йил Масков саҳнасига (саҳнасига!) маҳаррир, ёзғувчи, фожианавис сифатида чиқди. Бу кунги суҳбатимиз ана ўша тўғрида.

Юсуфжон акамнинг ҳар қаерда неча йиллардан бери айтиб келган бир кулги ҳикояси бор. Унда бир имом домланинг намоз вақтида ғалати ҳийла қилиб маҳалладан икки йиллик ҳаққини ундириб олгани айтилади. Юсуфжон аканинг сўзлашида бир нача оғиздан ошмаган бу ҳикоя мазмун ва мавзу жиҳатидан қизиқ ва бойдир. У ҳикоянинг «авжли жойи» ғалати бир «қўрқинч» (трюк)ни кўрсатади. Режани яхши чизиб, уни бир адабий ҳикояга айлантирганда гўзал нарса чиқар эди. Мен шундай қиларман деб ўйлаб юрар эдим. Шу йилги ўқиш мавсумида Масков драм студияси машҳур Мейрхўлд театри актёрларидан Свердлинга бир мустақил асарнинг тузма (постановка)сини топшироқчи бўлди. Таржима асарлар етарлик бўлганлигидан, асл (оригинал) асар қўймоқчи бўлдилар.

Ўртоқ Свердлин студиянинг кўрсатиши бўйинча менга йўлиқди. Мен унга Юсуфжон акам ҳикоясининг қисқагина мазмунини айтиб бериб эдим, маъқул бўлди ва боши-кетига кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб беришга буюрди. Ана

шу билан «Яна уйланаман!» деган 3 пардалик, 7 кўринишлик асар майдонга чиқди.

Шу йил апрель ойида ўша асар Масковда кўпчиликка кўрсатилди. Бутуниттифоқ шўролар курултойига келган қимматли вакилларимиз ҳам керакли бўлакларини кўрдилар. Келгуси қиш мавсумида асар Ўзбекистон пойтахтида кўрсатилса керак.

Асарнинг «катта машқи» (генералний репититцияси) ни кўрган ўртоқ Февралский (Марказий «Правда» газетасининг театршунос муҳаррири) «Правда»нинг 92-сонида унинг тузмаси тўғрисида мана бундай дейди: «Тузмачи Л.Свердин спектаклда Оврўпа ва ўзбек театрчилигидаги унсурларни бирга тўплаган. Яъни, бир томондан, Шарққа хос қизиқ ҳаракатлар берган, Спектаклни рақс, ашула ва чолғулар (танбур, дутор, чилдирма, ноғора, карнай ва бошқалар) билан тўлғизган; иккинчи томондан, Шарқ халқининг ўтириб гаплаша беришидаги «зерикдириш» таъсирларидан спектаклни қутқарган. Лекин гаплашавериш, секин қимирлашдан қочилган вақтда, албатта, жуда эҳтиёт билан қочилган; Шарққа хос у аҳволнинг таъсирлари ҳали ҳам бор. Ўртоқ Свердлин ўзбек турмуши билан ошнолиги орқасида, турмушнинг энг қизиқ онларидан бир неча парчалар кўрсатган (мачит олдидаги кўча, бойни ходими қилиш, тўй каби). Сўнгра ёшларни эски урфлардан йироқлаша борганини кесатиб ўтган.

Спектакл, режиссёрлик жиҳатидан қараганда, ишлилик билан қизиқ қилиниб ва, шу билан бирга, кўпчиликка жуда англашиларилик равишда қўйилган. Саҳнанинг ясалиши шартли (условно) ва содда (ҳаммаси бўлиб 130 сўм кетган)».

Ўртоқ Февралский спектаклга аралашган актёрларга айрим-айрим тўқтамасдан, умумий суратда мана бу бир неча оғиз гапни айтиб ўтади: «Ёш актёрлар жуда қизиқиб ўйнайдирлар. Зўр қобилиятлари бўлган бир неча актёрларни кўргандан кейин, Шарқнинг халқ оммалари орасида қандай бой артистлик кучлари бўлганлигини кўрасан».

Ўзбекистонда сахна кўрмасдан туриб асар ва унинг туз-маси тўғрисида бундан ортиқ гапириб бўлмайдир. Бу ерда шунигина айтиб ўтиш мумкин дирким, ўзбек театри ҳали ёш ва бола бўлишига қарамасдан турли театр маслаклари билан амалий танишишда кенг йўл билан бормоқдадир. Масков драм студияси бу ернинг театр оламига ғалвалар солган бир ғалати оқим – Мейрхўлд оқимини ўз турмушига олиб кўрсатмак билан қизиқ бир тажриба ясайдир. Бу оқимнинг бизда йўқсуллар оммасига қандай таъсир қилиши, ёқиб-ёқмаслиги шу йил қишда англашиладиган «сир»лардан. Кўклам келди, ёз навбатда. Студия октабрнинг 10 йиллиги тўйида чинакам сахна кўрадирган бу асарнинг «мирзаси» (муҳаррири демайман!) Юсуфжон акага, тузмачи Свердлинга, режиссёр-кўмакчи Лутфулла, чолғу раҳбари Миронов, суратчи Ефименко ўртоқларга ўзининг миннатдорчилигини билдирадир.

*1927 йил апрел, Масков  
Ер юзи. 1927 йил. №23.*

## ТЕАТР ВА МУСИҚАМИЗНИНГ КЕТИШИ ТЎҒРИСИДА

Дастлаб ҳаваскорлик труппалари билан ҳаммаёқ тўлди, аммо тездан ўз аҳамиятини йўқотиб, саводсизлиги учун улар миллий санъатнинг равнақида роль ўйнамади, хизмат қилмади. Энди бу борадаги ишларга ривож бериш учун «Масковда, ўртоқ Уйғурнинг қўли остида бир тўда артистларнинг ўқиб турганлари каби Боку студиясида ҳам бир неча иқтидорлик ўзбек артист ва артисткалари ўқишмоқдалар. Чин маъноси билан саҳнамизда нафис санъатлар туғдирадурган ва халққа руҳий озуқа берадурган артистларни биз шулардан кутамиз». Ўзбек давлат труппаси кийимсиз, пулсиз, пьесасиз қийналиб, давлат ёрдамига муҳтождир, ҳолсиздир. Яқинда Муҳиддин қорининг концерт труппаси тузилди. Унга энг машхур усталар кирди. Улар қишлоқларга бориб қадимий созларни топдилар. Бугун бутун ўлка учун фойдалиқ ишлар билан банд. Уларни таъминлаш керак....

*Маориф ва ўқитувчи. 1926 йил. №5.*

## ГЎЗАЛ САНЪАТ ДУНЁСИДА

Ушбу сарлавҳа остида гўзал санъат, шеър ва шоирлар тўғрисида қисқа ва мажҳул равишдагина «Инқилоб» журнали ўқиғучилари билан билимларимизни ўртоқлашмоқчи бўлдиқ. Иккинчи турлук айтганда, гўзал санъат хусусида турлук мажлислар очамиз-ки, бу мажлисларимизда умуман гўзал санъат (санои нафиса) ва, хусусан, адабиёт ва шеър тўғрисидаги билим ва тушунчаларимизнинг ёлғуз матнлари тақдим қилина борғусидир. Ниҳоят, Чигатой ва ўзбек шоирлари тўғрисида танқид ва тақдир ҳам юритилгусидир. Мақолаларимиз «яна бор» мақолаларига ўхшаш бўлмасдан, узун-узун мақолаларга ўхшаш йўл билан борадур.

«Гўзал санъат». Гўзал санъат нима? Гўзал санъатни ҳар хил таъриф қиладирлар:

Гўзал санъат – гўзалликни ифода қилишдан иборатдир. Лекин, «гўзаллик» – замон ва муҳитига, олинғон тарбияга, қозонилғон билим ва одатларга, турлук миллий хусусиятларга қараб доимо ўзгариб турғон нисбий ва изофий бир нарсадир, қатъий эмасдир.

Гўзал санъатнинг ҳақиқатини англамоқ ва уни дуруст, тўғри таъриф қилмоқ учун уни илгаридан ҳозирланиб қўйилғон назарий ва фикрий бир меъзон билан ўлчарлар эдики, бу хато бир йўлдир.

Бу тўғрида энг тўғри йўл: гўзал санъатнинг ҳақиқат ҳолда нимадан иборат бўлғонин ва қандай бир нарса эканин тўғридан-тўғри санъатнинг ўзидан суриштириб топиш керакдир. Юқоридаги таъриф мана шундай қилмағонлиқнинг натижасидан туғилган бир хатоликдир.

Гўзаллик ҳақидаги онг ва тасаввурлар замон ўтиши билан турлук айрим миллатлардагина эмас, ҳатто айрим шахсларда ҳам уларнинг руҳий ҳоллари ўзгаришига қараб ўзгаратурғон

бир нарсадирлар. Кишиларнинг гўзаллик тўғрисида ёшлиқ замонларидаги онг ва тасаввурлари билан қарилик замонларидаги онг ва тасаввурлари орасида кўп айирма бўлғонидек, ўқуғон одамлар билан ўкумасдан нодон ва оми ҳолатда қолғон одамларнинг гўзалликлари орасида ҳам фарқ жуда кўпдир. Бунда йўқсулларнинг назаридаги гўзаллик билан буржуа ва ағниё назаридаги гўзалликлар орасида бўлғон катта фарқларни ҳам кўриш мумкин.

Бундай бўлиши жуда табиий бир ҳолдир. Чунки, гўзаллик ўз-ўзича айрим бир равишда борлиққа молик бўлғон тамом мустақил бир нарса эмас, балки бизнинг шууриятлик ва ёки шууриятсиз бир равишдаги тушунча ва ҳукмларимизнинг натижасидан иборатдир. Табиат оламида гўзал ва ногўзал йўқдир. Бу икки хусусият яратилиш ва табиат олдида баробардир. Табиатдаги нарсаларнинг, табиий ва сунъий кўринишларнинг гўзалликлари уларнинг нафис амалда гўзал бўлғонлиқларидан эмас, балки бизнинг ўз рухий ҳолатимизга мувоқатан уларни шундай англаганимиздандир. Демак, гўзаллик нарса ва моддаларнинг ўзларида йўқдир, улардаги бу хусусият бизнинг ўз тарафимиздан уларга қўшилган онг ва тасаввурларимиздан иборатдир.

Гўзалликни «олий бир кашфдан иборат» деб англағучилар бўлгандек, «олий бир ахлоқий онг» деб тушунгучилар ҳам бордир. «Гўзаллик нарсалар, воқеа ва ҳодисалар орасидаги энг комил муносабатлардан иборатдир» деган фикрни таржих қилғучилар ҳам йўқ эмасдир.

Булардан бошқа тоғин гўзаллик тўғрисида кўп қарашлар, тасвирлар бордирки, гўзалликнинг ўзини англаш ва ҳар хил бўлғонин кўрсатишга бу кафилдир.

Санъат – ахлоқий ғоянинг ифодасидир.

Бу таъриф ҳам эски замоннинг, бурунғиларнинг таърифи бўлиб, бу ҳам том бир таъриф эмас. Чунки, ахлоқдан ташқари бўлғон кўп гўзал санъат асарлари бордирки, бизнинг юракларимизда ажиб-ажиб тўлқинлар, бадий ҳаяжонлар туғдир-



фонлиқлари учун буларгина гўзал санъатдан ҳисоб қилинишқа ҳақликдирлар.

Санъат кўз билан кўрила олмағон нарсаларни сурат қилиб англанишдан иборатдир.

Асосан бу назарияга қурулиб, бурунгида «таассуф ва маънавият (Аскетизм)» мислик адабийси туғмиш эди. Яссавий, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бобур, Шайбонийдек улуғ турк адиб ва шоирлари ўзларининг ижодларини ва дохийликларини шу назария доирасида кўрсатадирлар. Бу назария шоирларини усмонли туркларидан кўргандек (ҳатто 20-аср шоирларидан Ишоқийзода, Холид Зиё кабилар ҳам шул жумладандир), немисларнинг 18-19 асрдаги буюк шоирлари ҳам шу назарияга мансуб шоирлардан бўлғонлиқларини кўрамиз

Ҳар қандай бўлса ҳам бу таъриф бир тарафликдир. Бу таъриф санъатни турмушдан узоқлаштирғуси; моддий ҳаёт ичида бўлғани ҳолда, кишиларнинг муносабатларини, моддий ҳаётдан ўтиб, уларни фанолаштирувчи эски бир назариядир.

Санъатнинг энг тўғри бир таърифини топиш учун тўғридан-тўғри гўзал санъатларнинг ўзларини суриштириб қараш лозим эканлигини юқорида ёзилмиш эди. Энди шундай бир йўл билан тўғри бир таърифни топишга киришайлик.

«Гўзал санъат» деган нарса беш турлук бўлиб, шеър, мусиқа, расм, ҳайкалтарошлик ва меъморчиликдан иборатдир. Бу беш санъатнинг учи, яъни шеър, расм ва ҳайкалтарошлик тақлидий санъатлардирки, буларни кишилар ўзларининг фикр ва хаёллари, фаразлари соясида табиатга тақлид ва ундан намуна олиш йўли билан юзага чиқармишлардир. Демак, бу санъатларда ҳаёт ва табиат доимо намуна ва ўрнак бўладир.

Санъатни кўп турга бўладирлар. Лекин энг маъқул бўлгани иккига бўлишдир: 1) шаклий санъат (образователън. искуссства); 2) замоният санъати ёки шеър ва мусиқа санъатидир.

Биринчи бўлимга расм, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик кирадир. Шаклий санъатнинг хусусияти ўрин-мусоҳа олиш бўлиб, замоният санъатининг хусусияти ўрун ва масоҳага

боғланмасдан замон ичида зоҳир бўлишидир. Илгариги уч-тўрт санъатдан биз таъсирларни кўз орқали олдиғимиз ҳолда кейинги иккисидан кўз билан эмас, бошқа бир йўл билан оламиз.

Муסיқа билан меъморчилик – тақлиди бўлмаган санъатлардир. Бу икки санъатда, айниқса, рибози<sup>208</sup> нисбатлар эътиборга олинадир. Булар ҳаётда ҳақиқий суратда, зоҳиран кўрилмаган турлук бўлакларнинг бирга қўшилишларидан юзага чиқариладирлар.

Фақат тақлидий санъат деганимиз уч турлук санъатда ҳам табиат ва ҳаётқа тақлид тамоман эмас, қисмандир. Яъни санъаткор ўзининг ижоди учун намуна ва сармойни табиат ва ҳаётдан олғани ҳолда унинг тамоман ўзин – кўпиясин ясамас, балки унга ўзининг хаёлидан, ўзидан ҳам бир нарса қўшадир, уни ўзгартирадир, бошқалантирадир ёки уни комиллаштирадир. Қисқаси, санъат асарлари гўё табиат кўринишлари ва табиат ҳодисаларининг киши қўли, кишининг мияси ва юраги билан тўлдирилиши, тугаллаши, комиллашдириши демакдир.

Санъат тақлиддан иборат десак, шунинг билан бирга санъат ҳар турлук бўлакларнинг бир-бири билан бўлғон нисбатларини ҳам тайин қиладир. Демак, бу жиҳатдан дахи санъат том маъноси билан тугал бир тақлид эмасдир, ҳосил гўзал санъат – қисман табиатга тақлид, қисман дахи ижод ва бадоздир.

Санъатнинг шарт ва хусусиятларидан бириси ҳам нарсаларнинг туб санъатларини юзага чиқаришни санайдирлар (масалан, кишининг туб санъати миясининг ишлари, фикр қилиши, тушуниши бўлғони каби, арслоннинг асосий санъати ҳам унинг гўштхўрлигидир. Мана булар ҳақидаги санъат асарлари шул икки турлук асоси санъатларни юзага чиқариб, тажсим қилиш лозимдир).

---

<sup>208</sup> Рибоз – қиёс.

Санъат асарларининг хусусиятларидан тагин бири томоша этгучи ва тинглаувчиларнинг юракларида рухий бир лаззат ва ажиб бир тўлқин туғдирмоқ бўлиб, бу санъат асарлари учун энг муҳим бир хусусият, энг муҳим бир шарт. Энг тўғриси, бу ҳатто санъатнинг энг буюк бир ғоясидир. Бир санъат асари юракларда бирор ажиб тўлқун ва ажиб лаззат, тамли бир таъсир туғдирса, мияда ҳам ажиб бир қўзғолиш яса, бу асар ҳақиқий бир санъат асари бўлиб саналмоққа тамом ҳақлиқ бўладир. Шунинг билан бирга, бундай асар гўзал санъатнинг энг буюк ва энг табиий бир ғоясига эришган саналадир.

Энди шул юқоридаги тушунчаларни юритгандан кейин гўзал санъатнинг энг тўғри бўлгон бир таърифин топиш осонлашди демакдир.

Гўзал санъатнинг энг тўғри ва энг табиий таърифи шудир: «Гўзал санъат – оҳанглик сўзлар, ҳаракат ва қилиқлар, товушлар, чизиқ ва ранглар, шакллар орқали ички бир тўлқин (ҳаяжон)нинг ташқорига чиқарилишидир. Буни яна қисқартириб айтсак: санъат – руҳан ажиб бир лаззат ва бадъэ бир ҳаяжон қўзғотишдан иборатдир» – демак мумкиндир.

Санъат асарларида шахсият

Санъатда шахсият (ўзлик), яъни санъат асарларида шоир ва санъаткорларнинг ўз руҳларидан, ўзликларидан бирор турлук хусусият қотишмоқ – санъат асарларининг ва санъаткорлиқнинг энг туб шартларидандир. Бусиз чин бир санъат асари юзага чиқа олмайдир.

Унутмаслик керакки, ҳар киши ташқи дунёни эмас, ўзининг ички дунёсин кўрадир. Шоир ва санъаткорнинг асари ҳам унинг ўзининг таржимаи ҳоли демакдир. Тагин тўғриси-ни айтсак, санъат бир унинг мияси билан юраги орқали кўринган табиат демакдир.

Санъат, замон ва муҳит

Санъат асарлари замоннинг, муҳитнинг, муҳитдаги урф ва одатларнинг, ахлоқий санъатларнинг, фикр ва ҳисларнинг

ҳосили. Замонидаги бутун руҳий ва ижтимоий ҳолларнинг равишига мувофиқ бир суратда ва шуларнинг натижаси бўлиб зоҳир бўлур. Ўзларининг муваффақият ва қийматларини ҳам шу йўл билан қозонадирлар. Замоннинг, ҳаёт ва муҳитнинг иқтисодий ва ижтимоий боришнинг ва шу замондаги бутун руҳий ҳолларнинг ўзгариши билан гўзал санъат асарлари ҳам ўзгарадир. Уларнинг комиллашмаклари билан бу ҳам комиллашадир. Уларнинг пастланмаклари билан бу ҳам пастланиб, инқирозга юз ўгириши жуда табиийдир.

Муҳит бир турлук урф ва одатларнинг, ахлоқ ва муомала равишларининг, фикр ва ҳиссиётнинг емирилиши билан илгариде шу ҳоллар натижасида туқғон санъат асарлари ҳам умрларини тамом этарлар ва иккинчи турлук янги санъат асарларига ўрунларини беришга мажбур бўла борурлар. Бундан кейинги санъат асарларигина янги туқғон, янги қурулғон ва янги қўзғонилғон фикрларни: янгидан-янги ҳиссиёт оқишларини таъқиб этишга бошларлар. Қисқаси, санъат асарлари бирлашишнинг ва биргалик турмушнинг туғдирғон бутун янгиликларини, янги равиш ва янги суратларини, янгидан-янги қиёфатларини кузатиб, шуларга мувофиқ иш кўриш йўлини тутадир.

*13 февраль 1922 йил. Тошкент.*

*Инқилоб. 1922 йил. №2.*

## АДАБИЙ ҲАРАКАТИМИЗ ВА ТАРБИЯ

Агар ўқувчи табақаларимизнинг кундалик эҳтиёж ва талабларига юзаки бўлса ҳам қулоқ солсак, унда адабий озуқанинг кам ўрин тутганлигини чин мушоҳада қила оламиз. Ҳозиргача биз ўзимизнинг дурдаланиб ўсиб келмоқда бўлган мутоалачиларимизнинг муҳтожлигини қондирорлик даражада адабий озуқ берганимиз йўқ. Нафис адабиётга – кечирган ва бошимиздан ўтиб турган ҳодисалар ҳамда курашларни жонлик ва бор бўйича тасвир қилиб берган асарларга ташнамиз. Тўғри айтиш мумкинки, чиқарган асарларимизнинг кўпи ўқувчиларимизнинг кутган умидидан, унинг савиясидан тубан туради. Маъно ва шакл жиҳатидан қондирарлик асарларни кам кўриб турибмиз. Бу тўғрида поезия (манзум нафис адабиёт)дан оқсаб турибмиз. Чунки, ўнлаб шеърий асарлар майдонда бўлгани ҳолда бир-иккита ҳикоя ва каттароқ асарларга эга эмасмиз. Мавжуд кичик тақдимни катта эҳтиёж қўлни-қўлга теккизмай илиб олмоқда.

Йўғон мажмуалар, китобларни қўя қолайлик, ҳар куни ва ойлаб чиқиб турган кўп сонлик вақтли матбуотимизнинг тузукроқ ва пишиқроқ адабий асарларга эҳтиёжи ҳам қондирилмайди. Лекин кўпчилик ўқувчилар талаб қилади.

Бу ҳолларни, албатта, ўзбек пролетар адабиётининг ёшлигига жўя олмаймиз. Бироқ тасалли ва баҳоналар билан қараб турадиган вақт эмас. Қўлдаги бор кучлардан имкон борича тўла фойдаланиш йўлини кўзлаш билан бирга пастдан чиқиб келаётган интилгучи ёш кучларни ҳам йўлга солиш фикрида бўлмоғимиз шарт.

Бу иш тўғридан-тўғри вақтли матбуотнинг айрим бўлақларига ва адабий уюшмаларга тушади. Агар биз шу ишни бажармасак, пастдан умид билан чиқиб келаётган тўлқиннинг кучини ишга соломасак, тарихий жиноятнинг сабабчиси бў-

ламиз. Шу мақсадда ишга киришган «Қизил қалам» ва «Ёш ленинчи» адабий тўғаракларини бу жиҳатдан эсламай ўта олмаймиз.

Биз «адабиёт ва санъат саҳифаси»ни чиқаришда бор кучлардан фойдаланиш билан бирга пастдаги ёшларга амалий ва назарий тарбия бериш, ҳам шунинг билан бирга меҳнаткаш газетхонлардаги ташналикни қондирмак йўлини кўзладик. Дарҳақиқат, шундай ёрдамга қараб қолган кучлар тезликда бунга илтижо қила бошлайдилар. Бир-икки ҳафта ичида ёмондир, яхшидир, саҳифа учун тўп-тўп шеър ва ҳикояларнинг келиши пастдаги шу кўпчиликнинг пишиб турган эканлигини кўрсатадирки, бу ҳол саҳифа чиқмасдан илгари бутунлай йўқ эди. Албатта, келган бутун материалларни саҳифага тузатиб босиш мумкин эмас. Лекин, ҳозирча, жавобсиз қолдириш ҳам тўғри келмайди. Бунинг учун умидли ёзувчи ва шоирлар билан хусусий хабарлашиш йўлини тутмак ва уларнинг эҳтиёжларини ўлчамак керак. Адабиёт саҳифаси ишчиларнинг «Қизил қалам» вакиллари билан қилган биргалик мажлиси буни маъқул топди ва бу ишга «Қизил қалам»нинг кучларини тортмоқчи бўлди. Бошқа газет журналлар ҳам шу йўлни тутмаса илож йўқ, чунки, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда адабий кучларни бевосита тарбияловчи тўғаракларга эга эмасмиз.

Юқоридаги муҳтожликни таъминламак учун фақат пастдаги кучларни тарбиялаш, ўқитиш, ўргатиш лозимдир. Биз адабий ҳаракатимизни, айниқса, ҳозирги даврда ўқитиш, ўргатиш билан бирга олиб бормоғимиз керак. Чунки, ёзғучи қанчалик «серилҳом» бўлгани билан ўқимаса ва шу ўқишни турмушга ишқаб кўрмаса, тез фурсатда тангликда қолар эканки, буни шу кунларда кўриб, жафосини чекиб турибмиз.

Адабий кучларимизнинг туйғулари, сезгилари илгарилашган мутоалачилар оммасидан кейинда борса, ундайларнинг ҳолига фақат йиғлаш керак. Бунинг олдини олмоқ учун илм билан аслаҳаланиб турмушга кирмоқ шартдир. Мушоҳа-

да ва таҳлил кучидан ташқари турмушдаги ҳолатни олғир синф нуқтаи назаридан таркиб қилмоқ қувватига эга бўлмоқ зарурдир. Бизга лозим бўлган «илҳом» ётиш ва маъишатдан эмас, кураш ва ҳаракатдан туғилади. Қайсики, шунинг орқасида касб (профессионал) ёзувчиларга эриша оламиз. Бинобарин, адабий ҳаракатимиз ўқиб, ўрганиб туриб ижод этишга боғлиқдир.

## ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. «М.С.» Икки дунё («Иккинчи хотин» фильмига) // Ер юзи. 1926. №16. – Б.15 – 16.
2. «С». Ўзбек театри // Туркистон. 1922 йил 22 сентябрь.
3. «Чачвон» (кино ҳақида ўйлар) // Ер юзи. 1927. №28 – 29. – Б.12 – 13.
4. Абдувалиев А. Қўшиқ умри мангудир // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №5. – Б.11.
5. Абдуллаев Р. Катта ашула // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №6. – Б.24 – 25.
6. Абдуллаев Р. Ўлмас наво мушоираси // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №12. – Б.2 – 3.
7. Акбаров И. Таҳсил ва анъана // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №5. – Б.8 – 9.
8. Акбаров М. «Ушшоқ»дек умр мазмуни // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №4. – Б.21.
9. Анқобой. Кино // Ер юзи. 1927. №24. – Б.10 – 11.
10. Анъана ва новаторлик // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №12. – Б.19 – 21.
11. Аҳмад М. Маданият кошонаси // Нафосат. 1992. №1. – Б.11.
12. Аҳмедов М. Бобомни билган борми? // Санъат. 1990. №9. – Б.26 – 27.
13. Аҳмедова Н. Куйла, дўмбирам // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012 йил 30 март.
14. Бадалов М. Умрбоқийлик // Нафосат. 1993. №9 – 10. – Б.18 – 19.
15. Бахшилар мушоираси // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №7. – Б.8 – 9.
16. Ботинова Ҳ. «Ялла»нинг янги парвози // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №10. – Б.22 – 23.
17. Бўронов М. Бухоро мақомининг тақдири // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №3. – Б.14.
18. Бухоро мақом мактаби // Нафосат. 1992. №7 – 8. – Б.15.
19. Виктор Александрович Успенский. – Тошкент, 1959. – С.230.
20. Ғулум Зафарий. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1930 йил январь. №1.
21. Вокал санъати қай аҳволда? // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №7. – Б.6 – 9.
22. Жабборов А. Музика сеҳри // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №5. – Б.18 – 19.
23. Жумаев Т. Абдуқодир Найчи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №7. – Б.21 – 23.



24. Жўрабоев А. Яшасин санъат ва ҳақиқат // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №9. – Б.20 – 21.
25. Зафарий Ф. Чолғумизни ўлимдан қутқарайлик // Маориф ва ўқитувчи. 1925. №1.
26. Зафарий Ф. Ўзбек музикаси тўғрисида // Аланга. 1930. – Б.10.
27. Зокиров Р. Кўза синдирган азизу... // Нафосат. 1992. №2. – Б.18 – 20.
28. Зокиров С. Мактаблар талаб даражасидами? // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №8. – Б.8 – 9.
29. Иброҳимов О.А. IX – XI асрлар ўзбек мусиқа маданияти // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: излашиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Бухоро, 2013. – Б.10.
30. Ижрочилик санъати юксалиши керак // Совет Ўзбекистони санъати, 1985. №8. – Б.2 – 4.
31. Иноятов М.Ж. Ўзбек оилавий ансамллари фаолиятида халқ ижодиёт анъаналаридан фойдаланишнинг маданий-тарбиявий асослари: Пед. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. – 151 б.
32. Искандар Икром. Эски танбур нотаси // Ер юзи. 1926. №12. – Б.12 – 13.
33. Маориф ва ўқитувчи журнали. 1927. №7 – 8.
34. Истиқбол дебочаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №8. – Б.6 – 10.
35. История узбекской советской музыки. – Ташкент: Гафур Гулям, 1972. Т.1. – С.380.
36. Йўлдошева С.Х. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.13.
37. Караматов Ф. Анъанавий музика ва замонавийлик // Совет Ўзбекистони санъати, 1983. №9 – Б.17.
38. Каримов И.А.. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.142.
39. Каримов Н. Қорасоч ва Олтойхон // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №3. – Б.5 – 6.
40. Каримов Н. Ўзбек киносининг қалдирғочи // Нафосат. 1992. №1. – Б.24 – 26.
41. Комилов К. Куйла, Муножот! // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №5. – Б.19.
42. Қори Ёқубий. Ўзбекистон халқ ашулачиси // Ер юзи. 1926 йил август, №11. – Б.5.
43. Қориев Р. Яловбардор // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №10. – Б.4 – 6.
44. Қосимов Р. Таъзимдамиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №5. – Б.22.

45. Қўшиқчилик юксак санъат // Санъат. 1991. №5. – Б.18.
46. Мақом мусобақаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1983 йил 28 январь. №5.
47. Мақсуд Т. Санобар Раҳмонова // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №11. – Б.21.
48. Мамадалиев Ф. Нодир мерос // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №7. – Б.8 – 9.
49. Матёқубов О. Конкурс яқунланди, конкурс давом этади // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №4.
50. Матёқубов О. Қадимий ва навқирон санъат // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №4. – Б.10 – 12.
51. Матёқубов Отаназар. Мақомот. – Тошкент: Мусиқа, 2004. – Б.90.
52. Матюсуф Харратов // Санъат. 1989. №10. – Б.22.
53. Маҳкамов А. Мукешни Тошкентдан топдим // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №11. – Б.19.
54. Мерос ва замонавий мусиқа // Совет Ўзбекистони санъати. 1979. №8. – Б.8 – 10.
55. Мирзо М. Ўзбекистон булбули // Театр. 2012. №1. – Б.24 – 26.
56. Мирхўжаева С. Замондошимиз опера қаҳрамони // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №1. – Б.7, 11.
57. Музикали драма жанри: имконият ва истак // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №1. – Б.2 – 7.
58. Мўмин П. Қўшиқ айтиб етди муродга // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №8. – Б.18 – 19.
59. Муродов М., Қорабоев У. Бахшилар халқ қалби // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №7. – Б.4 – 5.
60. Муродов М. Раззоқ бахши // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №5. – Б.7.
61. Назаров А. Антик давр мусиқа маданияти. – Тошкент, 2003. – Б.4.
62. Наим. Киностудияда ўзбек ўқувчилар (Самарқанд) // Ер юзи. 1926. №11. – Б.11 – 12.
63. Неъматов Р., Исломов Қ. Созлар соз бўлсин // Совет Ўзбекистони санъати. 1984. №4. – Б.6 – 8.
64. Отаматов А. Ҳаёт таронаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №4. – Б.12 – 13.
65. Парижда ўзбек санъати (М.Қори Ёқуб, Тамарахоним) // Ер юзи. 1926. №6. – Б.10
66. Ражабзода. Танбур // Маориф ва ўқитувчи, 1925 йил. №2.
67. Ражабий Ю. Ўзбек мақомлари. Шашмақом. – Тошкент, 2007. – Б.14.
68. Расулий М. Театру ва мусиқамизнинг бориши // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №5.

69. Раҳим Ш. 30 – 35 йиллар мусиқий йўлида // Ерюзи. 1926. №10. – Б.8 – 9.
70. Раҳимов А. Қалбга сингган наволар // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №4. – Б.27.
71. Раҳимов Д. Халқ булбули // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №8. – Б.13.
72. Раҳмонов М. Ечилмаган муаммолар // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №11. – Б.8 – 9.
73. Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг сахна тарихи // Санъат. 1991. №3. – Б.17 – 21.
74. Саййид Али Хўжа. Санои нафисамиз ўлди // Қизил Байроқ. 1921 йил 3 август.
75. Саййид Али Хўжа. Эндигисини қўлдан бермайлик // Қизил байроқ. 1922 йил 2 февраль.
76. Сардор // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №1. – Б.6 – 7.
77. Сатторов У. Достонлар хазинаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №7. – Б.6 – 7.
78. Сокин Ш. Алп сиймо ёхуд М.Қориёқубовнинг учинчи ўлими // Санъат. 1990. №6. – Б.3 – 6.
79. Сокин Ш. Давримизни куйга солиб // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №1. – Б.2 – 3.
80. Сокин Ш. Қўшиқ соҳилларида // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №1. – Б.22 – 23.
81. Сокин Ш. Мағрур садо // Санъат. 1990. №9. – Б.9 – 10.
82. Сокин Ш. Оташнафас ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати, 1987. №4. – Б.23 – 24.
83. Сокин Ш. Содирхон ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №6. – Б.25.
84. Сокин Ш. Улкан тадқиқот // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №5. – Б.12 – 13.
85. Сокин Ш. Халқим камолин куйлаб ўтарман // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №8. – Б.14, 21.
86. Сокин Ш. Ҳожихондай ҳофиз ўтди дунёда... // Санъат. 1989. №9. – Б.22 – 24.
87. Сотиболдиева М. Силжиш бўладими? // Санъат. 1990. №5. – Б.8 – 9.
88. Сулаймон Ш. Миллий куй ва ашулаларимиз // Фарғона. 1923 йил 24 август.
89. Султонова Р. Мусиқа сарчашмаларида // Санъат. 1991. №6. – Б.9.
90. Сўфиев Н. Бахшичилик муаммолари // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №9. – Б.11.
91. Театр танқидчилиги: бурч ва масъулият // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. №7. – Б.4 – 7.

92. Тожибоев М. Ижоднинг уч қирраси // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №8. – Б.15.
93. Туйғун Б., Умарова Ф. Шахснинг мусиқий маданияти // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. №5.
94. Узоқов Ҳ. Кўшиқларда ҳаёт завқи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №5. – Б.24 – 25.
95. Узоқов Ҳ. Уйга қайғу келмагай // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №1. – Б.15.
96. УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 5980. Материалы о проведении III Всесоюзного конкурса на лучшее исполнение песен стран социалистического содружества в гор. Ялте. – С.16.
97. ЎзР МДА. Фонд 2366. Рўйхат 2. Йиғ. жилд 624. – Б.19.
98. УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 5978. Материалы о проведении I Республиканского конкурса исполнителей макамов.
99. УзР ЦГА. Фонд 2487. Опис 3. Дело 6143. Материалы о проведении III Всесоюзного фестиваля искусств «Ташкентская золотая осень». – С.7.
100. ЎзР МДА. Фонд 2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд 6457. – Б.18.
101. ЎзР МДА. Фонд 2744. Рўйхат 1. Йиғ. жилд 441. – Б.1 – 6.
102. УзР ЦГА. Фонд Р-2487. Опис 3. Дело 5974. Материалы о работе Узбекской государственной филармонии им. М.Кари Якубов и РГКО «Ўзбекконцерт», Л.76. – С.34.
103. ЎзР МДА. Фонд Р-2487. Рўйхат 3. Йиғ. жилд. 6139. – Б.30 – 31.
104. Умарова Г. Халқ эътирофи менинг бахтим // Совет Ўзбекистони санъати. 1984. №12. – Б.18 – 19.
105. В.А.Успенский. Классическая музыка узбеков // Успенский В.А. – Ташкент, 1980. – С.33.
106. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Фан, 1922.
107. Фитрат. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. 1928. №2.
108. Хоразм классик мусиқаси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1939. – Б.11.
109. Хоразм мақомлари. – Тошкент: Ғафур Ғуллом, 1980. Т.I. – Б.18.
110. Худойбергенов М. Сўнмас соз, ўчмас овоз // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №8. – Б.7.
111. Хушев И. Ёниқ кўшиқлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №9. – Б.21.
112. Ҳазраткулов М. Умри боқий кўшиқлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. №6. – Б.18 – 19.
113. Ҳамидова М. Музикали драма муаммолари // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №2. – Б.8 – 9.

114. Ҳасан Ражабий. Сўзнинг гўзаллиги // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №2. – Б.14.
115. Ҳошимхонова Ф. Эътироф // Совет Ўзбекистони санъати. 1988. №11. – Б.7.
116. Ҳусанов О. Куйла, давр қизи // Совет Ўзбекистони санъати. 1982. №3. – Б.13.
117. Ҳусанов О. Самарқанд булбули – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1970. – Б.47.
118. Чориев Т.Р., Худоев Ғ.М. Садриддин Айний ижодида мусиқа санъати ва мусиқашунослик // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Бухоро, 2013. – Б.15 – 16.
119. Чўлпон. «Базм» чолғу тўдаси. // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №6.
120. Чўлпон. «Яна уйланаман!» (Юсуфжон қизиқ Масковда) // Ер юзи. 1927. №23. – Б.15 – 16.
121. Чўлпон. Масковдаги драм студиямиз // Ер юзи. 1926. №12. – Б.10 – 11
122. Чўлпон. Мейрхольд театри // Ер юзи. 1927. №19. – Б.14 – 15.
123. Шарафиддинов О. Чўлпон драмалари // Санъат. 1990. №4. – Б.8 – 10.
124. Шашмақом / Ёзиб олувчи Ю.Ражабий. – Тошкент, 1966. Т.I. – Б.5.
125. Ширинов Т.Ш. Тарихимиз этюдлари. – Тошкент: Шарқ. – Б.336.
126. Шодлик гулдастаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №9. – Б.9.
127. Шодмоналиев Д. Кўшиқчининг умри кўшиқда // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. №6. – Б.8 – 9.
128. Шокиров Ў, Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намояндалари. – Тошкент: А.Қодирий, 2001. – Б.61.
129. Эргашева Ч. Содирхон ушшоғи // Театр. 2013. №2. – Б.30 – 31.
130. Юнусов Р. Навқиронлик // Санъат. 1990. №9. – Б.8.
131. Юсупов Л. Ўзбекистонда жаз мусиқаси // Совет Ўзбекистони санъати. 1989. №1. – Б.10 – 11.
132. Юсупов М. Сабот // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №6. – Б.18.
133. Юсупов М. Устоз мақомдонлар // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №3. – Б.12 – 13.
134. Юсупов Ш. Санъат ва ҳайрат. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 188 б.
135. Юсупов Ш. Соз ила ҳамроҳ // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. №8. – Б.19.
136. Якубий А. Ўзбек фотографчиси // Ер юзи. 1926. №11. – Б.13 – 14.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
КИРИШ .....	7
Советлар даврида ўзбек мусиқа маданияти .....	12
Ўзбек миллий мусиқа меросини сақлаб қолиш масаласи .....	20
Ўзбек мақом санъати .....	33
Катта ашула ёки патнисаки ашула.....	38
Бахшилиқ.....	42
Халфачилиқ .....	45
Лапарчилиқ .....	46
Ўланчилиқ .....	47
Замонавий мусиқа санъати .....	47
Ўзбек мусиқали театр санъатининг туғилиши .....	49
Миллий опера.....	53
Ўзбекистонда касбий мусиқа санъати .....	56
Кино ва кино мусиқаси .....	66
Ҳаваскорлиқ.....	68
Мусиқий таълим.....	70
Ўзбек мусиқа маданияти намояндалари халқаро алоқалар жараёнида.....	74
ХУЛОСА .....	79

### 1920 - 1930 ЙИЛЛАР ЎЗБЕК МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДАН

Саййид Али Хўжа. Санойи нафисамиз ўлди.....	84
Саййид Али Хўжа. Эндигисини қўлдан бермайлик.....	88
Шокир Сулаймон. Миллий куй ва ашулаларимиз.....	90
Ғулом Зафарий. Чолғуимизни ўлумдан қутқарайлик .....	94
Фитрат. Шашмақом .....	98
Ниёз Ражабзода. Танбур.....	100
Искандар Икром. Эски танбур нўтаси .....	103
Парижда ўзбек санъати .....	107
Шокир Раҳимий. 30-35 йил мусиқий йўлида.....	109
Қори Ёқубий. Ўзбек куйларини қандай сақлаш мумкин .....	112
Фитрат. Ўзбек мусиқаси тўғрисида .....	115

Ғулом Зафарий. Ўзбек мусиқаси тўғрисида .....	117
«Д». Халқ ҳофизи .....	126
Чўлпон. «Базм-чолғу» тўдаси .....	129
Чўлпон. Масковдаги драм студиямиз .....	132
Чўлпон. Мейрхўлд театри .....	135
Чўлпон. «Яна уйланаман!» .....	139
Маъруф Расулий. Театр ва мусиқамизнинг кетиши тўғрисида .....	142
Абдурахмон Саъдий. Гўзал санъат дунёсида .....	143
Аъзам. Адабий ҳаракатимиз ва тарбия .....	149
Фойдаланилган манба ва адабиётлар .....	152

*Адабий-бадий нашр*

**Баҳром ИРЗАЕВ**

**ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ  
ТАРИХИ САҲИФАЛАРИДАН**

**Муҳаррир:** Нурбек ТОШНИЁЗ  
**Бадий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ  
**Мусахҳих:** Ғиёсиддин БОЛИЕВ

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 14.11.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 24.11.2017 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Самбга гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,7. Шартли б.т.: 9,3.

Адади: 200 нусха.

Буюртма № 133

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz

«Шухрат матбуот сервис» ХК матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Фарҳод кўчаси 58-уй.